B 496
1999 /5



Guliston

5
1999



Акмал Нур. Армон. Мато, мойбўёқ, 1998 й.

Guliston

5
1999

sentyabr-oktyabr

Ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-ommabop va badiiy bezakli jurnal

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat ishlari vazirligi

Bosh muharrir:
Tilab MAHMUDOV

Tahrir hay'ati:
Rustam ABDULLAYEV,
Sa'dulla ABDULLAYEV,
Bahodir ABDURAHIMOV,
Oqilxon IBROHIMOV,
Otanazar MATYOQUBOV,
Asqar MAHKAM
(bosh muharrir o'rinbosari),
Alisher MIRZAYEV,
Ma'pura NABIYEVA
(mas'ul kotib),
Yo'ldosh SULAYMON,
Islom SHOG'ULOMOV,
Muhsin QODIROV,
Tursunali QO'ZIYEV

Jurnal 1925 yildan chiqa boshlagan.

Ushbu sonda:

Muharrir minbari. *O'zbekiston XXI asrga intilmoqda* 2
Faxriddin YO'LDOShEV, Odiljon HAYDAROV. *Ma'naviy meros va yoshlar tarbiyasi* 5
Erkin UMAROV. *Tabiat va tuyg'ular musaffoligi* 7
Farida SAIFNAZAROVA. *Oila – ma'naviyat maskani* 8
Malik ORIPOV. *Qadriyat tushunchasi haqida* 10
Dilfuza RAHMATULLAEVA. *Festivaldan keyingi o'ylar* 12
Izzat SULTON, No"mon RAHIMJONOV. *Tonglar – yorug'lik enagasi* 13
Adolat HAMDAMOVA. *Har zarra yetuk hikmat bilan yaratilgan* 19
Muhammadjon QOZOQBOEV. *"Alpomish" – boqiy asar* 20
Olimjon RAHIMOV. *Amir Temur ma'naviyati* 22
Sobirjon MINAVVAROV. *Ma'rifatparvarlar yurti* 23
Rahimboy JUMANIYOZOV. *Xayol va hayot haqiqati* 25
Mahmuda ABDULLAEVA. *Ko'ngil osmoni* (Lirik xonanda Oxunjon Madaliev bilan muloqot) 26
Salimaxon EShONOVA. *Haq yodi bilan o'tgan shoira* 29
Gulchehra BOLTAEVA. *"Fusuli arbaa" – nodir durdona* 30
Normo'min OChIL. *Bir kuy kuchi* (Voqeiy hikoya) 31
Qurbonoy SULTONOVA. *Nodir inson edi* 32
Ne'mat UBAYDOV. *Jaloliddin Manguberdi – mustaqillik jarchisi* 34
Abduqodir QAYUM. *She'rlar* 36
Rahim OTAXON. *Ko'ngildagi Vatan* (She'riy turkum) 37
M.NABIEVA, H.NABIEV. *Muhabbat kuychisi* 38
Tilab MAHMUDOV. *"Avesto" haqida* 40
Avesto. (Davomi) 48
Gulchehra NAVRO'ZOVA. *Naqshbandiya ta'limotida inson tushunchasi* 54
Jaloliddin RUMIY. *Masnaviy* (Davomi) 56
Mahkam MAHMUD. *Mironshoh saroyida musiqa bazmi* (Badea) 62
Qutbi NOSIR qizi. *Hajviyalar* 63
Nozim TOLIPOV. *Akvarel* 64

Muqovaning birinchi betida:

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist, lirik xonanda *Oxunjon MADALIYEV.*

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

Алғов-далғовли, ниҳоятда мураккаб, айни чоғда, миллатлар ва мамлакатлар ҳаётида жуда катта из қолдирган XX аср ортда қолмоқда.

XX асрга якун ясаб, унга баҳо бераркан, "Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Ва нималардан воз кечишимиз даркор? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Янги минг йилликда қандай муаммоларнинг ечими бизнинг диққат-эътиборимиз марказида турмоғи лозим?" деган саволлар муҳим ижтимоий-тарихий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон 1991 йилдан ўзининг янги тарихини бошлаган экан, мустақиллик туфайли халқимизнинг муқаддас қадриятларига, улкан тарихий, маънавий меросига, умумэътироф этилган демократик тамойилларга рисоя қилинган ҳолда янги жамият қуриш имконияти яратилди.

Янги тарихимиз оғир шароитда бошланди. Бизга мустабид тузумдан заиф ва бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлигига, бой минерал хом ашё ресурсларимиздан назоратсиз фойдаланишга асосланган, келажаги йўқ иқтисодиёт мерос қолган эди. Бу оғир мероснинг яна бир даҳшатли томони шунда эдики, инсон учун зарур барча нозу неъматларга бой мамлакатимизга марказлашган тақсимот туфайли оддий озиқ-овқат маҳсулотларидан то мураккаб техникагача четдан келтирилар эди.

"Оқ олтин"имиз, ҳақиқий тилломиз, рангли металлар, стратегик аҳамиятли материаллар, пилла, газ ва қоракўл каби жаҳон бозорида ўта харидоргир қимматбаҳо маҳсулотларимиз сув текинга ташиб кетиларди.

Бундан ташқари, мустабид тузум мафкураси одамларнинг миллий ва диний туйғуларини камситди, миллатларнинг тарихий тараққиётини бузиб кўрсатди, она тили ва миллий маданият ривожини кишанлаб қўйди.

Бу даврда миллий ўзликни англаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Миллий ўзликни англаш ўрнига сохта байналмиллалликни тарғиб этиш, миллатпарвар инсонларни, миллат онги, виждони ҳисобланган кишиларни қатағон қилиш, синфий табақалаш туфайли бир миллат алломаларини ўз ватани ва халқидан ажратиб, ўзаро ёвлантириш тамойили авж олган эди.

Мустақиллик ярим мустамлака мамлакат бўлиб қолган Ватанимизни эркин тараққиёт йўлига олиб чиқди.

Жамият ва халқ олдида ниҳоятда мураккаб вазифалар турарди: тарихан бошимизга тушмаган янги жумбоқларни ечиш, тараққиётнинг истиқболли йўлларини, тамойилларини ишлаб чиқиш зарур эди. Бу йўлда эсанкираб қолиш, ҳовлиқиб кетиш хавфи ҳам йўқ эмас эди. "Собиқ шўролар ҳудудидаги аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ, – деди Президентимиз, – биз баландпарвоз ҳавас ва шиорларга, ҳавойи кайфиятларга берилмадик. Бу касалликдан ўзимизни сақлай олдик".

Эски тузум, эски мафкура осонгина одамларни ўз исканжасидан бўшатиб юбормаслигини унутмаган ҳолда, янги ижтимоий муносабатлар асоси аста-секин ва собитқадамлик билан қурилишини назарда тутган ҳолда иш кўрилди.

Янги демократик ташкилотларни шакллантириш, янги қонунларни, демократик тушунчалар, мустақил давлатни бошқарув тизими нормаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этиш учун, яъни жамиятни ислоҳ қилиш учун янгича фикрлайдиган одамларни тарбиялаш ниҳоятда зарур эди. Энг муҳими, одамларнинг тафаккур тарзини ўзгартириш ва янги ижтимоий муносабатларга ўргатиш бўлиб қолди.

Жамиятда ҳам, ҳар бир инсон ҳаётида ҳам янгиланиш осон ва жўн кечмайди. Маълум қийинчиликлар, зиддиятлар туғилиши табиий. "Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, – дейди Президентимиз, – халқимизнинг кайфиятини бузмаслик мақсадида, ўтиш даврида унинг бошига тушган оғир юк ва ташвишларни енгил қилиш, мураккаб синовларда ҳеч кимнинг бурнини қонатмасдан, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан тенг ва дўстона алоқа қуриб, босқичма-босқич сиёсат олиб боришга ҳаракат қилдик".

Ана шу одилона сиёсат натижасида қуйидаги муваффақиятлар қўлга киритилди:

– мустақилликка эришилди ва жаҳон харитасида янги давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди;

– мамлакатимизда маъмурий-буйруқбозликка асосланган мустабид тузумга барҳам берилди;

– эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлинди;

– давлат, жамият, иқтисодиёт ва ижтимоий инфрату-

(Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси муносабати билан)

зилма такомиллаштирилди, янги маънавий ҳамда ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги таъминланди;

– жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларининг мустақил йўли шаклланди;

– давлатимиз хавфсизлигини таъминловчи янги миллий армия тузилди;

– тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналаримиз, муқаддас динимиз қайта тикланди;

– мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқароларо тотувликка эришилди;

– иқтисодиёт ва жамиятда шахсий мулк ва мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг мавқеи ва ўрни мустаҳкамланмоқда. Йирик иншоотлар, корхоналар қурилди, микроиқтисодий барқарорлик вужудга келмоқда;

– одамларнинг тафаккури ва ҳаётга муносабатида ўзгариш содир бўлди, аҳолининг фаоллиги ошмоқда, ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва келажакка ишонч туйғуси ортиб бормоқда.

Қисқача баён этилган юқоридаги ишлар, фаолият ҳамда тамойиллар ўтган давр ичида халқимизнинг фидокорона меҳнати ва ақл-заковатидан далолат беради.

Ютуқларимиз, мустақиллик шарофати қанчалик улуғ ва мўътабар бўлмасин, 16 февраль воқеалари бизни янада сергак ва ҳушёр бўлишга чорлайди. 16 февраль воқеалари шундан далолат беради, Ўзбекистон мустақиллигига, унинг миллий тараққиёт дастури ва истиқболига айрича кўз билан қараётган хавф-хатар мавжуд экан. Президентимиз ана шу хавф-хатарнинг иккитасига диққатни жалб этади.

Биринчи. Мамлакат ташқарисидаги тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилмоқдалар.

Иккинчи. Бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжуд.

Асоссиз бўлган бу хавф-хатарларнинг Ўзбекистонни ўз тараққиёт йўлидан ташқарига чиқариб юборишга кучи етмайди. Янги ва мустақил Ўзбекистон демократик тараққиёт ва инсонпарварлик тамойилларига асосланувчи жамият аллақачон илдиз отиб бўлди. Бу илдизни на чопиб, на қуритиб бўлади. Аксинча, ундан янги жамият, янги ҳаётнинг гўзал мевалари унаверади.

Инсон ва инсониятни эркин, озод ҳамда бахтиёр қилишга қаратилган тарихий жараённи ортга қайтариб бўлмайди. Президентимиз эслатиб ўтадики, "Ўз тақдирини ўз қўлига олган, эркинлик ва мустақиллик ҳавосидан бир бора кўксини тўлдириб нафас олган, танланган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмайди".

Бундан ташқари, чет эл давлатларининг раҳбарларидан тортиб, бизнесменлар, банк ходимлари ва ишбилармонларининг бизга кўрсатаётган хайрихоҳлиги, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга интилишлари Ўзбекистон келажаги ва тараққиётининг орқага эмас, олдинга қаратилганига яна бир бор гувоҳ бўла олади.

Бинобарин, биз яна минг йиллик бўсағасида турган эканмиз, ўз истиқболимиз режаларини аниқлаш ва халқимиз, мамлакатимиз имкониятни ҳамда эҳтиёжини ифодаловчи мақсадларини аниқлаб олишимиз зарур бўлади.

И.А.Каримов айтганларидай, биз жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларига мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий-эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдорларимиз ва бунга қатъий амал қиламиз. Мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, халқимиз табиатини – менталитетини инобатга олсак, ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир. Шу нуқтаи назардан қараганда жамиятни ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг, янгилашнинг "ўзбекча модели" тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, демократик ва бозор ислоҳотлари кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг ночор қатламларини муҳофаза қилиш билан уйғун олиб борилмоқда. Навбатдаги вазифа ислоҳотларнинг аҳоли томонидан қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда, уларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимиз ривожланиш стратегиясини, устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир.

Биринчи устувор йўналиш – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш:

– сиёсий соҳани эркинлаштириш соҳасида аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур;

– сайловларни Конституциямиз ва қонунчилигимиз талабларига қатъий таянган ҳолда, умумэътироф этилган халқаро амалиёт меъёрлари доирасида ўтказиш муҳим аҳамият касб этади;

– давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштиришда ҳокимият барча тармоқларининг мустақил иш юритишга, фуқароларни ўз ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтишига, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишга эътибор кучайтирилади;

– иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштиришда биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

Иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. "Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, – дейди Ислом Каримов, – инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан."

Ҳозирги кунда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни, яъни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз ақл-заковатига таянадиган, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган воқеаларга мустақил муносабат билдира оладиган, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, баркамол инсонни шакллантириш ва тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолди. Чунки "амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир".

Учинчи устувор йўналиш – кадрлар масаласи. Кадрлар наинки шу бугунги тараққиётимиз, балки келажагимизни белгиловчи маънавий потенциал куч ҳисобланади. Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш стратегик мақсадларимизнинг рўёбга чиқишида катта аҳамиятга эга.

Тўртинчи устувор йўналиш – халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни тақозо этади.

Бешинчи устувор йўналиш – жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат. Бу борада Прези-

дентимиз таъкидлаб ўтганларидай, "Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори" сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга минтақадаги аҳвол, дунёнинг бошқа ҳудудларида вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг ўз хавфсизлик тизимларини яратишни тақозо этади.

Бу вазифалар фақат жамият эркинлашгач амалга ошиши мумкин. Ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида диққат-эътиборимиз қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни тезроқ бартараф этишга қаратилмоғи зарур. Ҳар бир фуқаро қонун асосида яшашни ўзининг асосий ҳаёт тарзига айлантириши керак.

Жамиятни демократик асосда қайта қуриш жараёнида партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари сингари сиёсий тузилмалар-институтларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш эҳтиёжи туғилади.

Партиялар ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, улар ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олар эканлар, мамлакатдаги ижобий ва ижодий ўзгаришларга таъсир эта оладиган аниқ мақсадларга, ҳаракат дастурларига эга бўлишлари керак. Шу билан бирга "Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши, ғоя ва қарашларнинг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилиши керак".

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг аҳамияти катта ва мавқеи тобора ўсиб бормоқда. Уларнинг фаолияти фақат хайрия ва мурувват кўрсатиш билан чегараланмасдан, демократик қадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиши зарур.

Мамлакатимизнинг мустақиллиги эълон қилинган кундан бошлаб аёллар ва ёшлар ҳаёти, турмуши ва фаолиятига катта эътибор берилмоқда. Президентимиз образли тарзда айтдиларки, "Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир, десак, асло муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам аввало Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган дастур тадбирларини оғишмай, изчил амалга ошириш зарур. Бундан ташқари, аёллар меҳнатини енгиллаштириш, айниқса, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш ва керакли тадбирларни амалга ошириш даркор!"

Ёшлар билан ишлаш ҳам алоҳида эътибор, алоҳида чора-тадбир ва масъулиятни талаб этади. Бизнинг келажагимиз бугунги ёшларимизнинг қандай камол топганига, қандай маънавий озуқ олганига, уларнинг ҳаётга қандай муносабатда бўлаётганликларига ва қандай олий мақсадни ўз олдиларига қўйганига боғлиқ. Зеро "Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур".

16 февраль воқеалари бизни, жамиятимизни, жамоатчиликни янада сергаклантириши керак. Тарбиячилар, ота-оналар ва жамоатчилик орасидаги бегамлик, лоқайдлик, ишимиздаги камчиликлар айрим ёшларни жиноий гуруҳлар, экстремистлар, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлди.

Бутун мамлакатимиз аҳолисини ларзага солган 16 февраль воқеаларидан қанчалик узоқлашган сари шунчалик унинг ёвузлигини ҳис қилиб, тегишли хулосалар чиқаришга тўғри келмоқда.

У ёки бу мамлакат, халқ ҳаётида террористик хатти-ҳаракатларнинг учраб туриши инсоният тарихининг нақадар мураккаблашиб кетганидан, ижтимоий-сиёсий майдондаги турли-туман кучларнинг ҳар қандай кураш усулларидан фойдаланишга уриниб кўраётганидан дарак беради.

Президентимизга, мамлакатимиз ва халқимизга нисбатан уюштирилган суиқасднинг қандай мақсадларни кўзлагани аён бўлди. Мунофиқ кимсалар биринчи навбатда сиёсий мақсадни кўзлаганлар. Суиқасд натижасида Ўзбекистонни ўз юртбошисидан, мустақиллик карвонини ўз йўлидан жудо қилишга, пировардида амал ва мансаб илинжида юрган "қора юрак"ларнинг бош кўтаришига эришмоқни ўйладилар.

Бу ўтакетган хомхаёллик ва разолат эди. Суиқасдни уюштирганлар ва уни бажарувчилар хаёлида бундай воқеадан кейин мамлакат ҳаёти издан чиқиши ва тарихда кўп бўлиб турган террористик ҳаракатлар кучайиб, халқ орасида эсанкираш ва норозилик кайфиятлари кучайиши керак эди. Бундай бўлмади. Хомхаёллик хомхаёллигича қолди.

Аксинча, телевидение ва радиодан Президентимизнинг мамлакат ва халқ ғам-ташвиши билан йўғрилган изтиробли, айни чоғда, мулойим, босиқ ва ўктам овози янгради.

Сиёсий курашнинг энг тубан усулини қўллаганлар мурод-мақсадларига эриша олмадилар. Агар улар мард ва ҳақ бўлганларида ўз сиёсий тамойиллари ва дастурлари билан халқ олдига очиқ-ойдин чиққан ва ошкора кураш олиб борган бўлардилар. Уларнинг бунга на маънавий, на ақлий ва на ҳуқуқий идроклари бўлмагани учун жаҳолат йўлини танладилар.

Қўпорувчилар кирдикорларидан иккинчи хулоса шуки, улар сиёсий мақсадларидан ташқари, иқтисодий зараркунандаликни ҳам кўзда тутганлар.

Ўзбекистоннинг шу бугунги ижтимоий-сиёсий муҳитида сиёсий мақсадларни тезда ва бирдан амалга ошириб бўлмаслигини олдиндан ҳис қилган шахслар ҳеч бўлмаганда мамлакатимизга иқтисодий зарар келтиришни кўзлаганлар. Бир йўла олти жойда портлаш юз бериши ва бунинг оқибатида қанча-қанча бинолар зарар кўриши, одамлар ҳалок бўлишини билишмасмиди? Билишган, албатта! Лекин ҳеч бўлмаса шу йўл билан "Биз – аллақандай ёвуз кучлар бормиз, қўлимиздан мана шунақа ишлар келиши мумкин" деб огоҳлантириб, халқни қўрқитиб қўймоқчи бўлдилар.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, дейди халқимиз. Гарчи бир неча бегуноҳ ҳамюртларимиз қурбон бўлиб, баъзи биноларга зарар келтирилган бўлса-да, мамлакатимизнинг энг нодир бойлиги – руҳи ва иймонига зарар етгани йўқ. Биноларни таъмирлаш ўз йўлида бўлиб кетади. Ҳозирги буюк қурилишлар олдида бу кичик бир иш. Халқимиз бегуноҳ ҳалок бўлганлар, шаҳид кетганларни ҳеч қачон унутмайди.

Хомхаёл кимсалар, учинчидан, ўз қора ниятларида маънавий мақсадни ҳам кўзлаган бўлишлари мумкин. Президентимиз ўтиш даврининг қийинчиликларини яширмасдан айтиб турган бир пайтда, мамлакат ва миллат бағрида маънавият ва маърифат чироғини ёқишга бор кучини сарф қилаётган замонда, улар ўз ҳаракатлари натижасида халқ орасида маънавий парокандалик юз беради, деб ўйлаган бўлсалар керак. Бунда ҳам хомхаёллик жаҳолат билан чатишиб кетгани кўринди. Халқимиз мудҳиш воқеа содир бўлган ондан "Биз Президентимиз ёнидамиз, халқни Президентдан, Президентни халқдан ажрата оладиган куч дунёда йўқ" деган шиор билан чиқди. Қўпорувчилар ўйлаган маънавий эсанкираш ўрнига маънавий бирлик, аҳиллик, ҳушёрлик ва огоҳликка даъват ҳисси барчанинг онгини, вужудини эгаллади.

(Давоми бор.)

МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Ислом Каримов Президент сифатида, давлат раҳбари, юртбоши сифатида ўз фаолиятининг энг муҳим нуқтасига маънавий-маданий тарихий меросга муносабат масаласини қўйди ва мана сакқиз йилки шу сиёсатни оғишмай амалга ошириб келмоқда.

Президент олиб бораётган бу сиёсатнинг моҳияти нимада?

Биринчидан, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак бир-биридан ажралмас жараён. Бу тарихий қонуниятдир. Ҳозирги замонни ўтмишдан, келажакни ҳозирги замондан ажратиб бўлмайди. Тўғри, тарихда ҳам, якин ўтмишда ҳам бу тарихий қонуниятни тан олмаган, кўр-кўрона ундан чекинган раҳбарлар, сиёсий оқимлар бўлган. Аммо бу йўл ҳеч қачон тараққиётга олиб келмаган.

Ислом Каримов бу тарихий қонуниятни чуқур тушунгани ва унинг аҳамияти нечоғлик буюклигини юракдан ҳис қилгани учун раҳбар сифатида илк бор шу сиёсатни эълон қилди ва бу сиёсатнинг тўғрилигини амалда исботлади.


Иккинчидан, Ислом Каримов Президент сифатида, раҳбар ва юртбоши сифатида ўз фаолиятининг илк бошиданоқ маънавиятнинг устуворлигини эълон қилди ва ҳозиргача бу сиёсатни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Дарҳақиқат, қаерда юксак маънавият устуворлик қилса, қаерда маънавиятга давлат миқёсидаги иш деб қаралса, қаерда жамият аъзоларининг аксарият қисми юксак ички маънавий етукликка эга бўлса, ўша ерда тараққиёт бўлади.

Ислом Каримов мана шу тарихий қонуниятни ўз сиёсатининг марказига қўйиш билан нечоғлик доно раҳбар, кенг ва чуқур билимга, жуда катта фалсафий тафаккур ва маданиятга эга бўлган инсон сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Маънавият жамият тараққиётининг асосий ҳал қилувчи кучи, тарихий мерос, маънавиятни шакллантирувчи, уни юксакликка кўтарувчи асосий омилдир. Бир-бири билан боғланган икки қонуният, бири иккинчисидан келиб чиқадиган икки жараён. Бу масала замонамизнинг энг долзарб, мураккаб, шарафли масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 сентябрдаги "Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази қошидаги "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарорида, буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келгуси авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириш, халқимизнинг умуминсоний



қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиб, кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш вазифалари қўйилди.

Президент Ислом Каримовнинг сиёсати маданий-тарихий меросни билиб олиш, ўрганишга, уни янада ривожлантиришга қаратилган. Ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган барча ўзгаришлар шундан далолат беради.

Маданий-маънавий меросимизни янада ривожлантириш деганда нимани тушунамиз?

Аввало асрлар оша яшаб келаётган анъаналаримизни янги мазмун ва шакл билан бойитиш, уларга монанд қилиб, янги замон руҳига мос янги қадриятлар ижод қилиш, узоқ асрларга татигулик ихтиролар қилиш, маданий бойликлар яратиш, юксак маънавий баркамолликка интилиш, келгуси авлодларга наслий ва тарбиявий йўл билан маънавий етуклик даражасини бағишлаш учун барча чора-тадбирларни кўриш, изланиш, ҳаракат қилиш, яратиш ва олға интилиш."Ўзингиз ўйлаб кўринг, – деб ёзади И.Каримов, – 70-75 йил давомида бизга бутунлай бошқача тарбия берилган. Кўпчилик фаолларимизнинг ҳам суяги ўша тарбия билан қотган. Биз энди янги фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз, вояга етказишимиз зарур. Якин ўтмишимизга танқидий кўз билан қараб, ижодий ишларни саралаб олиб, бугунги кунга мос келмайдиган ва йўлимизга тўсиқ бўладиган ишлардан ва сиёсатдан воз кечишимиз лозим".

Ёшлар шуни унутмасликлари керакки, узоқ ва якин ўтмишга танқидий кўз билан қараш, барча одатлар, маросимлар, анъаналарни саралаш, ижобий, ҳозирги замонамизга хизмат қиладиганларини сақлаб қолиб, ривожлантириш, бугунги кунимизга мос келмайдиган, умуман инсон манфаатларига, жамият манфаатларига зарар келтирадиганлардан воз кечиш энг қийин ва мураккаб ишдир. Асрлардан буён давом этиб келган, кундалик яшаш меъёрига айланиб кетган, одамларнинг вужудига сингиб қолган одатлар, анъаналар, онг ва тушунча белгиларини ўзгартириш осон иш эмас. Тўғри, 15-25 ёшлардаги йигит ва қизларда ота-онадан наслий орқали ўтган, муҳитнинг таъсирида шаклланган айрим одатлар бўлади. Аммо улар ўзларини қўлга ола билишлари ва жамиятга тўсиқ бўлаётган ҳодисаларга кескин қураш бошлашлари мумкин.

Мана, муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ҳаётимиздаги, турмуш тарзимиздаги учта асоратга қарши умумхалқ ҳаракати бошланди. Булар — мансабпарастлик, мансабни суиистеъмол қилиш, ошна-оғайнигарчилик, тўй-маъракаларимиздаги дабдабабозлик, исрофгарчилик.

Бу иллатлар маънавий меросимизнинг таркибий бир қисми сифатида давом этиб келган. Улар жамият тараққиётига кўп зарар етказган. Аммо шу пайтгача бирорта давлат раҳбари бу иллатларни рўй-рост кескин танқид қилмаган. Президент Ислом Каримовнинг жасорати ҳам шундаки, у ўзи энг катта, юқори мансабда туришига қарамасдан, мансабпарастликка, ошна-оғайнигарчиликка қарши кураш бошлади. Бу ёшларимиз учун катта намуна ва ибрат.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нафақат И.Каримовнинг асарларидаги доно фикрлар, нафақат у олиб бораётган оқилона, адолатли сиёсат, балки шу билан бирга, унинг шахсий сифатлари ҳам ёшлар учун намуна ва ибрат. Хусусан камтарликни қаттиққўллик билан, кундалик масалаларни ҳал қилишни узоқ келажак манфаатлари билан, бозор стихияларини ижтимоий адолат билан, эркинликни зарурият билан уйғунлаштира олиш маҳорати ёшлар учун намуна ва ибратдир. И.Каримовнинг тарихийликни замонавийлик билан, муқаддас идеалларни реал воқелик, ҳаёт муаммолари

билан омухта эта олиши таҳсинга лойиқдир. У турли-туман воқеалар занжирини, турли-туман манфаатлар тугунини, турли-туман ҳаракатлар бирлигини бир нуқтада ушлаб тура олиш истеъдоди ва маҳоратига эга.

Биз Вазирлар Маҳкамаси қароридан айрим кўрсатмаларни юқорида эслатиб ўтдик. Ундаги қуйидаги фикрларга эътиборни қаратайлик: ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш вазифаси.

Бу ўта муҳим, ўта қийин вазифаларни қандай амалга ошириш мумкин?

Шўролар ҳокимияти йилларида миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат туйғулари кўп ташвиқот қилинди-ю, аммо уларнинг маъноси бутунлай мавхумлаштирилди, сохта томонга бурилди. Миллий туйғу, миллий ифтихор ўз киндик қони тўкилган тупроққа, ўз халқига эътиқод тарзида эмас, балки юзлаб миллатларни бирлаштирган собиқ СССРга нисбатан эътиқод тарзида ташвиқот қилинди. Шу тариқа миллийлик ўз асл маъносини йўқотди. "Миллий туйғу, — деб ёзади И.Каримов, — инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутунжаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас".

Вазифа аниқ ва равшан қўйилмоқда. Ота-оналар, ўқитувчилар, мураббийлар бу борада жиддий, тадбирли, изчил ва мунтазам иш олиб боришлари зарур. Ахир бу вазифани бажариш учун, ватанпарварлик ҳислари, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғулари анча сўниб қолган айрим ёшлар қалбида шамчироқ ёқиш учун тинмай изланиш, чоратадбир топиш, хусусан уларнинг руҳига таъсир қилишнинг самарали йўлларини излаш керак.

Ватан тушунчаси ўз киндик қони тўкилган тупроқдан, ўз хонадонидан, ўз қишлоғидан бошланади. Тарихий-маданий меросимизга мурожаат этсак, бунга минглаб мисоллар топамиз. Улуғ аждодларимиз она-заминни муқаддас билганлар, миллий анъаналаримизни асраб-авайлаб, янги мазмун билан бойитиб келгуси авлодларга етказиш учун ҳаракат қилганлар. Амир Темур сиймоси бу борада бетакрор ва муқаддасдир. Катта истеъдод эгаси Фурқат, буюк шоир ва саркарда Бобур Мирзо ва бошқалар Ватандан олисларда умр кечириб, миллий ифтихор туйғусини барала қуйладилар, Ватанга интилиб, Ватанни соғиниб оламдан ўтдилар.

Ислом Каримовнинг қуйидаги икки оғиз сўзида бир олам маъно бор: "Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-бобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер". Ҳа дарвоқе, шу тупроқда туғилдик, шу тупроққа кетамиз. Шунинг учун унга меҳру муҳаббатда бўлишимиз, уни янада кўркам қилишга интилишимиз зарур.

Маънавий-тарихий меросимизнинг ёшлар тарбиясидаги роли бениҳоя улкандир.

Тарихимизда ўтган буюк аждодларимизнинг таваллуд топган кунлари кенг нишонланмоқда, уларга маҳобатли ҳайкаллар қўйилмоқда, зиёратгоҳлари обод қилинмоқда. Бу ишларнинг ёшлар тарбиясига катта таъсири бор, албатта.

Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Имом Исмоил Бухорий, ат Термизий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Умар Ҳайём, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Машраб, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Фурқат, Муқимий, Нодира, Увайсий, Аҳмад Дониш ва бошқа шоир-адиблар, давлат арбоблари, олимлар, мутафаккирларнинг ёшлар тарбиясига бевосита таъсир қиладиган фикрларини саралаб, соддароқ, тушунарли тилда, кичик ҳажмли, ёнда олиб юрадиган китоблар нашр этиш керак. Ўзбек халқининг этник келиб чиқиши, анъаналаримиз, маросимларимиз, одатларимиз, тарихан таркиб топган турмуш тарзимизга ҳақида ҳам мана шундай китоблар чиқариш жуда зарур. Бу китобларни давлат маблағлари асосида кўп нусхада нашр этиб, уларни хонадонларга, мактабларга, боғчаларга, олий ўқув юртларига арзон нархда тарқатиш керак.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаётидаги эришилган ютуқларни ҳикоя қилувчи жажжи китобчалар ҳам жуда зарур. Шунга эришиш керакки, ёшлар бу китобчаларни ўқиб, ўрганиб ёнида олиб юришсин. Шу асосда уларда қўникма, малака, дунёқарашни шакллантира бориш лозим.

1999 йил февраль воқеалари бизни ҳушёрликка чорласин. Миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий фахрланиш билан Ватан туйғуси уйғунлашиб, ҳаёт қўлланмасига айланиши керак. Аждодларимиз руҳи, оталаримиз ўгити, оналаримиз ҳаққи-ҳурмати, уларнинг берган оқ сути олдида биз ёшлар қарздорлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Фахриддин ЙЎЛДОШЕВ,
Одилжон ҲАЙДАРОВ

САНЪАТ ОЛАМИДАН ҲАНГОМАЛАР

Неварасини маданият олий билимгоҳида ўқитиш учун олис вилоятдан келган бир отахон қабул ҳайъатининг масъул котибига мурожаат қилиб:

– Ўғлим, мен набирамни ўқишга олиб келган эдим, сизларда мавжуд бўлган мутахассисликларни номларини айтсангиз, шунга қараб иш тутсак, – дебди.

Масъул котиб мавжуд бўлимларнинг номларини санай бошлабди:

– Рақс бўлими, мусиқа бўлими, методист-ташкилотчи, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил қилиш бўл...

Шу ерга келганда отахон:

– Тўхтанг ўғлим, бизга мана шу "дам олдириш" бўлими маъқул, лекин мен шу нарсани ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилишим учун, ундан ташқари ўзим ҳам чарчадим, мени бир "дам олдирсаларингиз", яна бир ишонч ҳосил қилган ҳолда, ҳужжатларимизни топширсак, – дебдилар.

***

Тошкентга ўқишга келган бир ҳаваскор қўшиқчидан:

– Қайси ҳофизларни биласиз, – деб сўрабдилар.

Абитуриент билганларини санаб берибди.

Имтиҳон олувчилардан бири:

– Фалончини ҳам биласизми? – дебди.

Ҳаваскор:

– Йўқ, уни танимайман, у бизлар томоннинг тўйларига бормаган, – деб жавоб қилибди.

***

Шогирдининг "фальш"ларидан безор бўлган ғижжакчи домла:

– Ҳой, менга қара, қулоқ борми ўзи сенда, қачонгача "фальш" чаласан?– деб уриша кетибди. Шунда шогирд:

– Домла, классга кирганимда иштаҳам йўқолади, ҳафсалам келмайди...

– Қачон ҳафсала қиласан, иштаҳа деганинг нима ўзи, иштаҳани мусиқага нима дахли бор?

Унга жавобан:

– Домла, иштаҳа ҳам, ҳафсала ҳам тўйда пайдо бўлади, тўйларда... – деб хитоб қилибди.

***

Тоғ юрак устоз ғоз юрак шогирдига:

– Қачон қараса холамни бузоғига ўхшаб бемаза маъраш қиласан, машқ қилсанг бўлмайдими, - деб нолиб қолибди.

Бу таънадан мулзам бўлган шогирд:

– Устоз, сизда хола йўқ-ку, йўқ холангизни бузоғига ўхшатгандан кўра, бор тоғангизни "тойчоғ"ига ўхшатсангиз бўлармиди?

– Ие, ҳали тоғамга "тойчоқ" бўлмоқчимисан. Оббо ярамасей. Тоғамларга сени бемаъни маъраширг керак эмас, уларга тойчоқ бўлиб кишнаш керак, кишнаш учун (имо қилиб,) тушундингми?...– деб, икки бармоғини бир-бирига ишқалай кетибди.

Жасур РАСУЛТОЕВ

Эркин УМАРОВ

ТАБИАТ ВА ТУЙҒУЛАР МУСАФФОЛИГИ

Ўзбекистон мустақилликка эришмасидан аввал Бўстонлиқ, Оқтош, Паркент, Кумушкент каби гўзал табиат масканларида ҳам собиқ СССР марказининг қарори билан турли кимё ва техника заводлари қурилаверар, заҳарли чиқиндилар дарёга ташланаверар, далаларимизга турли заҳарли химикатлар, дефолиантлар сепилаверарди, мол-ҳоллар заҳарланиб, ўлиб кетса ҳам бу ҳақда ёзиш, гапириш маън этилган эди. Тўғри, ўша вақтларда ҳам табиат мусаффолигини асраш ҳақида қонунлар бор эди, аммо уларга амал қилинмасди.

Ватанимиз истиқлолга эришгандан сўнг табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, табиат мусаффолигини асраш ҳақида бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Аммо, гап шундаки, теварак-атроф, табиатга меҳр ва эҳтиёт билан қараш, авайлаб-асраш қонун-қоидалардан кўра одамларнинг экологик онги, тарбияси, туйғулар маданиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Инсон онгида ва қалбида она-табиатга меҳр туйғулари жўш урмас экан, одамлар вақтинчалик иқтисодий, маданий манфаатларини ватан келажаги, табиатини асрашдан устун қўяверади; атроф-муҳит ифлосланса ҳам, одамлар заҳарли чиқиндилардан касалланса ҳам завод, цех ёки фирма эгалари табиатни заҳарлашда давом этаверадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов "XXI аср бўсағасида" китобида табиатга, ўзбек заминига авайлаб муносабатда бўлиш ҳақида ёзади: "Ўзбекистон жуда катта табиий бойликларга эга ва бу бойликлардан оқилона фойдаланиш зарур". Ўзбекистон замини, далалари, табиати, ўрмонлари, тоғлари, дарёлари ва боғ-роғларини авайлаб-асраш барча фуқароларнинг инсоний бурчи, виждон, иймон талабидир. Ўзбекистон табиатидан, еру сувларидан тежамкорлик билан фойдаланиш зарурлигини кўпчилик билади. Аммо, бутун дунёда XX аср инсонлари жуда кўп яхши илмларни билсалар ҳам ана шу илмларга амал қилмайдиган, маънавий бойликлар, гўзал хулқларидан кўра моддий фойда, даромад олишни афзал деб ўйлайдиган бўлиб кетдилар.

Баъзи одамлар қанчалик моддий бойликларга эга бўлса ҳам тўймайдилар, бунинг боиси уларнинг табиат гўзалликларидан, инсонлар руҳий олами гўзалликларидан, маънавий, ахлоқий мусаффоликдан узоқлашиб, маънавий қашшоқлашиб кетганлигидир. Ариқлар, анҳорлар, дарё сувини тиниқ ва тоза сақлаш учун одамларнинг кўнгиллари тиниқ ва тоза бўлиши зарур. Шу тарзда экологик ва иқтисодий муаммолар ахлоқий муаммоларга, ахлоқий, маънавий гўзаллик, ҳис-туйғулар мусаффолигига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Буюк Шарқ мутафаккирларидан Саъдий Шерозий бундан етти аср аввал табиатни асраш, фалокатларнинг олдини олиш ҳақида бундай ёзган эди:

Сув бошин боғлашга етар битта бел,
Агар тошиб кетса ўтолмайди фил.

Табиатга зарар келтириш нақадар оғир фалокат келтиришини Саъдий замондоши Маҳмуд ибн Ямин бундай ифодалайди:

Қайта соф сув оқса қуриган жойда,
Балиқ ўлганидан кейин не фойда?

Орол денгизи ўз қирғоқларидан неча юз километрлаб узоқлашгани, шунча олис жойларда балиқлар ўлиб кетганлиги ўша минтақада яшовчи халқнинг соғлиқ, саломатлиги жиддий ёмонлашгани, болалар ўлими, турли касалликларнинг кўпайгани жаҳон жамоатчилигини ва, айниқса, Ўзбекистон халқини ташвишга солгани табиийдир. Алишер Навоий "Сабъаи сайёр" достонида шоҳ Баҳромнинг севгилиси Дилоромдан айрилганидан кейин маст-аластликка, кўнгилхушликка берилиб, даштда шикор-ов пайтида минглаб оҳулар, жайронларни қириб ташлаши тасвирланади. Дашт, саҳро ўқ еган жонзотларнинг вужудидан оққан қонлардан ботқоқликка айланади. Бунинг устига тинимсиз ёмғир, жала қуйиб, шоҳ Баҳромни ҳам, унинг беклари, амирларини ҳам ер ютиб кетади. Овчиларни бегуноҳ ўлган кийикларнинг хуни тутади. Алишер Навоий табиатга ваҳшиёна муносабатни шундай қоралайди ва жазосиз қолмаслигини тушунтиради.

Илгариги вақтларда керагидан зиёда тор илмий ихтисослашув туфайли табиатшунослик, кимё, этика ва эстетика илмларини бир-биридан айириб, алоҳида ўрганар эдилар. Шунинг оқибатида атоқли олимлар, маънавий фазилатлар эгаси бўлиш бошқа, бадиият, нафосатни ҳис этиш, туйғулар нозиклиги (эстетика) ҳаётда алоҳида амал қилади, деб ўйлар эдилар. Ҳолбуки, бу қарашлар нотўғри эди.

Чунки, ахлоқий поклик бўлмаса, одам ҳар қанча ўткир олим бўлгани билан жамиятга фойда келтирмайди, аксинча, қирғин қуроллари ихтиро қилиб, зарар келтириши мумкин.

Экологик маданиятга эътибор бермаслик қандай оқибатларга олиб келиши Президентимиз И.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" китобида равшан очиб берилган. "Айни чоғда табиий муҳитнинг ёмонлашуви билан бирга тупроқ нураши, шўрланиши, ер усти ва ер ости сувларининг сатҳи пасайиши ва бошқа ҳодисалар рўй бермоқда".

Бу нарса инсоннинг инсон бўлиб ҳаёт зийнати сифатида фаолият кўрсатишига имконият бермайди. Табиатни, муҳитни ардоқлаган инсонгина ўз маънавиятини ўйлаган ва тараққий эттирган инсон бўла олади.



ОИЛА – МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис XIV сессиясида маъруза қилар экан, жамият маънавиятини юксалтиришни энг муҳим йўналишлардан бири деб белгилади. Зеро, инсонни руҳий жиҳатдан покламай, унинг онг ва тафаккурини юксалтирмай, иймон-эътиқоди ва виждонини уйғотмасдан туриб баркамол жамиятни барпо этиб бўлмайди. Буларнинг барчасига маънавият орқали эришилади. "Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, – деди юртбошимиз ўз маърузаларида, – ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғликдир".

Мамлакатимизда кейинги вақтда таълим-тарбия тизими бутунлай ўзгарди. Давлатимиз бу масалага жиддий эътибор билан қарамоқда. "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳужжатларнинг қабул қилиниши, "Таълим тўғрисида", "Оила кодекси" қонунларининг ҳаётга тадбиқ этилиши, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур бу соҳадаги ишларнинг ривожланиши учун дастурулмал бўлиб хизмат қилмоқда.

Улуғ бобокалонларимиздан бири Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир" деган гапи ҳозир ҳам ўз таъсир кучини йўқотмаган. "Таълимнинг янги модели, – деган эди Президентимиз "Тафаккур" журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида, – жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада доҳийга эҳтиёж сезиб эмас, аксинча ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни осонгина ақидалар, бақириқчақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди".

Фарзандларимиз тарбияси аввало оилада шаклланади. Оила тарбияси, оила сабоғи бола учун дастлабки мактаб ҳисобланади. Бунда кўп нарса ота-онага боғлиқ. Агар ота-она етарли ҳаётий тажрибага эга, зукко ва билимдон бўлса эндигина вояга етиб келаётган ўсмирнинг ҳаётдан ўз ўрнини топиб кетиши осон кечади. Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек, акс ҳолда ота-онанинг ўзи тарбияга муҳтож бўлса, оила пойдевори мустаҳкам қурилмаган бўлса, бу ҳолат кўпгина нохуш оқибатларга, ҳатто фожеа ва ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит ва қизлар ишда, турмушда, оила ва жамоатчилик ўртасида ўз ўринларини топишолмаса, улар жамиятда ўз қадрини тез йўқотиб қўядилар, ўз қадр-қиммати, шаъни ва мавқеига эга бўлган инсон беқарор бўлади, ёт таъсир ва ақидаларга тез берилади.

Узоққа бориб ўтирмай, пойтахтимизда рўй берган 16 февраль воқеаларини эслайлик. Унинг иштирокчилари асосан ёшлар эканлиги кишини, айниқса, ташвишга солади. Бу, аввалambор, оиладаги тарбиянинг носозлиги, бизнинг бепарвам ва лоқайдлигимиз оқибати, қолаверса сиёсий-ижтимоий соҳадаги камчиликларимиз, ёшлар ташкилотлари ва маҳалла кенгашларининг яхши ишламаслиги сабабли ёшлар жиноий гуруҳлар, диний мутаассиблар, ақидапарастлар таъсирига тушиб қолишган.

Яқинда ана шу воқеа сабаб ёшлар тарбияси билан боғлиқ бир йиғинда иштирок этишга тўғри келди. Чамамда, маҳалла оқсоқолининг қуйидаги сўзлари ҳеч кимни лоқайд қолдирмади: – Биз тез-тез йиғилиб, етилган масалалар юзасидан фикр алмашиб туришимиз керак. Кенгашли тўй тарқамас, деб бекорга айтишмаган-да. Бироқ бизга текан бир ёмон иллат бор, қачонки яра газак олиб ёрилгач, кўзимиз мошдек очилади. Бу Президентга, мустақилликка, демакким ҳаммамизга қаратилган суиқасддир. Президент битта одам, у киши ҳар қанча улкан Шахс бўлмасин, бутун мамлакатни бир ўзи қўриқлаб бермайди. Бу бир. Иккинчидан, хонадонингни ўғри босса, ўз болангни ухлатиб қўйиб, қўшнининг боласини ёрдамга чақирмайсан-ку.

Кейинги вақтда маҳаллаларга катта ҳуқуқлар берилди. Агар адашмасам, республикамизда ҳозир ўн мингдан ортиқ маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Шундай катта кучга эга бўлган маҳалла бир ёқадан бош чиқарса, одамлар ҳушёр ва сергак бўлишса, ҳамма бирдек кўз-қулоқ бўлиб, жойларда маҳаллалар осойишта-

лигини ўз қўлларига олишса, бундай нохуш воқеаларга ўрин ҳам қолмасди.

Бу воқеа айнан пойтахтимизда рўй берди. Унинг ижрочилари осмондан тушмаган, ердан бодраб чиқмаган, албатта. Улар у ёки бу маҳаллада, муайян кўча ва хонадонда яшаган. Хўш, нега энди биз ўз бағримизда заҳарли илон ғимирлаганидан бехабар қолишимиз керак?!

Ҳа, очиқ тан олиш керак. Биз ҳуқуқларимиздан ҳамиша ҳам тўғри фойдалана олмаяпмиз, барча куч ва имкониятларимизни ишга сололмаяпмиз. Президент Ислом Каримов сессиядаги нутқида "Мен бу масалада давлат ҳокимияти ва жамоат ташкилотлари барча бўғинлари раҳбарларининг айби борлигини таъкидлашга мажбурман", деб бу қонли фожеа оқибатларига жуда тўғри баҳо бердилар.

Келинглар, биродарлар, Президент фармонига жавобан дабдабали тўй-ҳашамларга барҳам бердик, маъракага маросимларни ихчам ўтказяпмиз, икки ёшли гўдакларга наафақа пули тарқатяпмиз, деб ортиқча кеккайиб юрмасдан, атроф-теваракка кўзни каттароқ очиб қарайлик!

Ҳа, оқсоқол тўғри гапларни айтди, айни одамларнинг тил учида турган муаммоларга ўз маҳалладошларининг диққат-эътиборини қаратди. Мана, мустақиллигимизнинг бошланганига ҳадемай саккиз йил тўлади. Биз иқтисодиётда бир қадар туб ўзгаришларга эришдик. Аммо одамлар маънавиятида ҳали бундай деб бўлмайди. Маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол оилаларни вужудга келтириш давлат ва жамият олдида турган энг жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Маҳаллаларда оилалар, одамлар истиқомат қилишади. Биз аввалambор оилага бош тарбия маскани, барча эзгу қадриятларимизнинг асоси деб қарасаккина кутилган натижаларга эришишимиз мумкин. Фарзандларимиз онгига умуминсоний қадриятларни сингдириш, уларни энг яхши урф-одатларимиз, анъаналаримиз руҳида тарбиялашга, маънавиятимизнинг ажралмас бир бўлагига айланиб қолган динимизнинг туб моҳиятини, Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг маъно-моҳиятини ёшларга етказишда, пировардида, қонунчиликни таъминлаш ва жамиятни ривожлантиришда оиланинг роли ниҳоятда катта.

Келинг, атрофга бир разм солайлик. Йўловчи транспортларда оппоқ сочсоқолли чоллар қаршисида ўриндиқларни бемалол банд қилиб ўтириб кетаётган болакай ва ўсмир йигитчалар, бекатларда бамайлихотир писта чақиб, сақич чайнаб турган қизчалар, савдо расталарида отаси тенги кишиларга димоғдор муносабатда бўлувчи шоввозларнинг хатти-ҳаракатлари қайси қуюшқонга сиғади? Улар қандай оилаларда тарбия кўришяпти, уларнинг раҳнамолари – ота-оналари, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўй ва унинг фаоллари қаёққа қарашяпти ўзи? Наҳотки, биз ота-оналар оилада тарбия жиловини қўлдан чиқариб қўйган бўлсак, наҳотки биз битта болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам онадир, деган гоят эзгу удумимизни унутиб қўйган бўлсак.

Бети қаттиқ, юзга чопар, ўзини ҳам, ўзгани ҳам ёлчитмайдиган, бирор жойда қўним топмайдиган, меҳнатга, жамият фойдасига ишлашга бўйни ёр бермайдиган кимсалар ана шундай кўча хандон-уй зиндон болалардан етишиб чиқади-да. Улар учун кексаларга ҳурмат-иззатда бўлиш, ўзидан кичикларга меҳр-шафқат кўзи билан қараш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш керак деган панд-насиҳатлар бир пул. Чунки бундай болалар яшаётган, лекин тарбияланаётган эмас, шунчаки номига яшаётган оилаларда оила қадриятларига аллақачон дарз кетган, отанинг оталик, онанинг оналик нуфузи издан чиққан.

Яқинда телевизор экранида 16 февраль воқеалари иштирокчилари таъсирига тушиб қолган, юзларини шувит қилган фарзандларининг қилмишларидан ўпкаси тўлиб, йиғлаб тавба-тазарру қилаётган ота-оналар ва уларнинг ношуд болаларини кўрдим. Буни ҳамма афсус билан томоша қилди ва уларга ачинди. Шунда мамлакатимиз раҳбарининг бағри кенглиги, мардлиги ва тантилигига, халқимизнинг эса ғоятда кечиримли ва сабр-бардошига яна бир карра иймон келтирдик.

Илгари ўтган аждодларимиз етти пушт насл-насабларини мукаммал билишган. Оила тарбияси, оила қадриятлари ҳақида гапирар эканмиз, бобокалонларимиз, буюк аждодларимизнинг кимлигини, уларнинг мардлиги ва жасоратларини, неча бор улуғвор ишларни амалга ошириб дунё, жаҳон афкор оммаси назарига тушганликларини фарзандларимиз қулоғига қуйишдан эринмаслигимиз керак. Бироқ Тўмарис ва Широқ ким, Амир Темур, Бобур, Улуғбек Мирзо, Нақшбанд ва Бухорий, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, ат Термизий, ал Фарғоний ва бошқа тарихимиз сулолалари ҳақида ўзимиз енгил-елпи билимларга эга бўлсагу, бу даҳо зотларни эндигина ўсиб-улғайиб келаётган ўғил-қизларимиз онгига қандай етказа оламиз? Оила ўзининг ободлиги, кўркамлиги ва фаровонлиги билан бир қаторда ана шундай улуғ зотлар маънавияти билан ҳам обод ва чароғон бўлиши керак.

Фуқароларни, айниқса, ёшларни оилага нисбатан садоқатли, меҳр-оқибатли қилиб тарбиялаш, фарзандлар онгига умуминсоний фазилатларни сингдириш, самарали меҳнат жамият ва давлат томонидан қадрланишига эришиш жамият ривожида муҳим аҳамият касб этади. Оилага меҳрсизлик, қадриятларимизга нописандлик билан қараш бу охир-оқибатда Ватанга меҳрсизликка олиб келишини унутмайлик. Ёшларда оилага ва Ватанга фарзандлик бурчи қанча эрта шаклланса шунча яхши. Шундагина ҳақиқий оилапарвар, инсонпарвар ва юртпарвар инсонлар кўпроқ ва хўб етишиб чиқади, шундагина жамият тараққиёти ҳам тўла маънода кафолатланади.

Олий Мажлис сессиясида оила, аёл ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини оширишга катта эътибор қаратилди. "Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир, десак муболаға бўлмайди, – деди Президентимиз сессияда. – Шунинг учун ҳам аввало Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган дастур тадбирларини оғишмай, изчил амалга ошириш зарур. Бундан ташқари, аёллар меҳнатини енгиллаштириш, айниқса, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш ва керакли тадбирларни амалга ошириш даркор. Шуни унутмайликки, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди". Бундан келиб чиқадиган хулоса шу: биз оила мавқеини янада оширишимиз, фарзандларимизнинг руҳий, маънавий-ахлоқий дунёси баркамол ва етук, жисмоний соғлом бўлиши учун қайғуришимиз, курашмоғимиз лозим.

Фарида САИФНАЗАРОВА,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент



ҚАДРИЯТ ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА

(Тарихий-фалсафий мушоҳада)

«Маънавият», «қадрият» истилоҳлари тарихан жуда қадимий бўлса-да, бу мўътабар атамалар (улардан англатилган маънолар каби) собиқ тоталитар тузум таназзулини тезлаштирган «қайта қуриш», «ошкоралик» йилларида анча-мунча истеъмол қилиниб (яъни илмий адабиётимиз ва ҳаётимизга кириб келиб), фақат миллий истиқлолиятимиз шароитидагина ўз мавқеини тиклай бошлади. Бугун бу тушунчалар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз ўрнини эгаллаб, жамиятимизни, миллатни, ёш авлодни ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш, ўзлигини англаш воситалари вазифасини бажарувчи муҳим омил бўлиб қолди. Миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида маънавият бош миллий ғоя эканлигини таъкидлаб, Президент И.Каримов «Туркистон» газетаси мухбирига жавобларида шундай деганлар: «...Эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур».

Шубҳа йўқдирки, ҳозирги миллий истиқлолиятимиз шароитида «маънавият», «қадрият» истилоҳлари воқелигимизнинг талаб-эҳтиёжларига ҳамоҳанг янги маъно касб этиб, ижтимоий ва маданий ҳаётимизда ўзининг муносиб ўрнини, мақомини эгаллаб бораяпти. Бу ҳаёт ва давр тақозоси ҳамдир. Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда «тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Ақлий заковот ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир».

Маънавият ва қадрият хусусида кўпгина мақолалар, китоблар чоп этилди, уларда бу атамалар ҳар томонлама шарҳланди. Мазкур мақоламизда битилган илмий ишларни мушоҳада қилиш ва уларга баҳо бериш мақсад қилинмаган. Муаллифнинг ўз олдига қўйган вазифаси бу атамаларнинг фалсафий фикр тарихида ўрни, улардан англашилган маънолар хусусида мулоҳазалар юргизиш ва улар талқинига ўз муносабатини билдириш билан чекланади.

«Маънавият», «қадрият», «руҳ», «эътиқод», «диёнат», «виждон» каби тушунчалар «диний хурофотлар», «диний сарқитлар» маҳсули сифатида қаралиб дарслик китобларда ўрин олмаган ва матбуотда ҳам кўп тилга олиниб тарғиб этилмаган.

Аслида «қадрият», «баҳо» каби сўзлар қадим замонларда пайдо бўлган. Бу тушунчалар барча тилларда мавжуд бўлиб, инсоннинг ўз атрофидаги муҳитга, жамиятга бўлган муносабатининг алоҳида белгиси сифатидаги маъноларни англатган ёки одам ўзига нисбатан қўлланиладиган у ёки бу нарсага берилган баҳо маъносини билдирган. «Қадрият» тушунчасини назарий жиҳатдан англаш бир неча минг йиллик тарихга эга. Қадимги ҳиндларнинг «Артхашастра» номли китобида қадрият тушунчаси шундай шарҳланади: «Бойлик, қадриятлар инсоннинг яшашини таъминлайди. (Биз ҳозир билмоқчи бўлган маънода.) Қадрият одамлар ўзлари яшаб турган Ердан иборатдир. Бундай Ерга (бойликка, қадриятга) эга бўлиш ва уни сақлаб қолиш воситалари хусусидаги ҳақиқий илмни қадриятлар ҳақидаги фан деб атаймиз». Санскрит (қадимий ҳиндларнинг адабий тили)да артха — неъмат, яхшилик, қадриятлар маъносини, артхашастра эса қадриятлар, эзгулик, яхшилик, фойда ҳақидаги фан ҳисобланган. «Артхашастра» асарида қадриятлар ахлоқий, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий-моддий маъноларда талқин этилади. Шу билан биргаликда қадриятга дунёвий ҳаёт учун керакли нозу неъмат сифатида ҳам қаралади.

«Артхашастра» ибораси «Сиёсат ҳақида фан» ёки «Сиёсий раҳбарлик», «Сиёсий бошқарув» маъноларини ифодалайди. Китобнинг сўнгги 15-бобида таъкидланишича, қадриятлар ҳақидаги ушбу фан (артхашастра) давлатни бошқариш, ноибларни танлаш, уларни назорат қилиш, шаҳзода билан подшоҳ ўртасидаги муносабат, уни тарбиялаш хусусида қўлланилиши мумкин бўлган 32 хил услуб ва воситалар асосида ёзилган бўлиб, бу китоб иккала оламда ҳам яхши фазилатларга эришиш, мамлакат фаровонлигини таъминлаш ва сақлаб қолиш учун ёрдам бериши кўзда тутилади. Бу фан мамлакатда қонунларнинг юзага чиқиши учун, жамиятнинг осойишталиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур амалий ҳамда назарий воситалар ҳақида бой маълумотларга эга эканлиги қайд қилинади. Бу фан кишилар орзу-умидларининг рўёбга чиқиши ва қўлга киритилган бойликларни сақлаб қолиш учун лозим бўлган воситалардан ҳам фойдаланишни ўргатади. Шу билан биргаликда «Артхашастра» жамиятда мавжуд ҳар қандай зарарли иллатлар (қонунсизлик, адолатсизлик, ёвузлик...)ни туб илдизидан йўқотиш йўллари ва воситалари хусусида ҳам маслаҳатлар, амалий тавсиялар беради.

Эрамиздан олдинги IV асрда яшаган қадимги юнон файласуфи Арасту «қадрият» сўзини «инсоннинг қадр-қиммати ва неъмати» маъносида қўлланади. «Қадрият» ва «қадриятсизлик» нафақат кишининг бирор нарсага бўлган муносабатининг ифодаси, айни вақтда шу нарсага хос яхши ёки ёмон хусусиятнинг ҳам белгисидир, дейди Арасту. Инсондаги соғлиқ, куч-қувват, шунингдек, гўзаллик ҳам қадриятларга мансуб эканлиги қайд қилинади.

Демак, Арасту қадрият тушунчасининг мазмунини табиат ва жамият ҳодисаларига бўлган муносабатларда нарсаларга бериладиган баҳонинг ифодасидир, деб қарайди. Нарсаларга муносабатдаги баҳо «яхшилик» ва «ёвузлик», шунингдек, «қадрият», «баҳо» тушунчаларида ҳам ифодаланади. Фалсафада «қиммат» (баҳо) тушунчаси ижтимоий аҳамиятга эга бўлган табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг сифат даражасини англатади. Фалсафада бу тушунча меҳнатнинг сифат баҳосини ифодаловчи иқтисодий тушунча «қиммат» истилоҳидан фарқланади.

Шундай қилиб, инсоннинг амалий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, эстетик жиҳатлардан атроф-муҳитга ва жамиятга бўлган муносабатини ифодаловчи тушунчалар «қадрият», «баҳо», «қиммат» каби сўзларда шарҳланиб келди. XIX асрнинг иккинчи ярмида фалсафа илмининг алоҳида тармоғи — қадриятлар фалсафаси вужудга келди. Ҳозирги кунда бу фалсафа «Аксиология» номи билан маълум. Қадрият тушунчасининг

фалсафий таърифи бирор нарсанинг қиммати, аҳамияти маъносида XIX асрнинг 60-йилларида немис файласуфи Г.Лотце томонидан берилган. Г.Лотце яратилмиш дунёни ўрганишнинг учта соҳасини ажратади: биринчидан, бу табиатда ҳукм сурувчи қонунлар бўлиб, улар зарурий аҳамиятли ҳақиқатлар ҳисобланади; иккинчидан, воқеликдаги (ижтимоий ҳаётдаги) фактлар, ҳодисалар ва образлар оламидир; учинчидан, қадриятлар оламига мансуб тушунчалар — Яхшилик, Гўзаллик, Муқаддаслик каби ғоялар олами.

Фалсафа категорияси даражасига кўтарилган «қадрият» тушунчаси бугунги кунга келиб турли фалсафий оқимларда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди: қадриятлар ҳақиқатлар ва воқелик оламларидан ташқари алоҳида ўрганиш объекти (олами) сифатида ажралиб чиқди. Қадриятлар фалсафаси оламни илмий билиш мезони билан эмас, балки оламдаги воқеаларни идрок этиш жараёнида уларга нисбатан инсоннинг муносабатини муайян қадриятлар (ахлоқий, эстетик...) мезонида ифодалашга қаратилган. Унинг яккаю ягона муаммоси – назарий қадриятлар аҳамиятини билиш муаммосидан иборатдир. Қадриятлар шу хил тарзда шарҳланиб, улар воқеликни билишга қаратилган илмларга мукобил қўйилади: атрофдаги ҳодисаларга аксиологик ёндошув (қадриятлар асосида муносабат билдириш) илмий билишдан фарқланади, дейилади. Чунки аксиологияда атрофдаги ҳодисаларга бўлган муносабат кишининг манфаатлари билан ўлчанади. Унда ўрганилаётган ҳодисаларнинг мезони – ҳақиқатни билиш эмас, балки тадқиқот олиб борувчи шахснинг ўз атрофидаги нарсаларга бўлган манфаати билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. Биз ўзимизни қизиқтирган нарсаларни нафақат тасаввур қиламиз, балки уларни маълум даражада ўзимизнинг иродамиз билан боғлаб, ўз баҳоларимизни берамиз, дейди Г.Риккерт. Ҳар қандай индивидуал нарса бирор қадрият нуқтаи назаридангина қаралганда ўзининг моҳиятига, қимматига эга бўла олади.

Шундай қилиб, Г.Риккерт тарихий билишнинг муҳим объектлари сифатида бетакрор индивидуал ҳодисалар эканлигини кўрсатиб, буларни ўрганиш объективлик мезони билан эмас, тарихий манфаатлар билан ўлчанишини қайд қилади. Тарихда бирор нарсанинг муҳимлиги, моҳияти объектив характерга эга эмас, балки уларга нисбатан билдирилган муносабатимиз билан белгиланади. Нарсаларга бўлган муносабатимизнинг мезони қадриятлардир. Тарихда қадриятлар абадий, умуминсоний, умуммаданий, ижтимоий аҳамиятли ҳодисаларнинг ифодаси сифатида юзага чиқади, дейди Риккерт. Унинг фикрича, жамиятда кишиларнинг маънавий ёки ижтимоий қизиқишларига, манфаатларига нисбатан аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар тарихий муҳим нарсалар ҳисобланади. Шунинг учун кишиларнинг жамият ҳаёти билан алоқадорлигини ўрганишда бош объект сифатида мавхум одам эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатидаги инсон бўлиши керак. Чунки инсон тарихий ҳодисаларнинг ҳам яратувчиси, ҳам уларда фаол иштирок этувчи ижтимоий субъектдир. Ижтимоий қадриятларни яратувчи, уларни истеъмол қилувчи ҳам инсондир.

Демак, қадриятлар кишининг атроф-муҳитга, ундаги тарихий ҳодисаларга бўлган муносабатини белгиловчи бош йўналишлардан бири сифатида қаралиб, тарих илмида субъективлик принципига йўл қўйилади. Фалсафий ва социологик тушунча сифатида "қадрият", биринчидан, бирор нарсанинг ижобий ёки салбий хусусиятларининг ифодасидир, лекин нарсанинг экзистенциал (яшаш усули) ва сифатий характеристикалари (белгилари, таърифлари) бундан истиснодир; иккинчидан, қадрият тушунчаси ижтимоий онг ҳодисаларининг норматив (баҳолаш) нуқтаи назардан талқин этилишининг ифодасидир. Шунга кўра, субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари деб аҳралади.

Ҳодисаларга хос табиий яхшилик ва ёмонлик, табиий бойликлар ва табиий офатларга хос яхшилик ва ёвузлик; меҳнат маҳсулининг истеъмол қиммати (нарсанинг умуман фойдали томони); ижтимоий неъматлар ва ижтимоий қашшоқлик; бугунги авлодлар учун маънавий бойлик тимсоли бўлмиш яхшилик ва ёвузлик ҳақидаги билимлар; табиий ва маданий (инсон томонидан ўзгартирилган) буюмларнинг эстетик характеристикалари – буларнинг ҳаммаси нарсалар қадриятлари соҳасига мансубдир.

Ижтимоий қоидалар (кўрсатмалар) ва баҳолар, норматив қонунлар ва мантэтилган нарсалар, ахлоқий фазилатлар (категориялар) ва принциплар (яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, гўзаллик ва нуқсон, тарихнинг мақсади ва инсоннинг бу оламга келишидан мақсади, кишиларни ҳаракатга келтирувчи ички сабабий куч бўлмиш идеаллар, шиорлар ва турли даъватлар) хусусида кишилар онгидаги тасаввурлар онг қадриятлари соҳасига киради.

Демак, нарсалар ва субъектив (онг) қадриятлари инсоннинг атроф-муҳитга бўлган муносабатининг икки қарамақарши томонидан иборатдир: биринчи соҳага мос қадриятлар объектив характерга эга бўлиб, кишилар муносабатининг объективлари сифатида (истеъмол ва манфаат предметларида) намоён бўлади; иккинчи туркумдаги онг қадриятлари эса инсон ўз атрофидаги ҳодисаларга бўлган муносабатининг тафаккурдаги идеал шаклдаги ифодасидир. Шунинг учун нарсалар қадриятлари баҳолаш ва норматив қоидалар объектлари ҳисобланади, субъектив (онг) қадриятлари – нарсаларга бўлган муносабатимизни белгиловчи баҳо ва қоидаларнинг ифодаланиш услуби ҳамда мезони ҳисобланади.

Жамият ҳаётидаги кишиларнинг маънавий маслаклари, идеаллари, турмуш принциплари, ахлоқий қоидалари, эзгу ниятлари онг қадриятлари соҳасига тааллуқлидир. Кишилик фаолиятининг ички сабаблари ва уни ҳаракатга келтирувчи манбалар онг қадриятларида ифодаланади ва ривож топади. Бу борада кишиларнинг маънавий ва моддий эҳтиёжлари, интилишлари уларнинг манфаатлари билан белгиланади, манфаатлар эса муайян қадриятлар сифатида намоён бўлади.



Қадриятларнинг мазмуни жамият ҳаётида моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнидаги ютуқлари билан боғлиқ. Қадриятлар дунёси кенг маънода маданият дунёсидир, бу инсон маънавий ҳаётининг ва фаолиятининг қимматини (қадр-қимматини) белгиловчи баҳодир. Қадриятлар инсон ахлоқий онги, ахлоқий интилишлари соҳасига мансуб бўлиб, шахс маънавий бойлигининг мезони сифатида ифодаланади.

Малик ОРИПОВ,
фалсафа фанлари доктори,
Тошкент молия институти профессори

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
санъатшунослик фанлари номзоди

ФЕСТИВАЛДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси "Артмадад" махсус жамғармаси ташаббуси билан уюштирилган "Наврўз-99" анъанавий республика театр фестивали ўтганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Фестиваллар санъатнинг маълум бир тури доирасидаги эришилган муваффақиятлар ва йўл қўйилаётган камчиликларни ўзида ёркин инъикос эттирувчи кўзгу эканлигини эътироф этадиган бўлсак, бугун орадан маълум вақт ўтиб, турли шов-шувлар, эҳтиросларбироз пасайгач, уларни тийрак нигоҳдан ўтказиш эҳтиёжи туғилади. Пойтахт томошабинлари ва меҳмонлари эътиборига ҳавола этилган жами 16 спектаклнинг жанри, мавзуи, услубий изланишлари ранг-баранг бўлиб, айни кунлардаги театр жамоаларида кечаётган ижодий йўналишларни ойдинлаштиради. Фестиваль бугунги кунда баъзи театрлар анъанавий услублар доирасида фаолият олиб бораётган бўлсалар, айримлари бугунги кун жаҳон театрларида содир бўлаётган янги изланишлардан илҳомланиб, улардан ортда қолмасликка интилаётганликларини кўрсатди. Фестивалнинг очилиш куни намойиш этилган Республика ёшлар театрининг "Лисон-ут тайр" спектакли фикримизнинг ёркин далилидир. Алишер Навоий "Лисон-ут тайр" достонининг Шайх Санъон ҳикояти асосида тайёрланган пластик спектакль аввало саҳнада кўрсатилаётган воқеанинг, турли эпизодларнинг моҳиятини ифодалашга имкон яратувчи саҳна воситаларига бойлиги билан ўзига тортади. Воқеалар занжиридаги боғлиқлик, актёрлар ҳаракатидаги уйғунлик, мусиқанинг саҳна воқеалари ва актёрлар ижросига ҳамоҳанглиги спектакль режиссёри Н.Абдураҳмоновнинг узоқ изланганидан дарак беради. Зеро, спектакль намойиш этилган саҳна сатҳининг катталиги (спектакль ёшлар театрига кираверишдаги майдонда намойиш этилди), саҳнада ҳаракат қилаётган актёрларнинг сон жиҳатдан кўплиги ва ёш жиҳатдан чегараланганлиги ушбу томошани юзага чиқариш йўлида чекилган изланишлар ва машаққатларни тасаввур қилиш имкониятини беради. Спектаклда ранг, нур, турли-туман либосларнинг ўзаро уйғунлигидан декорация яратилган. Режиссёрнинг турли мизон саҳналари композитор Д.Янов-Яновскийнинг мусиқаси ва актёрларнинг ифодали хатти-ҳаракатларидан ҳосил бўлади. Спектакддаги воқелар анча мураккаб бўлсада, улар оний бир тезликда, узилишларсиз намоён бўлади. Бу спектаклнинг шиддат билан ривожланувчи драматик ҳаракатга асосланганлиги ва бадиий яхлитлигидан далолат беради.

А.Ҳидоятов номидаги театр жамоаси намойиш қилган С.Айнийнинг "Судхўрнинг ўлими" асари (Н.Кари-



мов сценарийси) асосида тайёрланган "Судхўр" спектакли ҳам ўзига хос услубда саҳналаштирилгани билан эътиборли. Спектаклда Бухородаги аср бошидаги ҳаёт Қори Ишкамба саргузаштлари орқали кўрсатилади. Режиссёр Б.Йўлдошев қаҳрамонлар ва даврни очиш учун ўзига хос ечимлар таклиф этади. У турли хил ижтимоий табақа ва гуруҳлар табиати, улар ўртасидаги тафовутларни кўрсатиш учун уларни анъанавий услубда тўқнаштирмайди. Уларнинг муносабатларини очиш учун фольклор театри воситаларига мурожаат қилади. Қадимий халқ ўйинлари, рақслар ва қўшиқлари орқали бухороликларнинг феъл-атвори, яшаш тарзи ойдинлашади. Актёр Элёр Носиров Қори Ишкамбани ўзига хос талқин қилган. Актёр қаҳрамонга бугунги кун нуқтаи назари билан ёндошиб томошабинни ўзига жалб эта олган. Қарши шаҳар "Эски мачит" театр студияси намойиш этган Чингиз Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" романидаги Найман она ва унинг манқурт ўғли Жўламон ҳақидаги афсона асосида тайёрланган "Найман она нидоси" спектакли республикамизда етакчи профессионал жамоалардан ҳам қолишмайдиган студиялар фаолият олиб боравётганидан дарак беради. Спектаклда сўз жуда кам. Воқеалар асосан ҳаракат, манқуртнинг жазавалари, онанинг қалб изтиробларини ифодаловчи ноолалар орқали ойдинлашади. Театр жамоаси ўзи танлаган кичик бир воқеа орқали катта мавзуни кўтаришга интилиб, ўз ўтмиши ва миллий анъаналарини унутган халқнинг манқуртлардан фарқи қолмаслигини маҳорат ва эҳтирос билан тасвирлайди.

О.Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг "Тентак фаришталар" ва А.Навоий номидаги Наманган вилоят театрининг "Усмон Носир қаерда?.." спектакллари яқин ўтмишимиз ҳақида бўлиб, уларни умумлаштирувчи жиҳати ҳам бор. У ҳам бўлса яқин ўтмишдаги мафкура ва унинг тарафкашлари томонидан оёқости қилинган виждонли, ор-номусли инсонларнинг қисматини кўрсатиш орқали давр башоратини очиб бериш. "Тентак фаришталар" спектаклида режиссёр Валижон Умаров ҳар бир образда инсон қисматини очишга интилиб, актёрларни ҳам шу ғояни очишга йўналтира олган. Натижада бадиий яхлит асар яратишга эришган.

Оила, фарзанд тарбияси, меҳр-оқибат, садоқат, инсон тақдири театрларимиз саҳналаштираётган замонавий мавзудаги асарларда етакчилик қилмоқда. Муқимий номли мусиқий театрда саҳналаштирилган "Тақдир" спектаклида муҳаббат, вафо ва садоқат турли кишилар онгидаги эскилик сарқитларига қарамақарши қўйилиб, бир оила фожиаси орқали очилса, Бердақ номидаги қорақалпоқ театрининг "Бәддуа" (яъни "Дуоибад"), Й.Охунбобоев номли Андижон вилоят театрининг "Охирги сўз" спектакларида ички киликбозлик, хотинбозлик каби иллатлар фош қилинади. Агар "Тақдир" спектакли этнографик материалларга бойлиги, воқеаларнинг изчил ривожи, конфликтнинг кескинлиги билан ўзига тортса, "Дуоибад" ва "Охирги сўз" спектакллари хусусида бу фикрларни айтиш мушкул. Актёрлар нечоғли саҳнада куйиб-пишмасин, йўлидан адашган Нурлан ("Дуоибад") ва Кўчқор ("Охирги сўз") билан боғлиқ воқеалар пухта ишланган сюжет, драматик хатти-ҳаракатлар, тўқнашувлар билан асосланмагани боис улар ҳаётий чиқмаган.



Ҳамза номидаги Академик драма театрининг "Етти фарёд" спектакли ушбу театр анъаналарини садоқат билан давом эттирилаётганидан далолат беради. Режиссёр Турғун Азизов спектаклда ахлоқий муаммолар, инсоний муносабатлар, меҳр-муҳаббат, садоқат ва хиёнат, уруш ва тинчлик каби умумбашарий муаммоларни кўрсатишга интилади. Спектаклда бирор ортиқча деталь, ҳаракат, безак сезилмайди. Воқеалар яхлит, актёрлар бехато танланган. Айниқса С.Юнусова ижро этган Нине образи аёл қалби, истироблари, муҳаббати, хийла ва макрларнинг жонли ифодаси сифатида эсда қолади.

Фестивалда намойиш этилган спектакллар орасида тарихий мавзу етакчилик қилди. Бу мавзудаги спектакларнинг асосий қисми маълум бир тарихий шахсларга бағишланган бўлиб, улар асосан ҳукумат қарорлари ва юбилейлар муносабати билан яратилган. Жумладан, фестивалда Амир Темурга бағишланган "Самарқанднома" ҳамда ал-Фарғонийга бағишланган бир йўла тўртта спектакль намойиш этилди.

Ҳ.Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрининг "Самарқанднома" спектаклида Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ катта давр қамраб олинган. Спектакль аввало актёрлар ижроси билан ўзига тортади. Бош қаҳрамон образи ижрочиси Баҳром Раҳимовнинг қадди-басти, виқорла ўзини тутиши, салобат билан қадам ташлаб, фикрини лўнда ва чиройли талаффуз ила етказа олиши билан тарихий прототипига муносиб. Туркон хотуннинг ақл-фаросати, жасорати ва гўзаллиги актриса Раъно Жўраеванинг ижросида мужассам. Бироқ актёрлар қанчалик ҳаракат қилмасинлар, драматургик материалнинг бўшлиги, воқеаларнинг маълум бир ўқ атрофида айланмаслиги боис тарқоқлиги сезилади. Танланган воқеалар бош қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ бўлса-да, уларнинг воқеий ёки хаёлий кечаётганлигини ажратиш оддий томошабин учун мушкул.

Ю.Шакаржонов номли Фарғона вилоят ўзбек мусиқали драма театри Й.Сулаймон асари асосида "Осмонга сиғмаган муҳаббат" спектаклини намойиш этди. Ижодкорлар қаҳрамонининг илм-фан, инсоний ишқ йўлидаги ҳаракати ва ҳис-туйғуларини кўрсатишда кўпроқ фантазияга суянадилар.

Ҳамза номидаги Қўқон театрида саҳналаштирилган Нуриллахон ҳожи Абдуллаевнинг "Башар алломаси" спектаклида ал-Фарғоний ҳаётининг деярли барча даврларини қамраб олишга ҳаракат қилинган. Бу эса воқеаларнинг тарқоқлиги, ўзаро боғланмаслигига сабаб бўлган. Спектаклда шиддат билан кечувчи ситуация топилмаган, баёнчилик кўп. Ал Фарғонийга бағишланган асарлар орасида Ҳамза театри саҳналаштирган Х.Расулнинг "Пири Коинот" драмаси аҳамиятли туради. Спектаклда бутун эътибор алломанинг олимлик сифатларини очишга қаратилган. Драмадаги барча йўналишлар ана шу бош мақсадга бўйсундирилгани боис ал Фарғоний буюк мутафаккир олим, олижаноб қалб эгаси, ҳар бир сўз ва ҳаракатида ақл ва тафаккур уфуриб турган сиймо сифатида гавдаланган.

Фестивалда намойиш этилган спектакллар республикада фаолият кўрсатаётган қатор театрларда жиддий изланишлар содир бўлаётган ҳолда муаммолар ҳам ўз ечимини кутаётганини кўрсатди. Бу, аввало, драматургиянинг давр талабларидан ортда қолаётганида намоён бўлмоқда. Тарихий асарларни саҳнага олиб чиқишда тарихийлик мезонларининг бузилаётганлиги, яқин ўтган кунлар ҳақидаги асарларда даврнинг ҳақиқий манзарасини очишда шошмашошарлик билан бир ёқлама хулосалар чиқарилаётганлиги сезилади.

Замонавий мавзу ҳаётдан ортда қолаётгани, маиший муҳитдан нари ўтолмаётгани давр талабларига ўз вақтида жавоб бера олмаётгани кўзга ташланмоқда. Зеро, театр санъати ҳам бошқа санъат турлари каби воқеаларнинг тадрижий ривожини олдиндан сезмоғи, янгиликларни тезда англаб, уларни томошабинлар онгига етказмоғи, замонамизга мос янгича дунёқараш ва одоб-ахлоқни шакллантиришда жамиятга ёрдам бермоғи лозим.

Иззат СУЛТОН —
Нўъмон РАҲИМЖОНОВ
суҳбати

ЎЗГАРИШ — ЭЗГУЛИК ЭМАС

Н.РАҲИМЖОНОВ: – Мураккаб бир ўтиш даврида яшаяпмиз. Бу нарса адабиётнинг тақдирида ҳам кўринмоқда. Бир мафкурадан иккинчи мафкурага кўчаяпмиз. Шу шароитда адабиётнинг янги хусусиятлари майдонга келмоқда. Бу – қандай аломатлар, деб ҳисоблайсиз? Адабий жараёнда қандай ижобий хусусиятлару қандай негатив аломатлар намоён бўлмоқда?

И.СУЛТОН: – Бир қараганда адабиётимизда турғунлик пайдо бўлгандек кўринади. Чунки, кўзга кўринган, йирик, одамларнинг диққат-эътиборини жалб этган асарлар пайдо бўлгани йўқ, ҳали. Ҳамманинг эътиборини тортаётган замонамиз масалаларига жавоб тариқасида ёзилган асарлар юзага келганича йўқ. Масалан, нимадан кечдик ва қаёққа кетаяпмиз? Танлаган йўлимиз тўғрими ёки нотўғрими? Яъни, биз бозор иқтисодига кўчаяпмиз. Ҳуқуққа асосланган фуқаролик жамияти қураяпмиз. Лекин бу жамият қанақа бўлади? Ҳозирги баъзи аломатлари бизни анча чўчитади. Бозор ва инфляция... Бозор ва маънавият масалалари кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Ахлоқий, фалсафий ва ижтимоий муаммоларга бағишланган фильмлар йўқ. Одамлар енгил адабиётни ўқиш билан овора. Шу вақтгача ман этилган ахлоқсиз чет эл адабиётига одамлар ўзини урди. Ҳатто ўзимизда ҳам чет эл адабиётига тақлидан асарлар пайдо бўлаяпти. Бу, даврга зидгина эмас, маънавиятимизга ҳам зиддек кўринаяпти.

Н.Р: – Аммо адабиётимиз ҳувиллаб қолгани йўқ. Сиртдан шундай туюлиши мумкин. Аслида, мустақиллик шарофати билан насрда ҳам, назмда ҳам назарга тушган асарлар юзага келди. Одил Ёқубовнинг "Адолат манзили", Ўлмас Умарбековнинг "Фотима ва Зуҳра", Ўткир Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар", Шукур Холмирзаевнинг "Динозавр", "Олабўжи", Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор", Эркин Самандарнинг "Тангри қудуғи", Омон Мухторнинг "Минг бир қиёфа", "Кўзгу олдидаги одам", Муроджон Мансурнинг "Жудолик диёри", Тоҳир Маликнинг "Шайтанат", Ҳожиакбар Ислом Шайхнинг "Туташ оламлар", Тоғай Мурод нинг "Отамдан қолган далалар", Асад Дилмурод нинг "Маҳмуд Торобий" ва ҳоказо яна кўп адибларимизнинг эпик жанрдаги изланишларини алоҳида таъкидлагим келади. Мустақиллик даври романчилиги ҳали ўз тадқиқотчисини топгани йўқ. Улар, аввало, Оламни, Одамни, руҳият иқлимларини янгича идрок ва ифода этишга қаратилган. Уларнинг шаклий тузилиши, тил хусусиятлари, рационал ҳамда тафаккур тарзининг янгича эпкинлари жаҳон романчилигининг анъанавий андозаларидан йироқлаша олганми, миллий романчилигимизни қандай янги аломатлар ҳисобига бойитаяпти, бадиий тафаккур эволюциясидаги асосий белгилар нималарда зоҳир бўлаётир?

Шу сингари кўп саволларга жавоб бериш, адибларимиз изланишларини атрофлича ўрганиш асосида чуқур илмий-назарий умумлашма хулосалар чиқаришга кейинги йиллар романчилигимиз маҳтал.

Ёки қиссачилигимизни олайлик. Зоҳир Аъламнинг "Жомбой ҳангомалари" бадеаси, Ш.Ҳамроевнинг "Қора кун", Н.Жалолиддиннинг "Ўлимнинг ранги", Н.Боқийнинг "Қатлнома", С.Барноевнинг "Кичкина хўжа Насриддин" асарлари қиссачилигимизда ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан жиддий изланишлар кечаётганидан далолат беради.

Шеърий тафаккурда ҳам ўзбекнинг номини дунёга олиб чиқадиган, ҳавас қилгудек бадиий баркамол асарлар кўз очиб, оламни танимоқда. Рауф Парфининг "Тавба", "Минг йил сизни изладимми мен" туркумлари, Ҳалима Худойбердиеванинг "Сўзлар ердан чиқиб келгай тўсин тоғ бўлиб" туркуми, Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон", Маъруф Жалилнинг "Соҳибқирон қиссаси", Эркин Самандарнинг "Аждодлар қиличи" асарлари, Чўлпон Эргашнинг "Раҳмон вос-вос", "Раҳмоннинг қайтиши", "Ўлим сўроқ қилади", "Ажиналар ўйини", "Искабтопар чивинлар" туркум достонлари, Икром Отамуроднинг "Сен", "Истарим" поэмалари эътиборга молик. Яна Ойдин Ҳожиева, Гулчеҳра Нуруллаева, М.Али, Абдулла Шер, Тоҳир Қаҳҳор, Матназар Абдуҳаким, Усмон Қўчқор ва ўнлаб шоирларимизнинг халқимиз севиб ўқиётган мажмуалари, туркумлари эълон қилинди. Улар шеъриятимизда ижтимоий-психологик таҳлил маданияти тобора такомиллашиб, чуқурлашиб бораётганидан, фалсафий мушоҳадакорлик ҳам ушбу ўзанда кўламли ва теран оқимга айланганидан бир нишона.

И.С.: – Сиз қайд этаётган ютуқларга яна адибларимизнинг театр, кино, телевидение, радио ва эстрада учун ёзган кўплигина асарларини ҳам қўшиш керак.

Н.Р.: – Истеъдодлар мудрагани, пинакка кетгани йўқ. Лекин шу билан бирга адабиётимиздаги бир тенденцияга эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Бу – ҳали-ҳануз санокда бору, сонда йўқ асарларнинг болалаб кетаётганлиги. Мустақилликнинг умумбашарий моҳияти ҳақида кўпроқ ўйлаш керак чамаси.

Узум шарбатининг мусаллаға айланиши учун маълум муддат офтобда қайнаши керак бўлганидек, чинакам санъат асарларининг туғилиши учун ҳам муайян муҳлат тақозо этилади, шекилли.

И.С.: – Бунинг учун одам табиатидаги синдирилган одамийликни юзага чиқариш, жамиятни соғломлаштириш, шахслар руҳиятида бўғилган хусусиятларни тарбиялаб камол топтириш керак бўлади.

Биз кўраяпмизку, одамлар сал нарсага бой бўлиб кетаяпти. Порахўрлик

болаламокда, Президентимиз, давлатимиз шуни йўқ қилиш, ҳаётимизни изга солиш ҳаракатини қилаяпти.

Халқ аста-секинлик билан ўз аҳволини яхшилаяпти. Биз ўйлаган савияга етишимиз ҳали қийин. Мана шундай бир шароитда маънавиятни гап билан, шиор билан эмас, амалда тараққий эттириш вазифаси долзарб муаммо сифатида турипти.

Биринчи маънавий суянчиғимиз сифатида мерос ҳозирги замон ҳаётимизда маҳкам ўрин тутмоқда. Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Аҳмад ал Фарғоний юбилейлари – ҳаммаси қадимий меросимизга асосланиш натижаси бўлаяпти. Шунинг учун объектив йўналиш тўғри. Лекин унинг конкрет ютуқлари оз ҳали.

Н.Р.: – Ўтиш даври учун хос хусусият бўлса керак-да: маданий ҳаётимизда бир-бирини кўрса нафаси қайтадиган ҳодисалар ёнма-ён яшаяпти. Хусусан, диний мерос – Имом Бухорий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Аҳмад Яссавий мероси, тасаввуфий қадриятларнинг тикланиши, бир неча минг йиллик тарихий ҳамда маданий мероснинг юзага чиқиши – бир томонда. Энди, "замон зўравонники" сингари ғояларни тарғиб этувчи босқинчилик, қотиллик, ришват-порнография адабиёти – иккинчи томонда. Видеофильмларнинг тўқсон фоиздан кўпроғини отган-ўлдирган, қочган-қувган, олди-қочди асарлар эгаллади. Бир неча юз минглаб чоп этилган кўнгилочар китоблар расталарда саржин-саржин.

Нималарнидир ўқишни тайинлаб қўйиш ва нималарнидир таъқиқлаш мунаққиднинг ҳам, адибнинг ҳам вазифасига кирмайди. Аммо санъаткор ҳам, мунаққид ҳам миллат диди, давр диди, савияси учун ҳамиша масъул.

Биз жаҳон халқлари маданияти тарихининг нодир намуналари фазилатларини, кўнгилочар енгил адабиётнинг башарий қадриятлардан, бадиийдан йироқлигини таҳлил этиш ва исботлаш асосида ўқувчилар дидини тарбиялашимиз керак.

И.С.: – Жамият тараққиёти тарихида одатда бир босқичдан иккинчисига ўтаётган пайтда салбий аломатлар кўзга қадоқ бўлиб кўринади. Улар устунлик қилади. Токи, ижобий нарсалар ғалаба қозонгунча янги ғоялар яккаланиб, етим бўлиб қолади. Бизда ҳозир шундай ҳолат бор. Лекин, олға қараб силжиш ҳам кўзга ташланаётир.

Энди адабиётдаги аҳволга келсак, адабиёт ҳаётдаги янгиликлар устида бош қотириши керак. Ёзувчи янгиликни, янги воқеликни ўзлаштириши учун ўз ички дунёсини янгилаши керак. Бусиз мумкин эмас. Мана, менинг ўзимни олсак. Мен капитализмни кўрдим. 1910 йилда туғилганман. Октябрь революцияси юз берганда етти яшар эдим. Октябрь тўнтаришидан кейин то НЭПгача капитализмга қарши кураш даври бўлди. НЭП – капитализм билан маълум даража муросага келиш босқичи. Тахминан, беш йилликлар учун кураш бошланғунча мен капитализмни кўрдим. Қулоқни биламан. Катта бойни биламан. Фабрикантни кўрганман, гаплашганман. Батракни кўрганман. Хуллас, иккала дунёни кўрганман.

Шу билан баробар, 30-йиллар бошидан социализм учун кураш бошланди. Тахминан 70 йил. Буни ҳам кўрдим. Социализм барбод бўлганини ҳам кўряпман. Бу оламшумул воқеаларнинг ҳаммасини ҳазм қилиш керак.

Менимча, адабиётимиз олдида ҳозир бир-бири билан боғланган икки вазифа турибди. Буларнинг бири (биринчиси эмас!) яқин ўтмишимиз, совет даври ҳодисаларига холис ва чуқур баҳо беришдир. Бу вазифаларнинг яна бири (иккинчиси эмас!) мустақиллик даври ҳодисаларини бутун тарихий аҳамияти билан чуқур тушуниш ва бугунги ҳаётий жараёнга ҳамоҳанг, мададкор бўла оладиган асарлар яратишдир. Бу икки вазифани адо этиш жараёнида, адабиётимизда ва, демакки, ўқувчилар оммаси онгида бир муҳим фикр маҳкам ўрини олиши керак: мустақиллик даврида ҳаётимиз азалий ва абадий изларга қайтди. Инсоният минг йиллар мобайнида ривожланиб келган қонунлар асосида янги тараққиёт ўзанига тушди.



Н.Р.: – Табиат ва жамият ҳаётининг ривожланиш қонуниятлари ҳам эврилишлар асосида майдонга келар экан-да. Шу ўринда нозик бир ҳолат борки, шу нарсага диққатингизни жалб қилмоқчи эдим. Инсон қандай ижтимоий тузумлар чигирғири остида яшамасин, тегирмон тошидек айланиб турган мафкуралар исканжасида ҳамиша бир нарса уни ёруғликка олиб чиқаверар экан. Бу – Имон, Эътиқод Нури; маърифатга етакловчи, маънавиятни бойитиб, такомиллаштириб борувчи илоҳий Нур. Демак, инсон қояларга оёқлар остидаги тупроққа занжирбанд этилган эмас. Доимо ўз-ўзини маънан ва фикран камол топдиришга қобил. Бу, назаркарда одамлар кўнглига жойланган илоҳий Нур шарофатидан.

И.С.: – Биласизми, бу ерда бир масала бор: ҳаёт кўрсатдики, тараққиётнинг тадрижий йўли революция эмас, эволюция. Биз революцияни ҳам, оқибатларини ҳам кўрдик. Революция амалга ошмайдиган идеални байроқ қилиб туриб, шу вақтгача ҳеч кўрилмаган зулмни амалга оширди. Шуни кўрдик-да. Ҳеч қачон инсоният социализм даврида бўлган маънавий ҳамда жисмоний террорни кўрган эмас.

Адолатнинг топталиши ва инсоннинг қадрсизланиши – социализм даврининг асосий аломати эди. Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Аммо баъзи деталларни эслаш билан чекланаман. Адолатсизликни қаранг, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат суди ва ўлимининг протоколлари бор. Абдулла Қодирий устидан суд ўн бир минут давом этган. Бир Шахснинг, буюк бир ёзувчининг тақдири ўн бир минутда ҳал бўлган. Аввал ҳамма нарса ҳал қилинган-у, кейин у эълон қилинган, холос.

Бу одамнинг буюклигини қаранг-ки, чиройли насталиқ хат билан протоколнинг бир чеккасига Абдулла Қодирий ёзиб қўйибди: "Айбномани ўқидим, ўзимни гуноҳкор ҳисобламайман." Бу хатига қараганда у ҳеч ўладиган одамга ўхшамайди. Кўряпсизми, қандай ирода бўлган бу одамларда. Чунки, адолат учун ўлишаётганини сезишган бўлса керак-да. Социализмнинг мана шунақа даҳшатларини инсоният унутмаслиги керак. Шунинг учун ҳам унутмаслик керакки, социалистик ғоя истиқболсиз буюк жозиба эди. Бизнинг авлодимиз шу жозибанинг қурбони бўлди. Бир вақтлар биз шунақа фожеаларни кўриб туриб, барибир социализмга умид боғлаганмиз. Ишонганмиз.

Н.Р.: – Ҳар қандай цивилизация юзага келтирган адабиёт ўша жамиятнинг тимсоли ва кўзгуси бўлиб қоларкан. Етмиш йиллик шўро жамиятининг идеали ҳам, адабиётининг идеали ҳам "Ҳақиқатлар замони ўчди, энди идеаллар даври бошланди" деган ҳикматни тасдиқлашга қаратилгандек туюлади. Улар халқ ҳаётининг тараққиёт қонуниятларига асосланмаганлиги, одамлар тақдиридан йироқ, ҳавойи ва тумтароқ бўлгани учун ҳам тузум билан бирга ёлғончи ғоялари ҳам барҳам топди, қолдуз кўрмай ўчди-кетди. Ўша, 30-йиллардаги коллективлаштириш, электрлаштириш ғояларини оламизми ёки аср адоғидаги қайта қуриш ғояларига мурожаат этамизми, ҳаммаси халқ оммасининг, миллатларнинг ирода кучларини, ҳаётларини ёруғликка олиб чиқишга эмас, аксинча, ўйлаб топилган, ҳаводан олинган ғоялар эди.

Аслида, ҳамма халқлар ва ҳамма замонлар учун бирдек тааллуқли "коммунизм қурувчисининг кодекси"га ўхшаш, идеаллар кодекси – ягона идеалнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир давр, ҳар бир авлод, ҳар бир санъаткор идеали халқ ҳаёти ҳақиқатларини, ўтмиш ва бугунги кун ҳақиқатларини идрок этиш ҳамда эртанги кунга назар ташлаш асосида юзага келар экан-да. Яъни, у хоҳ авлодларнинг бўлсин, хоҳ якка шахсларнинг бўлсин, маънавий изланишлари асосида бунёд бўларкан. Шу маънода, инсон ҳамиша орзу билан

тирик. Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай ижтимоий муҳитда ҳам ёруғ умидлар билан ҳаётини безаб келган. Орзуга айб йўқ, дейишганида одамларнинг буюклигию, ожизлиги мужассамлашган.

И.С.: – Шуни айтаман-да. Биз энди азалий ва абадий тараққиёт изларига қайтганимизнинг қадрига етишимиз зарур. Инсониятнинг камолот йўли табиатда ҳам, жамиятда ҳам битта экан. Бу – эволюция йўли. Ницшенинг шу хусусда яхши бир гапи бор: "Революция – бу сиёсий каллакесарлар ўз гуноҳларини ювадиган қонли ҳавза". Бунда жиндай муболаға бўлиши ҳам мумкин. Ҳақиқатан революция шунақа. Бахтимиз шундаки, биз эволюция – тараққиётнинг асосий қонуни эканини тушундик.

Менинг учун умримдан, мураккаб замонда яшаганимдан чиқарган биринчи хулосам шу.

Бундай хулосаларимдан иккинчиси шуки, қаердаки инсон хор бўлган бўлса, ўша жойда тараққиёт сўнади. Ёки орқага кетади. Бош мезон – бу инсон. Ҳозир озод юртимизда инсон мавқеи баланд кўтариляпти. Ҳозирча биз инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятини тўла-тўкис амалга ошира олганимиз йўқ. Аммо инсоннинг салоҳияти учун зарур бўлган яна икки шарт бизда мавжуд: имон азизлиги ва мулк азизлиги.

Революциялар ҳамиша нима атрофида кечган? Мулк атрофида. Шу ерда машҳур "Танҳоликнинг юз йили" романи эсимга тушади. Роман муаллифи Габриэл Маркеснинг бу асарда ифода этилган оддий фикри шундан иборат: "Революциялар бўлаверади, революциялар – моддий бойликларни қайтадан тақсим қилиш жараёни. Ҳар бир тақсимлашда халқ чеккада қолаверади".

Ҳақиқатан ҳам, революция ҳар гал халқ номи билан, "халқ манфаатлари" учун қилинади, лекин ҳар гал ундан фақат бир гуруҳ куч фойдаланиб қолади. Халқ эса яна бир четга чиқариб қўйилади. Революциялар фақат "баланд" учун фойдали. Халқ учун эмас. Революция халқнинг қўли билан, қони билан, жони билан амалга оширилади. Бироқ охироқибат халқ четда қолаверади. Мана, ҳозирги жамиятимиз тараққиётида Инсон, Имон, Мулк муқаддас бўлди, деган нарсага биз ҳали кўникканимизча йўқ. Чунки, социалистик даврда мулкка, мулкдорга нафрат руҳида тарбияландик. Бундан ташқари мулкдорликнинг, хусусий мулкчиликнинг салбий томонлари ҳам бор-да. Шунинг учун ўз вақтида хусусий мулкчилик олимлар томонидан ҳам ёмон нарса, деб эълон қилинган, қораланган. Ва маълум бўлдики, инсон хусусий мулксиз яшай олмайди. Демак, уч нарса: Инсон, Имон, Мулк муқаддас. Биз асрлар мобайнида кишилик жамиятини тебратиб келган шу тушунчаларга, тарихнинг қадимий ўзанларига қайтдик.

Шунинг учун ўйлайманки, ҳозирги йўлимиз истиқболли. Бу йўл адабиётимизда тасвир этилишга лойиқ мўл масалалар беради, унинг сермазмун, ҳақконий ва таъсирчан бўлишига асос туғдиради.

Бизда мустақиллик даври ҳақида йирик асарлар пайдо бўлиши учун ҳам маълум муддат, "масофа" керак. Бу муддатнинг тамом бўлаётганини кўрсатувчи аломат бор. Масалан, ҳикоячиликда диққатга сазовор асарлар пайдо бўлди.

Н.Р.: – Тўғри таъкидладингиз. Насрчиликдаги муҳим фазилатлардан бири – бу ширин ёлғондан узоқлашиб, ҳаётнинг конкрет ва реал муаммолари хусусида мушоҳадакорликка берилганликда кўзга ташланади. Хусусан, адабиётимиз узоқ йиллар умумхалқ бахт-саодати ҳақидаги ваъдалар гирдобида куймаланиб, эланиб яшади. Бугун эса у ўз ривожи учун янги-янги манбалар излаяпти, топаяпти. Бу жамият ва инсон табиатидаги номукаммалликлардир. Бу ўзлигини таниб, билиб бораётган, эркин ва соғлом фикрловчи, сиёсатлашмаган индивидуал қаҳрамонлар образларини яратишга интилишдир.

Бу борада Асқад Мухторнинг "Фано ва бақо", Шукур Холмирзаевнинг "Ватанига сиғмаган инсон", Иброҳим Ғафурнинг "Мансуралар"и, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бугун эрталаб", Сафар Барноевнинг "Ажаб дунё одамлари" туркуми, Учқун Назаровнинг "Ёнғин", "Илинж", Тилаб Маҳмуднинг "Ўтин", "Оқар дарё оқмасмиди жимгина" туркумларини, Назар Эшонқулнинг "Хаёл тузоғи" ва яна кўп адибларнинг ҳикояларини айтиб ўтгим келади.

Уларда Олам ва Одам сир-синоатларини, атроф-теварагини ўраган ижтимоий муҳитни фалсафий идрок этишга қаратилган Фикр-Тафаккур бош қаҳрамонга айланиб бормоқда. Уларда воқеалар, сюжет оқимлари қанчалик кизиқарли ва эътиборли бўлса-да, табиат ва жамият ҳодисаларини, одамлар феъли-фаолиятини баҳолашда, умумлашма хулосалар чиқаришда ўқувчига ҳам фикрлаш учун кенг имкониятлар, майдонлар очиқ қолдириляпти. Бу – кенг китобхон оммасининг тафаккур маданиятини юксалтиришда ғоят муҳим омил.

Бу асарлардаги мавжуд бир тамойил мени қувонтиради. Улар бозор иқтисоди шароитида одамларда пайдо бўлаётган баъзи иллатларга қарши қаратилган. Пул – пулни топади, нодон – кетмон чопади, деган янги мақолбоп гаплар пайдо бўлди. Бу бели оғримай, пешона тери тўкмай, енгил-елпи йўллар билан бойлик орттириш одатий бир ҳолга айланиб бораётганига бир ишора эмасми? Куни кеча нонушта маҳали ойим таҳи бузилмаган, теша тегмаган бир гап айтиб қолдилар, кеча юрган дарбадар, бугун бўлди танғадор.

Булар бежиз эмас. Демак, жамиятимиз тарихида муклчиликнинг турфа кўринишлари бўлган ва унга халқ ўз муносабатини билдириб келган. Халқ – донишманд. У ҳаётда кечаётган жараёнларни ҳам, одамларнинг феъл-атворию босган изини ҳам, хатти-ҳаракатию миясида ғужғон ўйнаган хаёлларини ҳам кўриб-билиб, ҳаққоний баҳосини беради. Адабиёт – кўнгил хуши эмас, кўнгил иши экан, одамлар онгида, психологиясида патос боғлашга улгурган ва томир ёйиб бораётган, маънавиятни бойитишга эмас, аксинча, қашшоқлаштиришга хизмат қиладиган мулкдорлик психологиясига ҳам эътибор қаратиши лозим кўринади. Унинг юзага келиш омилларини, илдизларини бадиий таҳлил этиши керак. Ахир, инсон қалби адабиёт қозони-ку.

И.С.: – Сиз айтган мулкчиликнинг турфа кўринишларига халқимиз онгида бўлган салбий муносабат аслида умуман, мулкчиликка ва мулкдорларга эмас, балки ғирром йўллар билан топилган мулкдорликка, ноинсоф мулкдорга тааллуқлидир. Аслида халқимиз мулкни муқаддас, бировнинг ҳақини ейишни гуноҳ деб ҳисобларди. Ҳозир ҳам шундай.

Юқорида қайд этганимиздек, адабиётимиз жамиятда шаклланаётган ҳозирги инсоний муносабатларга қувват бериши керак. Бу – бир. Иккинчидан, яқин ўтмишимизга ҳаққоний баҳо беришимиз лозим. Сабаби ҳали ҳам яқин ўтмишни орзиқиб кўмсаётганлар бор. Ўша даврни тўғри акс эттириш керак. Бу – бир, иккинчиси – ҳозирги кунни.

Адабиётимизнинг муҳим вазифаларидан бири – социализмнинг ички қарама-қаршиликларини очиши керак. Бу зиддиятлар нимадан иборат? Хусусан одамни маънавиятдан маҳрум қилиш, худодан ажратиш. Инсон бир нимага имон бериши лозим. Бўлмаса, ҳеч иложи йўқ. Бу – христианлик бўладими, буддачилик бўладими, ислом-мусулмончилик бўладими, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Инсон бир нимага қаттиқ ишониши, эътиқод қўйиши керак.

Демак, бу – социализмнинг салбий, ожиз томонларидан бири. Инсон имонсиз яшай олмайди. Ва имон инсон ҳаётида асосий рол ўйнайди. Чунки, аввал мияда бирон-бир фикр туғилади. Кейин у инсонни фаолиятга ундайди. Бировни фалокатдан қутқармоқчи бўлсам, у аввал фикр тарзида миямда пайдо бўлади. Бировнинг туркини кўрмай десам, у ҳам дастлаб мияда шаклланади. Ҳар қандай муддао аввал фикр тариқасида мияда пайдо бўлади. Сўнгра эса вужудимизни, қўлимизни фаолиятга ундайди. Шундай эмасми?

Имон – ана шу миянинг бош штаби. Виждон деймиз, имон-эътиқод деймиз. Буларсиз мумкин эмас. Иккинчидан, инсон ўзи азизланиши керак. Инсон хор этилган мамлакатда ҳеч қандай тараққиётнинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўз маслак-интилишларини рўёбга

чиқариш имкониятидан маҳрум бўлади. Учинчидан, инсон мулк эгаси бўлиши керак. Мулк бўлмаса, инсон ўзига муносиб ҳаёт кечира олмас экан. Ўз эзгу орзуларини рўёбга чиқара олмас экан.

Н.Р.: – Мулоҳазаларингиз Беруний-нинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асаридаги ғоят ибратли бир гапни эслатди. Мутафаккирнинг ёзишича, ўтган замонда бир донишманд: одамнинг одамлиги икки энг кичик аъзоси – тили ва дили билан дебди. Бир ақлли кишининг: одамлик фақат унинг икки танғаси билан, деган сўзини айтдим. Икки танғаси бўлмаган кишига, ҳатто хотини ҳам қарамайди, хўрлигидан таҳқир этилади.

Беруний ушбу фикрнинг амалий тасдиғи сифатида ўз бошидан кечган бир воқеани келтиради. Хусусан, бир илмий баҳс ҳақида ёзади: мен олий даргоҳдан узоқлашиб, шарафли хизмат саодатидан маҳрум бўлган кунларимда Рай шаҳрида илми нужум олимлари қаторида саналувчи бировни кўрдим... Мазкур киши мени менсимай бурнини юқори кўтарди, ҳамма билган нарсаларида унинг мартабаси мендан паст эди. У сўзимни ёлғонга чақирди, мени ҳақорат қилди ва менга бўйсунмади. Ваҳоланки, орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи камбағаллик бор эди, холос. Чунки, мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликка учраб, паришонҳол эдим...

Кейинчалик, Сайрафий "Абу Райҳон бу ерда Шамс ал-Маолийни кўзда тутаяпти", деб изоҳ беради...

Булар – оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин ёки мулкдор – ҳамиша ҳақ, дегандек-да шоир Аскар Маҳкам "Таважжуҳ" шеърий қиссасида ёзганидек:

Кўрдимки, борларнинг песи ҳам холдир,
Ўзимдек бир ҳақир топмадим, бироқ...

Кун ёнида тун, яхшилик ёнида ёмонлик, саодат ёнида қабоҳат ёнма-ён яшагани сингари мулкдорлик қашшоқликни ҳам туғдирар экан-да. Лекин моддий қашшоқлик ёппасига маънавий қашшоқлик туғдирмасмикан, деган хавф ҳам бор. Юпунлик, муҳтожлик маънавий комиллик кушандаси эмасми?

И.С.: – Ҳозирги пайтда бой бўлиб кетган бир одам ўзаро суҳбатда шундай деди: мулксиз туғилгандан кўра туғилмаган яхши. Бу ерда муболаға бор. Лекин, барибир, инсонда манфаатдорлик бўлмаса тараққиёт рўёбга чиқмайди.

Лекин мулкнинг муқаддаслигига одамларни кўндира олганимиз йўқ. Шу боис одамларни худа-бехуда ўлдириб кетишяпти. Куни кеча радиодан эшитиб қолдим. Россия нефт компанияларидан бирининг президентини отиб ўлдириб кетишибди. Бу – совет давридаги ҳукмрон идеологиянинг сарқити. Бу идеология одамни мулкка ва мулкдорга нафрат руҳида тарбиялар эди.

Социализмнинг яна бир ожиз томони имонсизликда кўринади. Имонсизлик шу даражага етган эдики, биз Павел Морозовни – отасининг қотилини қаҳрамон қилиб кўтардик. Максим Горький бир йигинда Павел Морозовни ёқлаб, оқлаб гапирди. Шунда, жуда яхши эсимда, Абдулла Қаҳҳор айтдики, Горький инсоният олдида катта жиноят қилаяпти. Отани болага қарши қўйиш мумкин эмас, деди. Бу оилани барбод қилади, оилани йўқ қилади.

Имонсизликка барҳам бериш тамойили бугунги ҳаётимизнинг энг самарали хусусиятларидан биридир.

Н.Р.: – Бу тамойил диний ахлоқнинг ҳаётимизда ва адабиётимизда борган сари кенгроқ ва чуқурроқ илдиз отаётганида ҳам намоён бўлади. Кейинги йилларда маънавий сарчашмаларимизга – Аллоҳнинг китоби муборак Қуръони Каримга, Муҳаммад Мустафо с.а.в. суннатлари – Ҳадисларга мурожаат этиш алоҳида тамойилга айланди. Ушбу йўналишда А.Ориповнинг "Ҳаж дафтари" туркумини, Асқар Маҳкамнинг "Нақшбандия" достони билан "Таважжуҳ" ва "Ишқ" шеърий қиссаларини, Сирожиддин Саййиднинг "Қирқ ҳадис" ҳамда Шукур Қурбоннинг "Унутмадим адолат расмин" (шеърга тушган ҳадислар) шеърий туркумларини, Саъдулла Сиёевнинг "Яссавийнинг сўнгги сафари" романи билан ҳожи Эминжон Усмоннинг "Муножот" эссесини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Аввало, улар одамдаги одамийлик хислат-фазилатларини кашф этиш орқали шахсни ва жамиятни комилликка ундашга қаратилган моҳияти билан эътиборли. Ахлоқий поклик, маънавий покдомонлик хусусиятларини кўнгилларда тарбиялашга, шахсиятларда шакллантиришга йўналтирилган янги бадиий талқинлари, нуқтаи назарлари, қарашлари билан аҳамиятли.

А.Ориповнинг эллик ҳадисдан иборат "Ҳаж дафтари" ҳазрат Алишер Навоийнинг "Арбаин ҳадис" асарларидаги фалсафий-ахлоқий қарашларни янги воқелик, янги ҳаёт материали асосида давом эттиради. "Арбаин" асарларидаги фалсафий-ахлоқий ғоялар Муҳаммад с.а.в.нинг "Кимки умматларимга дин хусусидаги қирқ ҳадисни етказса, танғри таоло уни қиёмат кунида фиқҳ билимдонлари, олимлар тўдасига қўшади" ҳадиси асосида юзага келган. Бугунги кунда шоирларимизнинг бадиий-эстетик изланишларидаги "Қирқ ҳадис" намуналари инсон ахлоқи, одоби, руҳий покланиши ва маънавий камолоти жараёнида Раббимни улуғлашга, Муҳаммад с.а.в. суннатларининг қимматини тарғиб этишга қаратилган.

Башарий қадриятларнинг моҳиятини англаш – бу ўзликни билиш сари қўйилган собит қадам. Раббимни танишдан бўлак маърифат ва Аллоҳни унутишдан ортиқ жаҳолат йўқ. Офтоб нури – Қодир Эгамнинг назари. Буни билмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шахс ва жамият ўзини инсоний хислат-фазилатлар билан янада гўзаллаштириш учун ҳамиша янги-янги имкониятлар излайди. Адабиёт ана шу жараённи бадиий идрок ва ифода этишнинг янги йўлларини кидиради. Бугун диний меросга таянган маърифат йўли инсон руҳияти бутунлигини, имон-эътиқод саломатлигини таъминлаш омилларидан бири сифатида кўзга ташланмаяптими?

И.С.: – Исломда одамга муносабат бағоят баланд. Шу идеология бизга кириб келса, албатта фойдали-да. Ўйлайманки, имонсиз соғлом жамият қуриши мумкин эмас. Ахир сен бойсан, деб мулкдорга тиғ кўтариб чиқиш, ўлдириш – турган-битгани гуноҳи-азим-да. Шу муносабат билан бир воқеа эсимга тушиб кетди. 1925 йиллар эди. Газетада ишлардим. Маргилондами, Намангандами, ҳозир яхши эсимда йўқ, батраклар байроқ кўтариб чиқиб, ер ислоҳотига қарши чиқишган. "Нега биз бировнинг ерини оламиз" деб. Шундан кейин мен хизмат қилаётган газетанинг биринчи бетида фатво чиққан. Диний назоратимиз ижозат берган: ким меҳнат қилса, ер шуники, деган мазмунда. Шунинг учун олаверинглар, деган. Ана шундан кейин ер ислоҳоти бошланиб кетди.

Н.Р.: – От кимники – минганники, нон кимники – тишлаганники қабилида бўлган экан-да.

И.С.: – Бизда мулкка ана шунақа катта ҳурмат бор эди. Совет даврида ана шу туйғу маданияти йўқ бўлиб кетди. Шуни биз тиклашимиз лозим. Мулкдорликка муносабатни шакллантиришимиз керак. Демак, ҳозирги адабиётимизда инсон – муқаддас, имон – муқаддас, мулк – муқаддас, деган ғоялар устун туриши керак. Уларни қандай ифодалаш ҳар кимнинг имон-эътиқодига боғлиқ...

Тадбиркор деҳқонларни олинг. Далада етиштирган маҳсулотини бозорга олиб чиқиб сотади. Бизнинг ҳам дастурхонимизни тўкин-сочин, ўзининг ҳам рўзғорини бут қиляпти. Ҳаётда тадбиркорнинг аҳамияти жуда катта. Меҳнаткашлар жамоасида оқилона раҳбарлик қилувчи шахсларни ҳам тадбиркор қаторида кўраман. Раҳбар тадбиркор бўлмаса, раҳбар эмас. Алишер Навоийнинг раҳбар ҳақида бир гапи бор. Агар бир парча ёғоч парчасини ўтга ташласангиз, ундан шуъла чиқади. Ва лекин у хонадонингизни чироқ мисоли ёрита олмайди. Чироқ керак, дейди. Раҳбарни буюк тафаккур шамчироғи, деб атайди.

Тадбиркорлар – ҳозирги нажоткорларимиз. Шамчироқларимиз. Шунинг учун адабиётимизнинг асосий вазифаси ҳамма соҳадаги тадбиркорларни бош қаҳрамон сифатида санъатга олиб киришдан иборат. Қишлоқ хўжалигими, саноат, фан ва дипломатия соҳаларида

бўладими, тадбиркорларни адабиётга олиб кириш, давримизнинг етакчи қаҳрамонлари қилиб кўрсатиш керак.

Н.Р.: – Адабиёт қаҳрамонларини маълум бир тоифа –тадбиркорлар билан чеклаш ва, айниқса, каҳрамонни бир ёқлама, идеаллаштириб кўрсатишдан қочиш керак.

И.С.: – Албатта.

Н.Р.: – Бир сўз билан айтганда, тирик инсон образини кўргимиз келади. Мана, ўзингизга жуда яхши таниш Шекспир қаҳрамонларини олиб кўрайлик. Ҳеч бирисини на салбий ёки на ижобий қутбга ажратиб бўлмайди. Ҳаётдагидек ҳақиқий одамлар.

И.С.: – Албатта-да. Бусиз мумкин эмас. Ўзбек тадбиркорларининг тўрт хусусияти бор. Биринчиси – бу, албатта, унинг ақллилиги. Аҳмоқ одам тадбиркор бўлолмайди. Иккинчиси – бу маърифатлилиги; у ўқимишли одам. Учинчиси – бу ғайрат, шижоатлилиги. Тўртинчи белгиси – бу омадли, Аллоҳ ёрлақаган одам. Омаднинг ҳам аҳамияти беқиёс. Мана шу тўрт хусусиятни ўзида мужассамлаштирган қаҳрамонлар адабиётимизда пайдо бўлиши керак. Лекин фақат шулар ва шу сифатлар билан чекланиб қолмаймиз. Маънавий вазифаларимиз кўп. Ва лекин айни ҳозирги пайтда шулар ниҳоятда долзарб, деб биламан.

Н.Р.: – Бундан ўн-ўн беш йил бурун ва, ҳатто, аввалги босқичларда ҳам ҳаётда пайдо бўлган ҳар бир янгилик албатта адабиётда акс этмоғи керак, дейилларди. Хусусан, нега космонавтлар образи адабиётда йўқ? Нега коммунист ишчилар, революционерлар, чўлқуварлар, пиллакашлар... ва яна аллақанча ҳаёт қаҳрамонлари адабиётимизнинг ҳам қаҳрамонларига айлантирилмаяпти, деган ижтимоий буюртмалар кенг палак ёзиб, илдиз отган ва адабиёт бундан катта зарар кўрган эди. Сиз тадбиркор образини яратишга урғу қилаяпсиз. Бу нарса бадиий тафаккурда яна стереотипларни, муайян қолипларни, тайёр андозаларни вужудга келтирмасмикан?

И.С.: – Йўқ. Ҳамма вақт жамиятнинг тақдири учун ҳал қилувчи рол ўйнайдиган ғоялар ва уларни ташувчи кишилар адабиётнинг марказида бўлган. Ҳозирги кунда ҳаёт тадбиркорни ўртага ташлаган экан, уни орадан чиқариб юборолмаймиз. Пиллакорлар, пахтакорлар ҳақида асарлар ёзиш керак, деганда биз кўзда тутаётган етакчи хусусиятлар назарда тутилмас эди-да. Ўшанинг касри. Ишчини кўрсат, дерди. Тадбиркор ишчини эмас. Асли тадбиркор ҳаётнинг ўзида мунозарали, унга турли хил қарашлар кўп.

Тадбиркор орасида қаллоблик йўлини тутганлар ҳам бўлиши мумкин. Ҳаромхўр тадбиркорлар ҳам бўлади. Тадбиркорлик – катта ва мураккаб оқим, гўё – дарё. Дарё гоҳ лойқа, гоҳ тиниқ оқади. Тиниқ оққанда сувини ичамиз. Лойқа-бўтана аралаш оққанда, бор, тиниқ тортиб, сувингни тозалаб кел, дея олмаймиз-ку. Иккаласига ҳам чидашга мажбурмиз.

Мен энди адабиётимиз учун муҳим бир масалага диққатингизни тортишни лозим топаман. Бу масаланинг бири – ҳаётни адабиётда қандай тасвир этиш масаласи. Шуни доим эсда тутиш керак-ки, адабиёт ҳаётнинг фото нусхаси эмас. Адабиёт – бадиий образлар олами, "иккинчи воқелик", яъни ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги тасаввурининг аксидир.

Ижоднинг яна бир муҳим талаби – ёзувчи қаҳрамонларни, персонажларни ўз маънавияти билан бойитиши ва қуроллантириши керак. Бу – персонажлар ёзувчининг ғояларини ифода этувчи "рупорга" айланиши, деган сўз эмас. Ёзувчи ҳар бир персонажни, айниқса, ижобий қаҳрамонни ўз маънавий хазинаси ҳисобига бойитиши лозим. Бадиий асарда тасвир этилган ҳаёт – оддий кундалик ҳаёт эмас; бу – ҳаётнинг мағзини чаққан, унинг моҳиятини тушунган санъаткорларнинг тасаввурида пайдо бўлган ҳаёт манзарасидир. У оддий ҳаётга ўхшайди ҳам, ўхшамайди ҳам. Ўхшашлиги унинг ҳаётийлигини, ўхшамаслиги унинг бадиий таъсирчанлигини таъминлайди.

Суҳбатимизни шундай якунласак бўлар экан: адабиётимиз қайтадан туғилиш ва кўтарилиш арафасида турибди. Адабиётнинг янги даврдаги салоҳиятини кўра билиш, унинг ютуқларига мадад бериш керак. Орамизда тарвузи қўлтиғидан тушиб, иккиланиб ўтирганлар ҳам йўқ эмас. Бу – танлов даври. Кимки янги, мустақиллик даври мафкурасини тубли тушунмаса, уни қалбининг ҳароратига айлантирмаса, адабиётдан тушиб қолаверади. Бунга афсусланиш ҳам керак эмас. Чунки, адабиётимизнинг салоҳияти зўр. Унда замонлар синовидан ўтган кадрлар мавжуд, у янги куртакларга, қобилиятли шахсларга бой.

Н.Р.: – Самимий ва мазмундор суҳбатингиз учун раҳмат. Тонглар – ёруғлик энагаси-ку.

И.С.: – Суҳбатимиз эркин бўлди. Менимча, бу унинг камчилиги эмас, фазилати. Шу билан бирга эркин суҳбатда чала ифода этилган фикрлар, такрорлар, баъзан эса асосий мавзудан узоқлашиброқ "ўтлаб кетиш"лар бўлиши ҳам табиий. Суҳбатимиз шу каби камчиликдан ҳоли бўлмаса керак. Аммо уни тузатмасдан, "пардозламасдан" эълон қилган маъқулрок.

Н.Р.: – Бу гапингиз менга ҳам маъқул. Бу – бизнинг самимийлигимиздан яна бир нишона бўлади.

Назм

Жам бўлмасин

Огоҳ бўлинг, ўзбек эли, ғанимлар жам бўлмасин,
Ота-оналар кўзида асло нам бўлмасин.
Истиқболимиз учун, белни боғланг мардонавор
Кўтаринг зафар байроғин, эркимиз кам бўлмасин.
"Ватан – Иймон", "Ватан – виждон" уни асрамоқ вожиб,
Кўзни очинг ғафлатдан юрт пайҳон бўлмасин.
Ватанфуруш ватангадодир, уларга йўқ жойимиз,
Эркин ҳаётда шум рақиблар бизга ҳамдам бўлмасин.
"Ватанни севмоқ иймондандир" деган Расулимиз,
Ватан меҳри ошсин дилларда, ҳаргиз ғам бўлмасин.
Шу Ватанда яшаган сотқинларга ҳайфдир инсонлик,
Шу нобакорлар элимизда асло марҳам бўлмасин.
Сен Нурмат санч найзангни ғаним, юзи қароларга,
Ки озод Ватанда улар учун бир қадам бўлмасин.

Ҳуррам замон бизда

Гўзал диёрда шодлик ажаб ҳуррам замон бизда,
Элга тангрим назар солди, барча файзу имкон бизда.
Мустақиллик офтобин кўр, барқ урди ҳақиқат бу,
Ушалди орзуларимиз, шарафли даврон бизда.
Мадад берди ота-боболар руҳи арвоҳи,
Нурин сочди Оллоҳ, гўзал чаман, бўстон бизда.
Халқим ёнди бу жумбоқни дилида сақлаб пинҳона,
Бахт-иқбол кулиб боқди, шарафли ризвон бизда.
Фалакнинг гардишин кўр: озодлик барқарор бўлди,
Бошинг кўтар, тик тур, элим дилдаги армон бизда.
Нечун шод бўлмайин Нурмат, эркинман бахт-саодатда,
Бу гулшанни обод этгил, энди давру даврон бизда.

Нурмуҳаммад СОЛИЕВ

ҲАР ЗАРРА ЕТУК ҲИКМАТ БИЛАН ЯРАТИЛГАН...


Табиат ва инсон муносабати қадимий ва доимий жараён. Инсон дунёга келибдики, табиат бағрида яшайди. Инсон ва табиат ўртасидаги алоқанинг мураккаблашиб бориши ҳамда уларнинг оқибатида келиб чиқаётган турли ҳолатлар ҳозирги замоннинг муҳим белгиси бўлиб қолди. Табиатни амалий равишда ўзлаштиришнинг кучайиши турли оқибатларга олиб келмоқда.

1989 йил март ойида Москвада бўлиб ўтган "Инсон ва ҳаёт муаммолари: тарих ва ҳозирги замон" мавзуидаги халқаро симпозиуми атроф-табиий муҳитни ва инсониятни ҳалокат ёқасига элтишни тўхтатиш учун энди табиатга янги фалсафий ёндашув керак, деган фикрни илгари сурди. 1980 йилларнинг бошларида ГФР, Швеция, Норвегия давлатларининг мутахассислари раҳбарлигида махсус кўмита тузилди. Кўмита зиммасига сайёрамиздаги давлатларнинг нотекис ривожланиши, хавфсизлиги ва атроф-муҳит ҳолати, уларни ўрганиш вазифаси юклатилган эди. Ушбу кўмита атроф-муҳит муҳофазаси масалалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган "Умумий танглик", "Умумий хавфсизлик", "Бизнинг умумий келажагимиз" деб номланган учта дастурий ҳужжатларни нашр этди. Мазкур тадқиқот кенг жамоатчилик эътиборини жалб этди ва одамларни умумжаҳон - глобал муаммолар тўғрисида ўйлашга мажбур қилди.

1992 йил июнь ойида Рио-де-Жанейрода (Бразилия) БМТ ҳомийлигида "Атроф-муҳит ва ривожланиш" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 100 дан ортиқ давлатларнинг ва кўплаб ноҳукумат ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Тарихда мисли кўрилмаган бу анжуман халқаро уюшманинг атроф-муҳит ривожланишига олий даражада эътибор бераётганлигининг ёркин гувоҳи бўлиб қолади. Унда умумий ҳажми 500 бетдан иборат "XXI аср кун тартиби" номли ҳужжат қабул қилинди. Анжуманда ўз уйимиз бўлган сайёрамизнинг ривожланишига шарт-шароит яратиш учун ҳамкорлик қилиш ва барча давлатлар келишиб ишлаши зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатни ўзгартириш учун нима қилиш керак? Инсон табиат билан ўзаро боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қилади. Инсон табиатнинг бир бўлаги; табиат бошига тушадиган ҳар қандай хавфни бартараф этишни ўз зиммасига олувчи куч.



Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон табиатнинг хўжайини деган сохта мафкуравий даъводан воз кечиш керак.

Чунки экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Инсоният манфаати эзгулик нуқтаи назаридан қанчалик яхши бўлмасин (масалан "табиатга муҳаббат ва ҳурмат билан қараш") у барибир инсондан устувор қадрият билан боғлиқ қилиб қўйилиши керак.

Баъзан инсонлар табиатга нисбатан даҳшатли муносабатларни раво кўрадилар. "Қуръон"даги "Раъд" сурасининг 8 оятида "Барча нарса (Аллоҳнинг) ҳузурида ўлчовлидир" деб алоҳида таъкидланади. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир нарса: сув, тупроқ, ҳаво, олов, табиий заҳираларимиз ўлчовлидир. Барча бойликлар "Қуръон"нинг "Ҳижр" сураси 85 оятида келтирилгандек, "Бу оламдаги бирон нарса тасодифий эмас, балки еру осмондаги ҳар бир зарра етук ҳикмат ва аниқ ўлчов билан яратилгандир ва ҳамма мавжудот бир-бири билан узвий боғликдир..."

Табиатда ҳар бир жонли ва жонсиз нарсанинг сақланиб қолиши, инсоннинг хатти-ҳаракати ва муносабатига боғлиқ: табиат билан инсон ўртасидаги муносабат Абу Али ибн Сино уқтиргандек, икки хил: "табиат доирасида", "табиат доирасидан ортиқ" ҳолда бўлади. Табиат доирасидан ортиқ таъсирлар инсоннинг айнан табиатга адолатсизларча бўлган муносабатидан келиб чиқади. Табиатга бўлган муносабатда эса инсоннинг билими, онги, тарбияси, хатти-ҳаракати ва адолати муҳим ўринни эгаллайди: "Адолат бутун оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги нисбатнинг меъёрий кўрсаткичидир". Табиатдаги барча нарса маълум бир режа асосига яратилган. Табиий муҳит сифатининг кенг миқёсда ёмонлашуви, Ўрта Осиё регионида кескин экологик вазиятнинг юзага келиши, Орол бўйида танг аҳволнинг содир бўлиши инсоннинг табиатга муносабатида эҳтиёжларни қондириш борасида адолат мезонига риоя қилинмаганлигида. Муқаддас "Қуръони карим"да таъкидланганидек: "Қилинадиган яхши-ёмон амаллар ҳам аниқ қонун-қоида асосида ўз мукофот ва жазосини олур". Адолат ўлчовининг бузилганлиги оқибатида инсон ўз навбатида табиатдан жазо олишга мажбур. Экологик таълим-тарбия, дунёқарашда адолат қонуни ва адолат меъёрларига амал қилинмас экан, одамлар эҳтиёжларини қондиришда янада кўпроқ хатоларга йўл қўйилиши мумкин.

Табиат ва инсон муносабатида адолат ақлли хатти-ҳаракат, мезон, ўлчов, меъёр, қонун-қоида, ички масъулият, ахлоқий сифат сингари онгли фаолиятни тақозо этади. Келажак авлодга бу оламни ҳеч бир хавф-хатарсиз, ҳалокатсиз топширмоқ учун ҳар биримиз дунёқарашимиз, эътиқодимизда, тафаккур жараёнида, бажараётган ишимизда адолат мезонига амал қилиб, ақл тарозисининг бир палласига доимо "адл" тошини қўйиб иш юритмоғимиз лозимдир. Юртбошимиз И.А.Каримов айтганларидек: "Адолат ҳар ишда ҳамроҳ ва дастуримиз бўлмоғи шарт".

Адолат ҲАМДАМОВА

"Алпомиш" - боқий асар

Эпос халқ ўтмишининг бадиий қомусидир. Унда халқнинг маиший ҳаётига оид кичик лавҳалардан тортиб табиат, жамият, ўтмиш ва келажак ҳақидаги илмий-фалсафий хулосаларгача жозибадор бадиият билан йўғрилган. Машҳур достонлардан бири, ўзбекнинг бош китобларидан бири "Алпомиш" достонидир.

У мавзу жиҳатидан ҳам, қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати жиҳатидан ҳам бошқа достонлардан ажралиб туради. Достон қаҳрамонлари бугунги кунда ҳам баъзи юртдошларимизга танқис бўлган туйғуда – юрт ташвишида ўртанадилар.

Минглаб номаълум даҳо шоирлар асрлар оша бугунги кунгача олиб келган бу достоннинг қадри шундаки, у ўзбекларга эл-юртининг қадру қиймати, ор-номусини мудом эсга солиб турди, ёвга бош эгдирмади, қаҳрамонликларга чорлади, наслу-насабини ўзгаларга хор қилмасликка ўргатди – Ватан деган улуғ сўзга доғ тегдирмай, авлодлардан-авлодларга васият қилиб қолдирди.

Термиз шаҳрида "Алпомиш" – боқий асар" деб номланган Ўрта Осиё республикаларининг бахши-шоирлари ва оқинлари иштирокида I Халқаро кўрик-фестиваль бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази, республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Кўрик-фестивалда 80 дан зиёд бахши-шоирлар, оқин-жировлар қатнашдилар. Қозоғистондан машҳур бахши-оқин Олмоз Алматов, Қирғизистондан бахши-шоир Раҳматилла Кўзикеев, Туркманистондан Қақабой Назаровлар фестивалга меҳмон сифатида таклиф этилиб, улар ўз она тилларида "Алпомиш" достонидан парчалар ижро этиб томошабинлар олқишларига сазовор бўлдилар.

Сурхондарё вилояти Маннон Уйғур номидаги ўзбек Давлат мусиқали драма театрида кўрик-фестивалнинг тантанали очилиши бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг биринчи муовини Отаназар Матёқубов, Сурхондарё вилоят ҳокими муовини Муҳиддин Абдуллаевлар қатнашчиларга ижодий беллашувларда муваффақиятлар тиладилар. Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги вакиллари, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази раҳбари Миркамол Назармуҳамедов, "Улуғбек" жамғармаси Бош директори Аброр Ҳазраткуловлар ҳам ўз табриклари билан қатнашдилар.

Аниқланган навбатлар бўйича ижодий беллашувни Жиззах вилоятининг бахши-шоир оқинлари иккита олий тил ва адабиёт институти раҳбари, филология фанлари доктори Тўра Мирзаев раислигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бордилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний мажлис баёни қарорига биноан иккита олий ўрин таъсис этилиб, "Етук бахши-шоир ва оқинлар" бўйича Сурхондарё вилоятида бахшичиликни ривожлантириш, тарғиб қилиш ва ёш бахши-шоирларга устозлик қилаётганлиги ҳамда юқори бадиий савиядаги ижрочилик маҳорати учун Бойсун туманидан таниқли бахши-шоир Шоберди бахши Болтаев олий ўрин совриндори бўлди.

"Ёш бахши-шоирлар ва оқинлар" танлови бўйича эса олий ўрин Хоразм вилояти, Хива шаҳар 5-мусиқа мактаби ҳузуридаги "Достон" фольклор-этнографик халқ жамоаси ёш бахши-халфаларга (бадиий раҳбари Норбек бахши Абдуллаев) насиб этди. Мазкур бадиий жамоа қатнашчилари ўз дастурларида "Алпомиш" достонидан парча ижро этишиб, бахшичилик йўллари билан бир қаторда халфа қизлар ижросидаги халқ термалари ва айтишувлар ижро этдилар.

Етук бахши-шоирлар ва оқинлар бўйича 3 та биринчи ўрин: Сурхондарё вилоятидан Бобораҳим Маматмуродов, Қашқадарё вилоятидан Абдумурод бахши Раҳимов, Қорақалпоғистондан Жумабой Бозоровларга, 4 та иккинчи ўрин: Самарқанд вилоятидан Зиёдулла бахши Исломов, Қашқадарё вилоятидан Абдуқаҳҳор бахши Раҳимов, Сурхондарё вилоятидан Абдуназар бахши Поёнов, Қорақалпоғистондан Тенглибой Холлиевлар, 5 та учинчи ўрин: Жиззах вилоятидан оқин Унгар Ўрозбоев, Сурхондарё вилоятидан Бахшиқул Тоғаев, Қашқадарёдан Шомурод бахши Тоғаев, Навоий вилоятидан Қўлдош Садиров ва сурхондарёлик Ўрол бахши Раҳимовларга берилди.

Ёш бахши-шоирлар ва оқинлар бўйича 2 та биринчи ўрин: қорақалпоғистонлик Зиёда Шарипова, сурхондарёлик Исмоил Анваровга. Тўртта иккинчи ўринга Қорақалпоғистондан Зулфия Арзимбекова, Сурхондарёдан Қаҳҳор бахши Умаров, қашқадарёлик Баҳром Раҳимов ва сурхондарёлик Турғун Чориевлар совриндорлар бўлдилар. 6 та учинчи ўрин: Қашқадарёдан Акбар Юсупов, Сурхондарёдан Сафар Шойдилов, Қорақалпоғистондан Гулбира Ережепова, Абдусамад Кожаков, Бахтиёр Есеймуродовлар ва сурхондарёлик Равшан Маматмуродовларга насиб этди.

Ўринлардан ташқари "Устоз-шогирд анъаналарини давом эттирувчи" мукофотини сурхондарёлик Хушвақт бахши Мардонақулов, "Энг кекса ижрочи" мукофоти эса Тошкент вилоятидан Чори бахши Хўжановларга, "Энг ёш ижрочи" мукофотлари самарқандлик Ислом Исломов ва сирдарёлик ёш ижрочи (етти ёш) Дилмурод Гулмуродовларга берилиб, уларга дипломлар, фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Иштирокчилардан 10 кишига рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.


Халқ оғзаки ижоди билимдонлари фикрича "Алпомиш" достонининг ўнлаб вариантлари мавжуд. Ҳар бир давр куйчилари ўз орзу-армонларини қўшиб, ўз тасаввур дунёсидан нур бериб ўз "Алпомиш"ларини яратганлар. Шу достонни ёд билмай бахшилар беллашувига келган, даврага тушмоқчи бўлганлар ҳали гўр, ҳаваскор ҳисобланган. "Алпомиш"ни туркий халқлар ҳамма замонларда севиб эшитган. Бу достон оҳанграларига халқимизнинг ғолиблик орзуси, ҳамиша енгилмасликка интилиш, қаҳрамонлик умидлари сингдирилган. Достоннинг севимли қаҳрамонлари ҳар қандай машаққатлардан мудом боши тик, кўксида олов билан чиқадилар.

Кўрик-фестиваль кунлари таниқли фольклоршунос олимлар, бахши-шоирлар ва оқинлар иштирокида "Юрт ичра кезмоқда достон" мавзуида "Алпомиш" достони ва бахшичилик санъати ҳақида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ,
Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият марказининг етакчи йўриқчиси

Олий мукофот совриндори – **Шоберди бахши Болтаев**
(Сурхондарё вилояти)





Кўрик-фестивалдан лавҳалар



Учинчи ўрин совриндори – **Абдусамат Кожаков**
(Қорақалпоғистон)

Биринчи ўрин совриндори – **Жумабой Бозоров**
(Қорақалпоғистон)

Кўрик-фестиваль меҳмони –
Раҳматилла Кўзикеев
(Қирғизистон)



Кўрик-фестиваль меҳмони – **Олмоз Алматов**
(Қозоғистон)



Қосимжон Ҳасанов суратлари

АМИР ТЕМУР

Тарих аждодлар босиб ўтган такрорланмас, қайтарилмас шонли ва шарафли мозийдир. Ҳар бир халқ ўз ўтмиши ва кечмишини билмоғи ҳамда унинг тарихий воқеа-ҳодисаларидан ғурурланишга ҳақлидир.

Халқимиз бир неча минг йиллик тарихий тараққиёт йўлига, унинг бебаҳо маънавий меросига эга.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов тарихчи олимлар билан учрашувда: "Мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади", – деб таъкидладилар.

Халқимиз ўзгаларнинг "айтиб туриш"идан халос бўлди. Бу ёруғ кунларга асрлар давомида халқимиз ўз ҳаётининг ҳамма соҳаларида беҳисоб йўқотишлар, айриликлар, чексиз қурбонлар бериш ҳисобига етиб келди.

Ёруғ кунларни кўриш кўпларга насиб этмади, чексиз армонлари билан оламдан кўз юмганларнинг саноғи, адоғи йўқ.

Тарихчилигимиз ва маънавиятимизни муносиб ўринга қўйиш истаги билан яшаган жонкуяр, толмас тадқиқотчи олимлардан бири, академик Иброҳим Мўминов эди. Иброҳим Мўминов миллий тарихчилигимиз фалсафасининг ана шу нозик қирраларини очиб берган оташин жонкуяр, садоқатли ватанпарвар тарихчи-файласуфлардан биридир.

1968 йилда Иброҳим Мўминовнинг Ўзбекистон Фанлар Академияси Президиуми кенгашида "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги роли ва ўрни" мавзуидаги маърузаси ва унинг китобча шаклида ўзбек, рус тилларида нашр этилиши турли хил шов-шувларга сабаб бўлди, натижада "илмий мунозаралар" бошланиб кетди.

Шарафиддин Али Яздий манбаларига таянган ҳолда Иброҳим Мўминов "Темур тузуклари" – "Манзумаи турк" асари ёзилганлигини, бу асар ёзилаётганда унинг парчаларини Темур бир неча марта ўқиб чиққани, баъзи жойларини тузатгани, таҳрир этгани, қўшимча далиллар зарур бўлиб қолганда ўша воқеа содир бўлган ерларга махсус одамлар юбориб аниқлаттиргани, воқеаларни доимо тўғри хронологик тартибда ҳамда тарихий ҳақиқатга мос равишда ёритишни талаб қилганлигини келтиради.

60-йилларда Амир Темур шахсияти тўғрисида бундай далилларни келтиришнинг ўзи буюк жасорат эди, қолаверса ўтмиш ва ҳозирги замон тарихчилигини сохталаштирувчилар учун жиддий зарба бўлиб тушди. Бу билан Амир Темур маънавий қиёфасини бир ёқлама ёритишлар ҳамда номуносиб илмий тасаввурларга жавоб берилганлигига қўшимча изоҳнинг ҳожати йўқ, албатта.

– Темурнинг хислатларидан бири шу эдики, – деб ёзган эди И.Мўминов, – у бирон масалани ҳал этишидан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг аниқ қарор қабул қилар эди. Унинг олимлар билан қиладиган маслаҳатлари ҳар хил

МАЪРИФАТПАРВАРЛАР

Президентимиз И.Каримов **"Тарихий хотирасиз келажак йўқ"** деган асарида таъкидлаганидек, *"Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уломалар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган".*

Ана шундай аллома, фозилу фузало, олиму педагогларнинг катта бир гуруҳи ўзбек маърифатпарварлари эдилар.

Маълумки XIX аср охири ва XX аср бошларида маориф, илм-фан, маданият, яъни маънавият майдонига 50 дан зиёд эркак ва аёл маърифат соҳиби-ю соҳибалари чиққанлар. Булар орасида ака-ука Айнийлар, Шакурий, Сатторхон, Ҳамза, Авлоний, Ажзий, Сўфизода, Васлий, Дилафкор ва ҳоказолар бўлганлар.

Улар диний ва дунёвий, жадидий ва рус-тузем мактабларини очганлар, ўзлари дарс берганлар, дарсликлар ёзганлар. Бу йўлда улар азоб-уқубат тортганлар, қувғинларга учраганлар, ҳатто жон бериб, жон олганлар. Улар халқпарвар, маърифатчи, ҳормас-толмас, ғайратли, журъаткор бўлганликлари учун чекинмаганлар.

Уларнинг ташаббуси, саъй-ҳаракати билан ҳамда издошлари иштирокида жуда кўп дунёвий мактаблар очилган ва халқ орасига маърифат уруғлари сепилган.

Садриддин Айний ва акаси Саййидхон биринчилардан бўлиб, Бухорода янги усул мактаби очиб, унга ўқув қўлланмалари тузган, 1909 йили "Болалар тарбияси" номли дарслик ёзиб, унга ёшларни илм-маърифатга чорловчи шеър, ҳикояларни киритган.

Айний ўз эсдаликларида Бухоро руҳонийларининг маориф соҳасидаги ислоҳларга қарши курашларини эслайди, Мирабдувоҳид деган кишининг мехмонхонасида яширинча янги усул мактабини очганини ёзади. Жоҳил кишилар бу мактаб болаларни кофир қилади деб, уни ёптирганлар, уй эгасини таъқиб қилганлар, Айний Қаршига қочиб кетишга мажбур бўлган.

Сатторхон она тили, рус тили, европача таълим-тарбия тизими тарафдори бўлиб, рус-тузем мактаблари ташкил этишни тарғиб қилган. Бунинг учун у қаттиқ таъқиб остига олиниб, Қўқондан қувилган; Чимкентда ишлаб, у ердан ҳам ҳайдалган, умрининг сўнгги йилларини ишсизлик ва дарбадарликда ўтказган.

Маърифатпарварлар орасида энг жўшқин, журъаткор, ғайратли Ҳамза алоҳида ўрин тутган. Унинг 1949 йилда топилган "Девони Ниҳоний" тўпламига кирган 197 шеърининг бир қисмида илм-фан, дунёвий маърифат, маданиятни ҳимоя қилиш майллари яққол сезилиб туради.

Ҳамзанинг кўпгина шеърлари унинг юртимиз маорифидаги пешқадам намояндагина эмас, балки жўшқин, доно, даъваткор эканлигидан ҳам далолат беради:

Мактаб анжуман боргил,
унда фикр очиб гоҳи,
Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил...

Маърифат қуйчилари Муҳсиний, Умидий ҳам ўз асарларида, амалий фаолиятларида халқни хат-саводли, билимли, маданиятли, ахлоқ-одобли бўлишга эҳтирос билан чақирганлар, ўзлари бу соҳаларда намуна кўрсатганлар.

Юртимиз маорифининг пешқадам вакилларидан бири Беҳбудий бўлган. У эҳтиросли маърифатпарвар сифатида Туркистон, Бухоро музофотларида маърифат зиёсини ёйиш, улусни жаҳолатдан халос этиш, унга эркинлик, ҳақиқат, адолат, маърифат йўлларини кўрсатишга чақирган: "Эй, Туркистон маориф ишларида

МАЪНАВИЯТИ

даражада ва турли шаклларда бўларди. Одатда, Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих фанлари вакиллари, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, теология ва дин соҳасидаги машҳур одамлар билан шахсий суҳбатлар ўтказарди.

Амир Темур илм-фанларни ривожлантириш ишларига катта эътибор берган, уларга моддий-маънавий шароит яратиб, илм аҳлининг ҳомийси бўлган.

Шаҳарлар ва шаҳар атрофи аҳолисидан жон солиғи, бож солиғи олинмасди. Биронта ҳам аскарнинг доимий туриши учун шахсий кишилар уйини эгаллашга ёки фуқароларнинг молини ва бойлигини ўзлаштириб олишга ҳаққи йўқ эди.

Барча ишларда (бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин) ҳокимларнинг адолат томонида қатъий туришларига бўйруқ берилган. Қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилинар, камбағаллар нафақалар олиб турардилар.

И.Мўминов собиқ шўролар мафкураси тазйиқи кучайган бир даврда Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ёритишга журъат этиб, унинг маънавий қарашларини илмий нуқтаи назардан баён қилиб берди; бобокалонимизнинг салтанатни бошқариш ва шахсий хислатларидаги фавқулодда кенг ва теран дунёқарашини тарихий манбалар асосида кўрсатди; соҳибқирон маънавияти қаъридан жой олган ҳалоллик, ростгўйлик, хушахлоқлилик, инсонпарварлик фазилатларини илмий асослади; Амир Темур даври адабиёти, санъати, меъморчилигидаги миллий маънавиятни таннум этувчи маданий мерос қирраларини очиб берди, соҳибқирон Амир Темурдаги юксак ватанпарварлик ҳамда халқпарварлик ҳис-туйғуларини кўрсатиб берди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Фан давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ" деган мазмундор иборалари халқимизнинг бир неча минг йиллар давомида яратилган моддий ва маънавий бойликларини, аввало ғурур билан ҳис этиш, авайлаб асраш, миллатнинг ифтихори сифатида ўрганишни тақозо этади.

Германиялик олим Клаус Пандер мамлакатимизнинг гўзал маънавияти илдизларига тўхталар экан, "Замонавий республика бўлган Ўзбекистонда ўтмиш билан "Минг бир кеча" эртаклари замонларини боғлайдиган кўприк қурилишини умид қилиш учун асос бор. Булар, албатта, кўрган кишининг кўзини қувонтирадиган меъморчиликкина эмас, балки санъат, ҳунармандчилик, шеърият, илм-фан, мусиқалардир. Уларнинг барчаси Темур инсониятга қолдирган мероснинг бир қисмидир" деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, Амир Темур келажакка бой, беназир маданий-маънавий мерос қолдириб кетди. Уни авайлаб асраш, янада бойитиш бугунги, эртанги авлоднинг шарафли вазифасидир.

Олимжон РАҲИМОВ,
Фарғона давлат университети

ЮРТИ

бўлган ўртоқ ва ўғлонларим!... Маориф йўлида ишлатўрғон муаллимларнинг бошини силанглар. Маорифга ёрдам этинг. Ўртадан нифоқни кўтарингиз. Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар. Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингилар. Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар. Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар... Маорифни Бухоро тупроғига жорий қилингизлар..."

Беҳбудий 1900-1914-йилларда Арабистон, Истанбул, Қоҳира, Петербург, Москва, Қозон, Оренбургларда бўлиб, янги усул мактаблари иш тажрибасини ўрганиб, амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларни таҳлил қилиб, янги замон араб, турк адабиёти, матбуоти, ўқитиш тажрибалари билан танишган. Булар асосида Самарқандда янги усул мактаблари очган; 1903-1904 йилларда ўзбек, тожик тилларида ўқув қўлланмалари ёзган.

Муаллимликни 1903 йилдаёқ бошлаган, кейин доно устоз бўлиб етишиб, хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига 1926 йилдаёқ биринчилар қаторида сазовор бўлган Ажзий тахаллуслу Сиддиқий маориф соҳасига улкан ҳисса қўшган. У Самарқанд қишлоқларидан бирида янги усул мактаби очган. Ўзи Ироқ, Миср, Русияга саёҳат қилиб, у юртлардаги маориф тизимини ўрганиб, уларга тақлид қилиб, болаларга дунёвий билимларни ўзи ўқитган.

Авлоний эса, 1908 йилдаёқ Тошкентнинг Миробод маҳалласида янги усулдаги мактаб очиб, ўзи она тили, адабиётдан дарс берган. Дунёвий билимлар ўқитгани боис чор маъмурлари Авлоний мактабини ёпганлар. 1921 йили Дегрез маҳалласида яна 2 синфли хонаки мактаб очган. У 1911 йили "Муаллими аввал", 1912 йили "Муаллими соний", 1909-1915 йилларда 4 жилдли "Адабиёт" тўпламини нашр эттириб тарқатган.

Абдулла Авлоний янги усул мактаблари учун дарслик сифатида 1913 йили "Туркий Гулистон ёки ахлоқ" номли рисола ёзган. Унинг умуман ахлоқ, хусусан яхши хулқ, ёмон хулқ, бадан тарбияси, фикр тарбияси, ахлоқ тарбияси деган қисмларида ёш ва катталарнинг хулқ-одоби қандай бўлиши кераклиги, бунда илм-фаннинг хосияти, инсон учун идрок ва заковат ғоят зарурлиги ҳақидаги ғояларни олға сурган.

Саидрасул Саидазизий исмли педагогнинг янги типдаги мактаблар учун мўлжалланган "Устози аввал" дарслиги 1917 йилгача 17 марта нашр қилинган.

Сўфизода ҳам 1913 йили Чустда янги усул мактабини очиб, ўзи муаллимлик қилаётганида хоҳиллар уни ёпиб қўйганлар. Бу бедодликка қарши у шеърлар ёзган, ошкора, пинҳона, зимдан курашган. Бироқ ёлғиз қолган. Қора гуруҳлар уни ўз Ватани Чустни ташлаб Афғонистонга кетишга мажбур қилганлар.

Шоир ва олим, маорифчи ва таржимон Васлий сермаҳсул муаллиф сифатида дидактик ғояларни зўр эҳтирос билан тарғиб этган. У ўзининг "Мактабга муҳаббатлик бола оғзидан", "Насиҳат" сарлавҳали шеърларида маърифатпарварлик ғояларини, тараннум этган. Яна у 1912-1914 йилларда ёзган "Ўқувчилар манфаати", "Таълим ва билдурманинг фойдаланув ўлмоғи" номли рисолаларида ёшлар учун илм-маърифатнинг бебаҳо аҳамияти, жаҳолатпарастлигу нодонликдан халос этувчи омиллар ҳақида ҳануз-гача ўз қимматини йўқотмаган илғор ғояларни илгари сурган.

Пискент музофотидан келиб чиқиб, рус-тузем мактабида ўқиб, 1910 йилдан маҳаллий газеталарда ўз шеърларини эълон қила бошлаган маърифатпарвар шоир Дилафкор ўзининг 1914 йилда чоп этилган "Гулшани Дилафкор" девонида бошқа масалалар билан бирга ўз халқини илм-маърифатга даъват этувчи қимматли фикрларини баён этади.

Бинобарин, юртимиз маърифатпарварлари жамият ва инсон тараққиётида маърифату маданият етакчи омил, таъсирли восита, ўткир қурол эканлигини чуқур ҳис қилганлар ҳамда бу эзгу ишга ўз муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Собиржон МИНАВВАРОВ,
Беруний номли ТДТУ Фалсафа кафедрасининг илмий изланувчиси



ЭЛ ЭҲТИРОМИ

Мустабид тузум даврида халқимизнинг кўплаб фидойи фарзандлари, зиёлилар, маърифат ва маънавият намояндалари шўролар амалга ошириб келган миллий қатағоннинг қурбони бўлган эдилар. Яқин-яқингача ҳам мустамлакачилик сиёсати қурбонларидан жуда озчилигининг исмлари маълум эди. Ватанимиз ҳурриятга эришгач, юрт озодлиги учун курашган, халқни зиёга, маърифатга даъват этган ана шундай элнинг асл фарзандлари номларини тиклаш, хотираларини ёд этиш, улар амалга оширган чин ватанпарварлик ишларини халққа танитиш юзасидан хайрли ишлар изчиллик билан рўёбга чиқариб келинмоқда. Мустамлака давридаги қатағон қурбонлари хотирасини тиклаш юзасидан чиқарилган Президент Фармойиши бу борадаги савоб ишларимизга кенг қанот бағишлаётир. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани марказида бўлиб ўтган адабиётимизнинг таниқли намоёндаларидан бири Машриқ Юнусов Элбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар ҳам мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлди. Ана шу санага бағишлаб шоирнинг "Сайланма"-си, "Мунгли қўшиғим" деб номланган китоблари чоп этилди. Туман марказида шоирга муҳташам ҳайкал барпо этилди. Ана шу ҳайкалнинг очилиши ва Элбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуманга Тошкентдан таниқли ёзувчилар, олимлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар. Шоир ҳайкали очилишига бағишланган тадбирда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, Бўстонлиқ тумани ҳокими А.Абдувосиқов: халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, туман жамоатчилиги вакиллари 20-30-йилларда маърифат соҳасида қизғин фаолият олиб борган Элбек ижодининг фазилатлари ҳақида фикр юритдилар.

Шаҳар маданият уйида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда Элбек ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борган атоқли олимлар Ҳайдарали Узоқов, Асад Асилов ва бошқалар шоирнинг ижодий мероси ҳақида фикр юритдилар. Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, адабиётшунос Ортиқбой Абдуллаев шоирни хотирлаб дил сўзларини изҳор этдилар. Анжуманда шоир Элбекнинг ўғли Улуғбек Элбеков мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли тадбирларнинг бевосита давоми сифатида Элбек таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётгани, қатағон қурбонлари хотираси ёд этилаётгани учун ўз миннатдорчилигини билдирди.

Элбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев сўзга чиқди.

Ҳаёл ва ҳаёт ҳақиқати

(Алишер Навоийнинг ойнаи жаҳон ҳақидаги ўйлари)

Яратилган, кашф этилган ҳақиқатлар, ихтиролар инсон идрокининг маҳсули. Аниқроғи, башариятнинг ижодкорлик даҳоси ва ижрочилик маҳоратининг меваси.

Ҳар нарса-ҳодисанинг рўёби хаёлотдан ҳаётий ҳақиқатга кўчиш асносида содир бўлади. Бир пайтлари учар гиламни ўйлаб чиқаришган. Ана шу ҳаёлий орзулар оқибатда узоғимизни яқин қиладиган тайёра сифатида ҳаётий воқеликка айланган.

Ойнаи жаҳон эса бугунги кунда дунёдаги барча ҳодисотлар ҳақида тасвирли маълумотлар бериб келаётган телевидение ҳақидаги тасаввурларнинг дебочаси экани рост.

Телевидениенинг бугунги тараққиёти, равнақи ҳақида сўз кетганда, унинг ижтимоий ҳодиса сифатида яратилгунга қадар бўлган даврлардаги ибтидоий тасаввурларнинг моҳиятига назар ташлаш ҳам фойдадан холи эмас.

Мумтоз адабий меросимизда, айрим назмий битикларда ана шунга ишоратлар борлигини пайқаш мумкин. Кўп асрлик оғзаки ва ёзма адабиётимизнинг айрим жанрлари – эртак, афсона ёки ғазал, достонларда чизги тарзидаги баъзи қайдларни учратамиз.

Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Жомийлардан илҳомланган Алишер Навоий "Хамса"нинг охирги достони "Садди Искандарий"да, хусусан унинг 56-бобида шу ҳақда сўз юритади. Шоир биз ҳозирда қўллайдиган "ойнаи жаҳон" сўзини "жаҳоннамо", "гитинамо", "миръоти гитинамо", "ойинаи жаҳоннамо" сингари сўз ва сўз бирикмалари билан ишлатади.

Шу ўринда Н.А.Добролюбовнинг "Хаёл қушининг оёғига ҳақиқат ипи боғланган бўлади", деган фикри нечоғлик тўғрилигига амин бўламиз.

Халқ оғзаки ижодиётининг ноёб дурдоналаридан муайян ғоявий мақсад нуқтаи назаридан моҳирона фойдалана олишлик Алишер Навоийга "Садди Искандарий" достонида қўл келган.

Даставвал, юқорида қайд этилган сўзларнинг изоҳини келтирайлик.

"Гитинамо" – жаҳонни кўрсатувчи. Искандар Зулқарнайн ихтиро қилган ва дунёда мавжуд нарсаларни ўзида акс эттирадиган ойна, буни гитинамо ёки ойинаи гитинамо дейдилар (Навоий асарлари луғати. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972 й., 161-бет).

"Ойинаи жаҳоннамо" – жаҳондаги борлиқни кўрсатувчи кўзгу (Ўша китоб. 394-бет.).

Алишер Навоий ҳикмат аҳлини, илм ва олимларни қадрлаган шоҳ Искандарга меҳр билан мисралар боғлайди. Ҳикмат аҳлига бош-қош бўлган Искандар дунёдаги сиру синоатларни билишга, англатишга восита бўлувчи тилсимий анжом кашф этишга аҳд қилади. "Фалак рози пинҳонийси" ва "олам сирри ниҳонийсини" пайдо этувчи "сутурлоби хуршед тоб ва миръоти меҳр сифотни" ақлу идрок ила бунёд этишганини завқ билан тасвирлайди.

Фалакиёт илми тараққиётида устурлоб қанчалик муҳим бўлса, заминий илмлар борасида ойинаи жаҳоннамонинг аҳамияти борлиги алоҳида таъкидланади.

Виқор узра бир дам ўлтурдилар,
Сутурлобу[1] кўзгуни келтирдилар.
Биридин аён бўлди афлок иши,
Яна биридин арсаи хок иши
Бирида тўққиз чарх тақсим ўлуб.
(А.Навоий. Хамса. Тошкент. "Фан" нашриёти, 1960 й., 777-б).

Иккала жисмнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам ишлаш жараёнидаги алоқадорлик ва бир бутунликни идрок этиш асносида фикр юритиш ҳам илк илмий башоратларнинг ҳосиласидир.

Тўғри, бу ихтиро Искандар Зулқарнайннинг номи билан боғланади. Аслида халқнинг ижодкорлик салоҳияти, бой фантазияси асар қаҳрамонлари, идеал шоҳ образи билан уйғунлашиб кетишини инкор этиб бўлмайди. Ҳодисалар моҳиятини англашга бўлган интилиш, уни худди асл ҳолатида кўргандек қилиб тасвирлашнинг ўзи ҳам Шарқ уйғониш даври фалсафасининг юқори даражада тараққий этганидан далолатдир.

Гитинамо ва устурлобнинг вазифаси ҳақида шоир қисқача назмий тавсиф бериб ўтади. Ойнаи жаҳон асл ҳолат ва рост қиёфатни кўрсатувчи кўзгу эканини бот-бот уқтиради.

Бу кўзгуки, солимни туз кўргузур,
Манга анда юз фикр, юз кўргузур.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, шоир устурлоб ва гитинамонинг жойлашиш механизмини, ишлаш техникасини ҳам таърифлашга интилади.

Бу иккала ашёвий жисм қандай металлардан таркиб топишини ҳам эътироф қилади:

Филиззот аро зоҳир айлаб тилсим,
Мудаввар намудор этиб икки жисм.

Бири рўю мис бирла обод эди,
Яна бир дурахшонда пўлод эди.

Аларгаки, пўлод ўтру эди,
Намудори гўёки кўзгу эди.

Сутурлобга чарх ашколи қисм,
Вале кўзгу жисми саросар тилсим.

Замин тасвири коинот орқали, самосоз сутурлоб воситасида акс этишини идрок этган Навоий бу ихтироларда ташаббускор Искандар Зулқарнайнни мадҳ этади. Унинг олийҳиммат шоҳ эканини эҳтирос билан тасвирлайди. Шоҳ Искандар қатор алломаларни саройга чорлаб маслаҳат солмаганида Афлотун, Суқрот, Буқрот, Хурмус, Балинос, Аршимидус сингари олимларга руҳий-моддий мадад бермаганида бу кашфиётлар амалга ошмаслигини уқтириб, шоҳнинг одил ва маърифатпарварлигига таҳсинлар ўқийди.

Алишер Навоий эзгу ният йўлидаги саъйи ҳаракатлар, эл манфаати борасидаги ғайрат-шижоатлар чинакам кашфиётларнинг яралишига сабаб бўлишини ҳис этади.

Алишер Навоийнинг бу фикрлари инсониятнинг онгли ҳаёти тарихида муҳим роль ўйнаган оммавий электрон информацион воситалардан ҳисобланган ойнаи жаҳон ҳақидаги қарашларнинг шаклланиш босқичи сифатида қимматлидир. Телевидениенинг ижтимоий ҳодиса сифатида ўрин тутишини аждодларимизнинг олдиндан ҳис қилганлиги аҳамиятлидир.

Телевидение орқали мулоқотлар, ўзаро фикр алмашувлар бир пайтлари орзу, хаёл бўлса, бугунги кунда ҳаётий ҳақиқатга айланди. Қолаверса, ижтимоий тафаккур тараққиёти шуни тақозо этарди. Инсоннинг хаёлот олами чексиз. У кўплаб ихтироларни яратишга қодир.

Дунёни билишга, англашга бўлган интилиш изчил, узлуксиз давом этади. Бу эса ўз-ўзидан янги кашфиётларни юзага келишига замин ҳозирлайди.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
филология фанлари номзоди

1. Устурлоб – Қуёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган асбоб. Навоий асарлари луғати. 1972й., 627-б.



Охунжон Мадалиев устоз санъаткор Тоҳаккал Қодиров билан.

КЎНГИЛ ОСМОНИ

Таҳририятимизга келаётган кўплаб мактублар орасида халқимизнинг севимли хонандаси Охунжон МАДАЛИЕВ билан ижодий суҳбат беришимизни сўраб ёзилганлари анчагина. Шу муносабат билан яқинда хонанда таҳририятимиз меҳмони бўлди.

Очиқ чеҳрали хонанда ёқимли овоз билан куйласа, дардли одамнинг куйган бағридан тутун чиқарады.

Алишер Навоий

– Охунжон, қўшиқ мухлислари сизнинг "Камолот – 89" танловида ижро этган "Кўча боғи II" қўшиғингизни ҳали-ҳануз мароқ билан эслайдилар. Бу танлов сизни элга танитди десам, янглишмасам керак. Сизнинг ижодий фаолиятингиз танловгача қандай эди?

– Ҳақиқатан ҳам "Камолот – 89" мени халққа танитди. Бир мухлисим айтган эди: "Шу танловгача сиз қайда эдингиз? Агар у бўлмаганда биз сиздай хонандани билмай юраверармидик?"

Мен бунгача қўшиқларим билан ўзим туғилиб ўсган Фарғонада анча танилиб қолган эдим. Ёшлигимдан қўшиқ айтишга қизиқдим. Фарғона педагогика институтининг мусиқа факультетига кириб ўқидим, устоз санъаткор Тоҳаккал Қодировдан қўшиқчиликнинг кўп сир-асрорларини ўргандим. Бир қанча қўшиқлар ижро этиб, мухлис орттирдим. Танловда лирик ҳамда мумтоз қўшиқ ижро этиб, биринчи ўринга мушарраф бўлгандим. Агар бу тадбирнинг аҳамиятига эътибор берсак, бундай танловлар бизга керак экан, деб айтардим. Тўғри, айни пайтларда "Шарқ тароналари", "Ўзбекистон – Ватаним маним" каби турли танловлар бўляпти. Лекин "Камолот – 89"нинг эътиборли томони шунда эдики, бунда ҳали катта саҳнада куйламаган хонандалар иштирок этишган, ҳакамлар ҳам анчагина талабчанлик қилишганди. Фонограммасиз қўшиқ айтганмиз. Танлов талаби ҳам кучли бўлиб, буни айни кунда машҳур бўлган хонандалардан ҳам билса

бўлади. Ахир Муҳриддин Ҳолиқов, Ғиёс Бойтоев, Шомаҳмуд Шорахмедов каби хонандаларни ана шу танлов кашф қилганди-да. Мен истардимки, республика миёқсида ҳали катта саҳнага чиқмаган ёш хонандалар учун ана шундай танловлар тез-тез ўтказиб турилса...

– Инсон ҳаётини санъатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, кўшиқчилик санъатининг ўрни ва аҳамияти бўлакча. Кўшиқ сиз учун касб-ҳунармн ёки маънавий эҳтиёжми?

– Баркамол инсон бўлишда санъатнинг ўрни беқиёс. Санъатсиз инсон қалби бир бўшлиқ. Бунинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Санъат инсон қалбини бойитади, руҳини турли ғуборлардан тозалайди. Санъатга чин ошуфта бўлган инсонларнинг маънавий дунёси ҳам бойдир. Қўшиқ орқали одамларнинг шодиёна кунларида хизмат қилсам, ушал меҳрини қозонсам, кўнглини кўтарсам, санъатнинг ҳаётимда тутган ўрнини шу деб биламан. Умрим, ҳаётим қўшиқ билан боғланганидан фахрланаман, толеимдан миннатдор бўламан.

– Сиз қўшиқчи-санъаткорсиз. Яхши қўшиқ яратиш хоҳласак-хоҳламасак инсон кайфиятига боғлиқ жараён. Инсоннинг кайфиятини кўтариш учун қўшиқ айтаётган ижодкорнинг, айнан шу қўшиқни яратаётган вақтдаги кайфияти нечоғли яхши бўлса, шу қўшиқ юракка етиб борадиган бўлади, назаримда. Сиз қандай пайтда ижод қиласиз ва нималардан илҳом оласиз?

– Ҳар саволингиз мазмунига чуқурроқ кириб, моҳиятига эътибор берсак, ҳар бир қўшиқ инсон руҳиятига таъсир қилишига, маънавияти юксалишига хизмат қилиши учун яралади, дейиш мумкин. Яхши қўшиқ инсон кўнгли ғуборларини ювиб, тонгдаги шабнамдек мусаффо қилади. Дилларга ором бахш этади. Эзгулик сари чорлайди. Бас, шундай экан, унинг ижодкорлари нафақат қўшиқ яратиш баробарида, уни ижро этаётганда ҳам яхши кайфиятда бўлмоқлари даркор. Бу кайфият қўшиқ тинглаётган тингловчиларга, албатта, таъсир қилади. Умуман олганда, саҳнага, мухлислар олдига чиқарканман, барча турмуш ташвишларини саҳна ортига ташлаб чиқаман.

Мен қишлоқ фарзандиман. Диёримизнинг энг мафтункор гўшаси, табиати ҳам одамларидек беғубор воҳа, атрофимдаги жамики боғлар, яйловлар, кенгликлар, фариштамисол инсонлар менга илҳом бағишлайди.

Эрта тонгнинг эрка қуёши қишлоқни ўзгача бир ажиб тароват билан уйғотса, субҳидамда олисолислардан янграган чўпон найининг майин ноласи сизни кенгликларга чорлайди. Ўтган яна бир кунига шукроналик ифодаси ила шафақка бош қўяётган қуёшнинг заррин нурлари тоғ оқшомининг мафтункорлигига янада чирой бағишлайди. Бундай тароватли, файзли дамлар одамни шундай илҳомлантирадики, фақат қўшиқ куйлагингиз келаверади, келаверади. Аслида ҳар бир қўшиғим шуларнинг акс-садоси бўлиб янграйди.

– Охунжон, сиз катта саҳналарда кўплаб концертлар бердингиз. Телевидение орқали деярли ҳар ҳафта қўшиқларингизни тинглаймиз. Шу билан бирга инсонларнинг яхши кунида ҳам хизмат қиласиз. Ҳар уч ҳолатда қўшиқ куйлаганингизда масъулиятни қандай ҳис қиласиз?

– Уч ҳолатда қўшиқ куйлашнинг бир-биридан фарқ қиладиган томонлари бор, албатта. Назаримда катта саҳнада қўшиқ айтишнинг масъулияти кўпроқ. Аввало сиз томошабин билан юзма-юз турасиз. Ҳар бир хатти-ҳаракатингиз мухлислар назоратида. Улар сизни, яхши маънода албатта, бошдан-оёқ синчковлик билан ҳар лаҳза кузатиб туришади. Юриш-туришингиз, кайфиятингиз, кийинишингиз – барча-барчаси улар учун эътибордан четда қолмайди. Улар, қаршисида ўтаётган ҳар лаҳза йилларга тенг, гўё. Ҳар ҳолда мен шундай деб ўйлайман. Бир неча созандалар билан хонанда қўшиқ бошлар экан, яна бир масъулият юкланади. Саҳнадаги ижроингизда ҳамма нарса меъёрда бўлиши керак. Халқ сизни кузатиб туради. Бу яхши албатта. Ортиқча хатти-ҳаракатга йўл қўйдирмайди.

Саҳнада куйлаётганимда мухлисларим қўшиқни қабул қилишларини сезиб тураман. Уларнинг кайфиятлари кўтарилишини, қўшиғимга жўр бўлаётганларини кўрган лаҳзаларим менинг энг қувончли дамларим. Бундай пайтда ўзим ҳам дилдан яйрайман. Бу мен учун катта бахт.

– Айтингчи санъатнинг қайси тури сизни кўпроқ ўзига мафтун этади?

– Мени мафтун этган санъат – бу миллий мумтоз мақомларимиз. Мақом тинглаганимда қандайдир сокин, вазмин бўлиб қоламан. Ҳаёт деган катта қасрнинг қирралари, безаклари ранг-баранглигига ийимон келтираман. Шоир жуда тўғри айтган: "Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига. Қандай чидай олди экан одамзот". Бу кўҳна дунё дунё бўлиб яралибдики, бундай нафис, гўзал санъатни инсонларга раво кўрган. Мумтоз шеъриятимизнинг қанчадан-қанча намуналари ҳали ўз ижрочиларини кутиб турибди. Халқимизнинг маданияти, маънавияти улуғворлигини унинг мақомларидан ҳам билиб олса бўлади. Фаранглар ҳам, японлар ҳам айнан шу санъатимиз – мақомларга мафтуну ошифта бўлиб қолганлари бежиз эмас-да. Мен ўша "Камолот – 89"да мақом ижро этиб, элга танилган эдим. Шунда мақомлар кексага ҳам, ёшга ҳам бирдек севимли эканлигини сездим. Кейин репертуаримдан бундай қўшиқлар кўплаб ўрин олди. "Шитоб айлаб", "Фиғонким", "Тошкент Ироғи"...

– Бир хонанда билан суҳбатлашганимда у шундай деган эди: "Баъзан саҳнада куйлаётганимда барча нарсани унутаман. Ҳаттоки залдаги мухлисларни ҳам". Сизда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми?

– Гапингизга тушундим. Шундай ҳолат бир неча бор бўлган. Тасаввур қилинг. Сиз куйлаяпсиз. Залда мухлислар. Бир томошабин сизга хат берди. "Мендан ўзи севган қўшиқни сўрабди-да. Қайси қўшиқ экан?" Хаёлингиздан шундай фикр ўтади-да, секингина, иложи борича томошабинларга билдирмайгина хатни очасиз. Ўқийсизу, кайфиятингиз тушиб кетади. Шундай хатлар ҳам учрайдики, уни шу залдаги, қарсак чалиб олқишлаётган томошабин ёзганига баъзан ишонмайсиз ҳам. Хатдаги салбий фикрлар сизнинг руҳий ҳолатингизга шундай таъсир қиладики, асти қўяверинг. Лекин залдаги чин мухлисларингизнинг айби нима? Бир одамнинг ноўрин хатти-ҳаракати деб, ҳиссиз-қаяжонсиз куйламайсиз-ку, ахир. Ўзингизни қўлга олиб, навбатдаги қўшиқни бошлайсиз. Мана шундай ҳолатда сиз барча нарсани – зални ҳам, мухлисларни ҳам унутасиз. Назарингизда кенгликлар бағрида, еру осмон оралиғида танҳо ўзингиз қолгансиз ва ўзингиз учун куйлаяпсиз. Шундай ёниб-ёниб куйлайсизки, ҳатто мусиқанинг тугаганини ҳам сезмай қоласиз. Қўшиқ оламидан чиқа олмайсиз. Мухлисларнинг гулдурос қарсаклари сизни ўзингизга келтиради. Уларнинг орасида ким дўст, ким душман билолмай қоласиз, барибир.

– Ўн йилдан ошдики, қўшиқ оламидасиз. Қўшиқларингиздан кўнглингиз тўладими? Яна қандай қўшиқ куйлашни истайсиз?

– Юрагимда бир ният бор. Ватан ҳақида қўшиқ куйласам. Тўғри, Ватан ҳақида шоир Норқобил Жалилнинг "Ўзбекистоним" қўшиғини куйладим.

Инсонда чексиз-чегарасиз бир туйғу – Ватан туйғуси бор. Юрагимдаги бор меҳр-муҳаббатимни намоён қилиб фахр туйғуларига тўлиб Ватанимни куйласам дейман.

Бундай қўшиқларни авж пардаларда қўйламоқ керак. Ҳозир шундай қўшиқ хаёлида юрибман.

– *Етук санъаткор бўламан деган хонанда қўшиқ жанрининг уч тури: мақом, лирик қўшиқлар ҳамда эстрадани бирдек ижро этиши керак, назаримда. Қўшиқларингизни тинглаб, бир нарсага аҳамият бердим. Уларнинг барчасини меъёрига етказиб куйлар экансиз. Сизнингча қайси турда қўшиқ куйлаш қийинроқ?*

– Шеърнинг матнини ёдлаб, мусиқа жўрлигида айтиш билан иш битмайди. Айниқса, мақомларда ҳар бир сўзнинг маъносини, талаффузини тўла тушуниб етмоқ керак. Бир ҳарф ўрнига талаффуз жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бошқаси билан алмаштириб юборсангиз, сатрнинг маъноси ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Ҳозирги томошабинларнинг савияси юксак. Улар ўнлаб қўшиқлар орасидан саноқлигинасини тинглашади, холос. Бу табиий ҳол. Лекин мен барибир қўшиғимни, қайси жанрда бўлишидан қатъи назар, тайёрлар эканман, ўзимга ҳам, созандаларимга ҳам қаттиқ талабчанлик қиламан.

– *Қўшиқларингизда қандайдир бир "дард" бор...*

– Ҳар бир инсон қалбида дард орзу, армон бор. Агар шоир шу "дард" билан ёнмаса, хонанда "дард" билан куйламаса, барчаси бекор. Буни мен ҳақиқатни излаш, эл-юрт дарди деб атаган бўлур эдим.

Шоир ўз "дард"ини тўкиб, шеър ёзади, хонанда ҳам шу "дард" билан куйлайди. Дардсиз, ҳиссиз қўшиқлар халқ қалбига етиб бормайди. Ҳозир афсуски, "дард"сиз, юки енгил, ҳатто "одоб"сиз қўшиқлар кўпайиб кетди.

– *Бир шеърни қўшиқ қилиб куйладингиз. Орадан маълум муддат ўтди. Ушбу қўшиғингизни бошқа хонанда ижро этди. Сизнинг муносабатингиз?*

– Нима десам экан. Аввало, ўша қўшиқнинг таг замини шеър. Шеър шоирники. Куйи меники. Лекин хонанда ўша шеърни, бошқа куйга солиб, ўзгача оҳангда ижро этса, энди бу қўшиқ уники. Мен ҳеч нарса дея олмайман.

Яна бир гап. Репертуаримдаги кўплаб мумтоз қўшиқларни аввал ҳам бошқа санъаткорлар ижро этишган-ку, аҳир. Бугун биз айтмоқдамиз. Бизга ҳеч ким, ҳеч нарса дейишаётгани йўқ. Қўшиғимни ўзга хонанда ижро этсин, майли, лекин мендан яхшироқ ижро этсин, дейман. Ана шунда унга тан бераман.

– *Ёмон шеърни яхши қўшиқ қилиш мумкинми?*

– Мумкин. Лекин бу қўшиқнинг умри қисқа бўлади. Бир қўшиқни яратиб, мухлислар эътиборига олиб чиққунча қанча меҳнат, қанча вақт кетади. Шуларни ҳисобга олиб, улар зое кетмаслиги учун яхши шеър топиб, яхши қўшиқ яратган маъқул.

– *Қайси қўшиқлар ва қайси ижрочилар қўшиқлари қалбингизга яқин?*

– Эрта тонгда субҳидам чоғи янграган мумтоз оҳанглар. Ярим тунда радио тўлқинлари орқали тараллаган барча пурмаъно қўшиқлар қалбим ардоғида: "Қаро кўзим", "Дугоҳ", "Сегоҳ"...

– *Охунжон, эшитган гапларимга кўра, сахийлик, ҳимматпарварлик сизнинг асосий фазилатларингиздан экан. Халқ хизматига доимо камарбастасиз. Баъзан тўйларга боргансизу, хизмат қилиб, улар дуосини олиб кетавергансиз...*

– Бир нарсадан доимо қувонаман. Мени Охунжон қилган аслида шу халқим. Уларга хизмат қилиб, ҳеч қачон чарчамайман. Айни кунда сахий санъаткорларимиз кўп. Мен ҳам шуларнинг биридан. Кекса онам ҳар куни дуо қилар эканлар, бир гапни кўп такрорлайдилар: "Олтин олма, дуо ол". Бу ҳикматли гапнинг тўғрилигига кўп бора ишонч ҳосил қилганман.

Ўтган йили Қашқадарёдан хат олдим. Мактаб битирувчилари экан. "Охунжон ака, биз сизнинг чин мухлисларингизмиз. Сизни битирув кечамизга таклиф қилмоқчи эдик. Афсуски, пулимиз камроқ... Сиз келасизми?!" Гуруҳимиз билан мактабга бордик. Чиройли концерт қўйиб бердик. Лекин улардан хизмат ҳақи олмадик. Улар чиндан ҳам менинг мухлисларим эканки, ҳар бир қўшиғимни мендек куйлар эканлар. Қўшиғимни жўровозликда куйлаб, ўзим ҳам баҳра олдим.

Бундай воқеалар санъаткорлар ҳаётида тез-тез учраб туради.

– *Санъатга алоқасиз бир савол бермоқчиман. Қайси фаслни ёқтирасиз?*

–Баҳор ва яна баҳор.

– *Сабаб?*

– Инсон қалби гўзалликка интилади, баҳор эса гўзалликнинг фасли. Табиатдаги барча рангларни фақат шу фаслда кўрасиз. Улардан намуна олиб, ҳар баҳор юрагингизга жойлайверасиз-жойлайверасиз... Инсон қалбида шу гўзаллик қандай кўп бўлса, бундай қалб шунчалик пок бўлади. Шу сабаб баҳор ва қалби гўзал инсонларни севаман.

– *Ҳар бир санъаткорнинг нияти мухлисларини йўқотмаслик. Бунинг учун сиз нималар қиласиз?*

– Бунинг учун аввало, тинмай ижод қилиш, изланиш, машаққатлардан толиқмаслик керак. Йил мобайнида бир-икки қўшиқ яратиб, бўлди, шу билан энди маълум муддат бемалол юраверамаи, дейиш назаримда тўғри эмас.

Мен одатда йил давомида ўнга яқин янги қўшиқ яратиб, мухлисларимга ҳавола қиламан. Дастамиз билан биргаликда аввал водийда, сўнгра ҳар бир вилоят бўйлаб концерт намойиш қиламиз. Мухлислар билан юзма-юз келиб, концерт беришнинг кўп яхши томонлари бор. Бу ҳар сафаргидай мухлислар олдида имтиҳондай гап. Улардан муваффақиятли ўтиб, томошабинлар меҳрини қозонсам, шунда уларни йўқотмасман, деб ўйлайман.

– *Айни кунларда машҳур хонандалардансиз. Орадан 25 йил ўтди, деб фараз қилайлик. Келажагингизни қандай тасаввур қиласиз?*

– Анчайин ўйлатадиган савол бердингиз. Нима десам экан. Ҳар ҳолда халқимнинг севимли хонандаси бўлиб қолишни орзу қиламан. Бу пайтга келиб, кўпроқ мумтоз қўшиқ куйласам керак. Яна билмадим, ҳаммасини вақт кўрсатади.

– *Кунлар, ҳафталар ўтган сайин янги асрга тобора яқинлашаяпмиз. Ўзбек қўшиқчилиги XXI асрда қандай бўлади?*

– Ўзбек қўшиқчилиги шундай бир авж нуқтасига кўтариладики, у жаҳон саҳналаридан ҳам баралла янграйди. Ўзбекистон номини жаҳонга ёяётган санъаткорлар – Шерали Жўраев, Юлдуз Усмонова, Муяссар Раззоқова, Фаррух Зокиров, Муножат Йўлчиеваларнинг сафи кенгаяди. Қўшиқларимиз эса ўзида ўзбекона оҳангни, миллий руҳни, шарқона мусиқани мужассам этади.

Мен Охунжон Мадалиев билан бир неча бор узоқ суҳбатлашдим. Репертуарида 200 дан ортиқ қўшиғи бор хонанда санъатнинг юқори чўққиси томон одимлаётган экан, юксак поғоналарга етади деб ишонч билдирдим.

Яхши овоз аввало Оллоҳдан. Шундай улуғ неъматни унга раво кўрган Яратган эгам яна қўшимча қилиб сахий қалб, пок ният, теран тафаккур, ақлий салоҳиятни ҳам мўл-кўл берган экан. Хонанда ширин сўзликни, саховатпешалик, меҳрпарварликни ҳам ўзида мужассам этган. Мен бундай фарзанд билан уларнинг оналари – Турғуной ая ҳамда оила аъзолари ҳар қанча фахрлансалар арзийди деган фикрга келдим.

Кўнгил осмонида сарафроз куйлаётган Охунжоннинг қўшиқлари дунёни мунавварликка тўлдирсин, дея тилак билдираман.

Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

ҲАҚ ЁДИ БИЛАН ЎТГАН ШОИРА



Маълумки, мумтоз адабиётимизнинг кўплаб истеъдодли сўз соҳиблари қадим Хўқанди латифдан етишиб чиққан. Шунинг учун ҳам уни ноёб маъданларни ўз қаърида асраб келган конга қиёслаш мумкин. Унинг қатламлари қанчалик синчковлик билан ўрганилган сари шунчалик ҳайратланарли дурдоналарга дуч келаверамиз. Мухйи, Қорий, Мухсиний, Маҳмуд Ҳаким, Зорий каби шоирларнинг ҳали эълон қилинмаган ноёб асарлари аниқланиши ҳамда шу пайтгача илмий жамоатчиликка мутлақо номаълум бўлган шоира Нисонинг мукаммал девонини топилиши ҳам фикримизнинг ёркин далилидир.

Қўқондаги F.Ғулом номли вилоят Адабиёт музейи катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, устоз Аҳмаджон Мадаминовнинг илмий изланишлари натижасида ушбу шоиранинг дастхат девони, қатор мактублари ва таржимаи ҳолига оид маълумотлар аниқланди.

Шоиранинг асли исми Оймнисо бўлиб, у 1879 йили Қўқон якинидаги ҳозирги Ўзбекистон тумани, Оқмасжид қишлоғида яшовчи Мулло Иброҳимхўжа оиласида дунёга келган. Онаси Ойдиннисо ўз даврининг маърифатли, оқила аёлларидан бўлиб, мактабдорлик қилган.

Бошланғич таълимни ўз онасидан олган Оймнисо форс-тожик тилларини мукаммал эгаллаб, араб тили луғат бойликларини ҳам яхши ўзлаштиради. У Ҳожа Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор, Хожа Ҳофиз, Алишер Навоий, Фузулий, Сўфи Оллоёр, Мирзо Бедил, Машраб, Ҳувайдо, Амирий, Қорий, Муқимий, Фурқат, Хазиний каби ўнлаб шоир ва мутафаккирларнинг асарларини мутолаа қилиб, уларнинг фикр-ғояларини, ваъз-насиҳатларини ўқиб ўз маънавий оламини бойитиб боради.

Оймнисо ўқиган асарларидан руҳланиб ўзи ҳам 14-15 ёшларидан "Нисо" тахаллуси билан шеърлар машқ қила бошлайди. Кейинроқ эса, Алишер Навоий, Фузулий, Қорий, Муқимий, Пиримқори Андижоний, Хазиний сингари устоз шоирларга эргашиб, уларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлайди.

17 ёшида уни Нурсух қишлоғининг Намозгоҳ маҳалласида яшовчи Тоҳдорхўжа эшоннинг ўғли Абдусамадхўжа эшонга турмушга чиқаришади ва у Мухаммадхўжа, Абдуллахўжа исмли икки ўғил кўради. Бу ерда у ўз уйида мактаб очиб, қизлар ва балоғатга етмаган ўғил болаларни ўқита бошлайди.

1927 йили Оймнисо турмуш йўлдоши Абдусамадхўжа эшон ва кичик ўғли Абдуллахўжа эшон билан ўз ватанидан бош олиб кетишга мажбур бўлади. Улар кўп машаққатлар билан 1929 йили Арабистонга етиб бориб, аввал Мадинаи Мунаввароннинг "Исфара такяси"да, сўнг Тоиф, Табук каби шаҳарларида яшайдилар. 1932 йили Абдусамадхўжа эшон Тоифда вафот этади. Оймнисо оиласи билан Уммонга кўчиб кетади. У 1941 йилгача ватанида қолган катта ўғли Муҳаммадхўжа эшон билан, қариндошлари, ёру дўстлари билан хат орқали хабарлашиб турган.

Ватан фироқида, фарзанд ҳажрида муҳожирлик билан умр кечирган Оймнисо 1976 йили 97 ёшида вафот этган.

Фарзандига ёдгорлик сифатида қолдириб кетган мукаммал девони ўғлида 1974 йилгача сақланиб, вафотидан сўнг унинг ўғли – шоиранинг набираси Раҳматуллохўжага мерос бўлиб қолган ва ҳозиргача унда сақланмоқда.

Девоннинг саккиз ерида, жумладан, 224-б, 225-а бетларида унинг ҳижрий 1332 (мелодий 1914-15й) санада китобат қилинганлиги қайд этилган.

Ўзбек тилида битилган мазкур девон 149 та ғазал, 3 та маснавий, 20 та мураббаъ, 24 та мухаммас, 16 та мусаддас, 4 та достон каби жанрлардаги 6482 мисрадан иборат 216 та шеърни ўз ичига олиб, 242 варақ (484 саҳифани) ташкил этади. У шоиранинг ўз дастхати билан ёзилганлиги учун ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир.

Салимахон ЭШОНОВА,
Қўқондаги F.Ғулом номли вилоят Адабиёт музейи илмий ходимаси

ЎЛМАНГИЗ

Дўстлар дунё тилаб чун жустужуён ўлмангиз,
Бул нажас дунё учун хотирпаришон ўлмангиз!

Еб-ичиб мисли баҳойим, нафс раъйига кириб,
Бул асиру мубталою ош ила нон ўлмангиз.

Ушбу дунё зийнати бир жон берурга арзимас,
Эй яронлар, сиз сира мағрури даврон ўлмангиз.

Ғийбати ҳирсу ҳавода беҳуда умр ўткариб,
Тонгла ул рўзи жазо дўзахда сўзон ўлмангиз.

Қилмайин хайру саховат ушбу дунё мулкига,
Тил тушуб рўзи қиёмат тизга тафсон ўлмангиз.

"Мол қолди, мулк қолди" деб, яна хешу табор,
Ушбу дунёнинг ғамини еб, дили қон ўлмангиз.

Бу Нисойи беамалдек илмига этмай амал,
Тонгла ул рўзи жазода зору ҳайрон ўлмангиз.

БАҲРИ МУҲАББАТДА СУЗАЙ...

Ё раб, гунаҳлик бандаман, айла ўзингга ошно!
Бир осию шармандаман, айла ўзингга ошно!

Раҳмон, бир отингдур Раҳим, ҳолимга раҳм эт, ё Карим,
Икки жаҳонда раҳбарим, айла ўзингга ошно!

Бандангадурсан меҳрибон, ҳам ошкоро, ҳам ниҳон,
Эй подшоҳи ломакон, айла ўзингга ошно!

Ваҳдат шаробини ичур, жирму гунаҳларни кечур,
Ё Қодири ҳаййи Ғафур, айла ўзингга ошно!

Ишқингни кўнглумга солиб, фикру хаёлимни олиб,
Шавқ фўтасин белга солиб, айла ўзингга ошно!

Арзим эшит, ҳаййи Вадуд, кўнглимни дунёдин совут,
Имон чироғини ёрут, айла ўзингга ошно!

Нисойи

Кўнгулни дунёдин узай, баҳри муҳаббатда сузай,
Мажнун бўлуб чўлни кезай, айла ўзингга ошно!

Ушбу жаҳондур бир қафас, айшу нишоти бир нафас,
Дилдин чиқар ҳою ҳавас, айла ўзингга ошно!

Ҳирсу ҳавою кибрни дур айла мандин, ё Ғаний,
Ёд айлабон ҳар дам сани, айла ўзингга ошно!

Эй Қодири жаннатбарор, этгон бино лайлу наҳор,
Кўйингда айла зор-зор, айла ўзингга ошно!

Ул чаҳорёри Мустафо ҳурматлари, ё раббано,
Афв айлабон журму хато, айла ўзингга ошно!

Эй подшоҳи ломакон, шавқ ўтида ёндур ниҳон,
Шулдур муродим ду жаҳон, айла ўзингга ошно!

Осий Нисойи булҳавас ишқингни айлабдур ҳавас,
Ё раббано, фарёдрас, айла ўзингга ошно!

БИЛМАДИМ, НАЙЛАЙ...

Худоё, ўтти умрим барқи раҳшон, билмадим, найлай,
Чиқорин жон танимдан ман фаровон, билмадим, найлай.
Ки, бизга жон ато қилдинг, "Манго қилсун ибодат" деб,
Санго тоат қилурни бир шитобон, билмадим, найлай.
Бино айлаб, жаҳонда ризқимизни сан ато қилдинг,
Ичибон, мунда юрдим шоду хандон, билмадим, найлай.
Туганса бир куни умрим, кийиб енгу яқосиз тўн,
Ётар жойим лаҳаддур, тор гўристон, билмадим, найлай.
Адошиб тўғри йўлдин, эгри йўлга ман қадам қўйдим,
Тушуб бўйнимга мунда доми шайтон, билмадим, найлай.
Манингдек осию шарманда кулларга мадад айла,
Бўлурни тонгла ул дўзахда сўзон, билмадим, найлай.
Нисойи беамалдурман, гуноҳим беадад, ё раб,
Этарни санга бир тун оҳу афғон, билмадим, найлай.

"ФУСУЛИ АРБАА" — НОДИР ДУРДОНА

Моҳир сўз устаси Алишер Навоий фақат туркий тилдагина эмас, балки форс-тожик тилида ҳам самарали ижод этди. Шоирнинг туркий мероси қанчалик жозибадор бўлса, унинг форсийда яратган асарлари ҳам чуқур маъно ва юксак бадиияти билан эътиборлидир. У ўзининг туркий ва форсий тилларида яратган қимматбаҳо гавҳарлари билан иккала тил эгаларини ҳам маънавий озиқлантириб, иккала халқ адабиёти мумтоз адиблари қаторидан муносиб ўринга эга бўлишдек шарафга етишди.

Шоирнинг форсийда битилган, "ажойиб маънолар билан безалган", "Фусули арбаа" туркуми Алишер Навоий шеърий салоҳиятини яна бир поғона юксакка кўтаради. Тўрт қасидадан ташкил топган бу асар шоирнинг деярли ўрганилмаган дурдоналари сирасига киради. Профессор Ҳ.Сулаймон мазкур туркумни Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган қўлёзмасида олинган сурат асосида 1968 йилда "Навоийга армуғон" тўпламида араб ёзувида илк бора эълон қилди.

"Фусули арбаа" йил тўрт фаслининг хос хусусиятларини бадиий ифодаловчи қуйидаги қасидалардан таркиб топган:

1. Саратон (Ёз) – 71 байт.
2. Хазон (Куз) – 33 байт.
3. Баҳор (Кўклам) – 57 байт.
4. Дай (Қиш) – 70 байт.

"Саратон" қасидасининг кириш қисмида (1-22 байтлар) ёз фаслининг бенихоя иссиқлиги, борлиқ ҳароратдан бамисли оташгоҳга айланганлиги тасвирланади. Саратоннинг табиий хусусияти – ҳароратнинг ўта иссиқлиги натижасида борликдаги ҳамма нарса куйиб кул бўлмоқда. Қуёш ўта баланд ҳароратининг бутун маҳлуқот олами мўътадил ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши аён. Шоир ҳам бу тан олинган ҳақиқатдан хабардор. Худди шундай ҳолатни инсонлар тақдирида ҳам ҳис этиш мумкин. Меъёр бузилган нуқтада эзгуликка, инсоф ва диёнатга путур етади. Қуёш тафти кўтарилиши, инсонлараро муомала-муносабат мезонининг дарз кетиши адолатсизликдир. Қасида байтларида саратоннинг ҳаддан юқори ҳарорати адолатсизлик рамзи сифатида бадиий талқинини топади. Инсон қуёш аланғасидангина эмас, балки ноҳақлик ўтидан ҳам куйиб кул бўлиши мумкин. Бу дунёга умид билан келган киши саратон аланғасидан эмас, оҳу надоматдан, адолатсизлик ўтидан куйиб кетиши мумкин:

Он рафт, ки аз оташи ишқу дили маҳрур,
Кас нуқтасигол омада абнои замонро.

Куз фаслининг ажойиб ҳаётий лавҳалари "Хазон" қасидасида гавдаланади.

Маълумки, фаслий тақвимда бир йилда икки марта тенгкунлик-эътидол юз беради. Биринчиси кишдан чиқиб, баҳорнинг бошланиш пайти (21 ёки 22 март)га тўғри келади. Иккинчиси – ёзнинг охири кузнинг бошланиш пайти (23 сентябрь)да содир бўлади ва тенгкунликдан сўнг кунниинг қисқариши, туннинг узайиши кузатилади. Хазонда рўй берадиган кузги тенгкунликни улуғ шоир асарнинг матлаъидаёқ мажозий бўёқда киноя тасвирлайди:

Дигар шуд баҳри санжидан баробар адли давронро,
З-кофуру з-мушки рўзи шаб ду палла мизонро.

Хазондаги ўзгаришлар билан боғлиқ мушк билан кофурга нисбат берилган тун ва кун мезон (тарозу)нинг икки палласига ўхшатилган. Хазон келиши билан адолат тарозусида ҳам манзара ўзгарди. Кун (кофур) қисқариб, тун (мушк) узайди – ёруғлик енгил келиб, қоронғулик тарозу палласини босиб кетди. Фасл манзарасида шоир жамиятдаги ҳуқуқ тенгсизлигини жуда ҳаққоний ифодалаб берган. Худди шундай ажойиб тасвирларни кейинги қасидаларда ҳам учратиш мумкин.

Йилнинг ҳар бир мавсумига хос манзараларни бадиий ифода этувчи бу туркумни тўлалигича фаслнома дейиш тўғри бўлмайди, албатта. "Фусули арбаа" Алишер Навоий тафаккур қудрати, дилбар шеърий иқтидори, теран ижтимоий-фалсафий, мажозий-ирфоний маънолар қаймоғининг ўзгача бадиий зуҳури ҳамдир.

Туркумда фасллар билан боғлиқ ўзгаришлар инсоннинг ожиз мушоҳадаси доирасига сиғмайдиган самовий-илоҳий воқеа-ҳодисалар, жамият ва борлиқ муаммолари ўзининг ёркин ифодасини топган.

Гулчеҳра БОЛТАЕВА,
Бухоро Давлат университети аспиранти

АФЛОТУН ПАНДНОМАСИ

Эй Искандар, ҳушёр бўл, ғафлат йўлига кирма,
Доно, донишмандларсиз бироита мажлис қурма.

Ибрат кўзи билан боқ дунёнинг ишларига,
Керагидан зиёда еб-ичишга эрк берма.

Қийин пайт ғамгин бўлма, ишни шошилмай бажар,
Жаҳл қилиб охири пушаймон бўлиб юрма.

Жангда ғалаба қилиб, зафар қучайин десанг,
Кўпчиликнинг гапидан ўзингни четга бурма.

АРАСТУ ПАНДНОМАСИ

Эй Искандар, кўп ўқи, билимингни зиёд қил,
Ёмонлик қилишдан қоч, мамлакатни обод қил.

Ҳасадчини йўлатма, гина қилма ҳеч кимдан,
Яхшилик қилиб яша, ночор кўнглини шод қил.

Доно, ақллилардан маслаҳат сўра доим,
Ширин сўз билан душман ниятини барбод қил.

Мақтовларга ҳеч учма, қўли очиқ, сахий бўл,
Қўрқмасдан жанг қилганга садоқатни мурод қил.



БУҚРОТ ПАНДНОМАСИ

Эй Искандар, дўстларинг бўлсин ақлли инсон,
Эгри йўлга бошлайди суҳбатдош бўлса нодон.

Саломат бўлай десанг, овқатлан ўз вақтида,
Ҳирсга қалбдан жой берма, бўлсин десанг бош омон.

Меҳрибонлик, лутфни шиор қилгин ўзингга,
Номинг улуғ бўлади, ҳеч ким демайди ёмон.

Сирни айтма, оз гапир, барча ишда шошилма,
Мулойим бўлсанг агар, сеникидир шуҳрат-шон.

Тўра ЖУМАН



БИР КУЙ КУЧИ

(Воқеий ҳикоя)

Радиодан "Чўли Ироқ" янгради. Дастурхон бошида неварасининг елкасига қоқиб, тебраниб ўтирган Норбуви хола беихтиёр куй таъсирида чуқур ўйга толди. "Эргаш акани эслаяпти", хаёлимдан ўтказдим. Найчи Эргаш ака айниқса мана шу мумтоз куйни юракдан берилиб чалар эди.

Куйнинг ҳар бир ноласи хола учун қадрдон. У куй оҳангларига мос тебранади, олдига олиб ўтирган неварасининг елкасига қоқиб секин чайқалади. Унинг нигоҳлари бир нуқтага қадалган, менинг назаримда хола Эргаш ака билан ўтказган дамларини эслаётгандек эди.

...Қодир махсумнинг ўғли Эргаш урушдан қайтиб келаётган эмиш, деган овоза жангчи ҳали қишлоққа қадам қўймасиданоқ ҳар ёққа тарқалди. Қишлоқдан урушга кетган йигитлар ичида биринчи бўлиб қайтиб келаётгани ҳам Эргаш эди-да. Қодир махсумнинг уйига қариндош-уруғ, ёру дўстлар, ҳамқишлоқлари тўпланиб интизорлик билан Эргашни кутишаяпти. Қирқ кунлик келинчаклигида чимилдиғи ҳам олинмай Эргашдан айрилган Норбувининг бу хабардан қувончи ичига сиғмас, ўзини қаерга қўйишни билмасди. Ҳеч кимга айтмаса-да "Қани, тезроқ кела қолса", дея Норбувининг сабри чидамас, эрига пешвоз чиққани қирлар оша чопқиллаб кетгиси келар, лекин одамлар олдида одоб сақлаб турарди.

Ниҳоят, узоқдан кеча стансага ғалла ортиб кетган арава кўринди. Норбувининг назарида у жуда секин юраётгандек эди. Арава имиллаб, улар дарвозаси ёнига келиб тўхтади. Аравадан енгил сакраб тушган рус аёли Эргашнинг тушишига ёрдамлашмоқчи бўлган кишиларга "Осторожно, осторожно, он слепой" дер эди. Норбуви бу сўзларнинг маъносига тушунмаса-да, Эргашни кўриб анграйиб қолди. Айниқса, куёвининг кўзойнак тақиб олганига ажабланарди. Эргаш қўлларини олдинга чўзганча уй томонга эмас, тескари томонга пайпаслаб юра бошлади. Шунда Қодир махсум унинг қўлидан тутиб уйи томонга етаклади. Урушга соппасоғ кетган йигит иккала кўзидан ҳам ажралиб қайтганди. Бу урушнинг эндигина не-не умидларда тузилган ёш оилага жирканч совғаси эди.

Бундан бир неча дақиқа олдин юраги ўйноқлаб, шодлиги ичига сиғмаган Норбувининг ичига муз тушди, ўзини йўқотиб ҳангу манг бўлиб қолди. Эргаш билан ҳамма қариндошлар, ҳамқишлоқлар навбатма-навбат қучоқ очиб кўришди. Қодир махсум Эргашга у билан кўришаётганларнинг номларини бирма-бир айтиб турарди. Ниҳоят, ичкари уй остонасида бу манзараларнинг ҳаммасини кузатиб турган Норбувига гал келди, кўпни кўрган Қодир махсум Норбувига "кел" дегандек ишора қилди. Норбувининг оёқ-қўллари гўё жонсиздек шалвираб қолган, ҳаракат қилишга ожиздек эди, уни Эргашга танитиб қўйишди. Норбуви гапиролмас, унсиз йиғларди. Бу кўз ёшлар ҳам севинч, ҳам номинг ўчгур урушдан норози кўз ёшлари эди Қодир махсум уни юпатган бўлди:

– Хафа бўлма, тақдирда бор экканда, – Махсум шундай деди-ю, лекин ўзи ҳам ички титроғини яширолмасди...

Эргашнинг қўлига урушга кетаётганда ўзи тишлаган нонни тутқазиб тавоб қилдиришди, уй ёнига қоқиб кетган қозиғини суғиртиришди. Бу урф-одатлар ота-боболаримиздан қолган.


Эргашнинг келиши қишлоқда тўйга айланиб кетди, қишлоқдошлар Эргаш мисолида ўзларининг урушга кетган жигарбандларини кўришарди, шунинг учун улар Эргашни галма-галдан уйига меҳмонга чақиришар, бундай ўтириш, гурунглар гоҳида тонгга қадар чўзилиб кетарди. Эргаш уларга кўпроқ ўзи қатнашган Сталинград жанги, фронтда юз берган воқеалардан сўзлар, урушга кетганларнинг ота-оналарига фарзандларининг эсон-омон қайтишини худодан тилаб, кўнглини кўтарарди. Бундай ўтиришларда кўпинча ҳамқишлоқлари ундан найда бирон-бир куй чалиб беришни илтимос қилишарди. Эргаш уларнинг илтимосини ҳеч қачон қайтармас, қўлига найини олиб секин пуфлар, одамни сел қилувчи куйлар бирин-кетин бир-бирига уланиб кетарди. У айниқса "Чўли Ироқ"ни берилиб чалар, чалганида албатта сўқир кўзларидан ёшлар сизилиб дийдасига оқарди.

У тезда машшоқ ва хонанда сифатида қишлоқда танилиб кетди. Эргаш аканинг ҳаёти Норбуви билан мазмунли кечарди, улар икки ўғил кўришди. Бора-бора Эргаш ака найда куй чалинганидан кейин қон туфлайдиган, аҳволи оғирлашадиган бўлиб қолди. Уруш жароҳатларининг асоратлари уни ҳаётдан эрта олиб кетди. Норбуви йигирма олти ёшида бева қолди, бошқа турмуш қурмади. Қайнотаси кўмагида ўғилларини одамлар сафига қўшди, бирини дўхтир, иккинчисини ўқитувчи қилиб тарбиялади.

– Қани энди, бугунги ҳаётимизни у бир кўрса... – хаёлидан ўтказади хола.

Радиодан таралаётган куйнинг тиниб қолганига анча бўлди, лекин у ҳамон хаёл оғушида эди. Тиззасидаги невараси хархаша қилганидан кейингина ўзига келди. Неварасини бағрига босар экан "Бобосига ўхшайди, илоё, умри ўхшамасин" дея пешонасидан ўпиб қўйди.

Нормўмин ОЧИЛ



Ёднома

НОМИР ИНСОН ЭДИ...

Ҳамза номли Қўқон Давлат мусиқали драма театри санъат мухлислари билан гавжум. Улар яна бир янги саҳна асарини завқ-шавқ ила томоша қилишяпти. Фикру-ўйлари ўз образларини юксак маҳорат билан ижро этаётган артистларга қаратилган. Саҳнада бундан 1200 йил илгариги ҳаёт, буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний ва унинг замондошлари ўша давр руҳида гоят ишонарли тарзда намоён бўлишмоқда.

Янги саҳна асари томошабинлар ва ҳайъат аъзолари томонидан яхши кутиб олинди. Муаллиф шаънига, актёрларнинг юксак ижрочилик маҳоратларига илиқ гаплар айтилди. Бу "Башар алломаси" спектакли намойишидан кейинги ўзаро баҳслар, истаклар ва тилаклар эди. Буюк ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний ва унинг замондошлари ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур асарнинг муаллифи машҳур тадбиркор ва изланувчан драматург Нурилло ҳожи Абдуллаев эди. Унга саҳналаштирилган учинчи драмасига санъат мухлислари томонидан берилган юксак баҳони кўриш ва эшитиш, афсуски, насиб этмади.

Ҳа, комил ва беғубор инсон бўлган Н.Абдуллаев орамиздан эрта кетди.

Ҳўқанди латифда эл ўғлони сифатида танилган Нурилло ҳожи Абдуллаевнинг барҳаёт сиймолари ҳамон кўз ўнгимиздан кетмайди. Уни эслаб хотирлаб қўямиз. Ҳожи аканинг хайрли ва саховатли ишларидан ташқари уч драмаси, уч китоби ва мулкдорликнинг асл намойиши бўлган кўплаб кўркам бинолари ҳамда "Роҳат-Н" фирмаси эсдалик бўлиб қолди.

Нуриллохон косиб оиласида дунёга келди. У бир умр мадраса тупроғини ялаган отаси мулла Абдуллахоннинг дуоларини олиб камол топди. Аввалига диний илмлардан баҳраманд бўлди. Кейинчалик бундай савобни ҳунармандчилик ишларини ўрганиш билан қўшиб олиб борди. Чунки рўзғор ташвиши 11 ёшидаёқ дуогўй отасидан айрилган Нуриллохоннинг зиммасига тушган эди.

Тиришқоқ Нуриллохон ҳалол меҳнати ва чаққон ҳаракатлари билан сувоқчи, бўёқчи ва дурадгор усталарнинг ҳурматини қозонди, эгалланган ҳунарлари ила устозларини доимо хушнуд этди. Ўспиринлик чоғидаёқ хайрли ишларга қўл урган Н.Абдуллаев савдогарлик ҳунарининг "этаги"ни тутишга азму қарор қилди. Ана шу орзусини рўёбга чиқариш мақсадида Тошкент савдо техникумида таҳсил кўрди. Савдогарлар расстасида халққа дилдан хизмат қилган Нуриллохон устозларидан маҳсулот сотиш санъати билан бирга харидорга уларни қандай тақдим этиш ҳамда эл билан муомала қилиш маданиятини ҳам обдон ўрганди. Шунинг учун ҳам меҳнат фаолиятини оддий сотувчига шогирдликдан бошлаган Н.Абдуллаев тез орада дўкон мудири, сахий мулкдор, саховатпеша фирма раҳбари ва эл назари тушган тадбиркор даражасига кўтарилди, ҳурмат-эътибор топди. Бунга осонликча эришмади, албатта. Нурли ва машаққатли бу йўлларни босиб ўтиш жараёнларида ўзи кутган ва кутмаган кўплаб синовларга бардош берди. Элга нафи тегадиган яхши ишларини бошқаларга савоб йўлида ўргатиб, сафдош дўстлари ва шогирдларини янада кўпайтирди. Билмаганларини эса улардан сўраб ўрганишдан ҳам асло ор қилмади.

Бундай изланиш ва интилишлар ўз маҳсулини кўрсатди. Нуриллохон Абдуллаев ва у раҳбарлигидаги "Роҳат-Н" дўкони ҳамда фирмаси эл орасида катта шуҳрат қозонди. Довруғи водий бўйлаб ёйилди. Тадбиркор раҳбарнинг шахсий ташаббуси билан мазкур дўкон олдида тонги бозор (бозори субҳ), кечки бозор (бозори шабъ), тез-тез нархи тушириладиган "бозори нимсавдо" халқ сайилини эслатувчи "бозори шодиёна" каби янгича савдолар йўлга қўйилди. Бу билан халқимизнинг унутилаёзган қадимий удумлари аста-секин қайта тиклана бошланди. Шунинг учун ҳам маҳсулотларга бой савдо расталари доимо харидорлар билан гавжум бўлди. Узоқ ва яқинда яшовчилар ҳам юмушларини битириш учун сотувчиларининг бағрилари кенг ва хушмуомалада бўлган "Роҳат-Н" дўконига ошиқадиган бўлишди.

Ишбилармон савдогар "Нуриллохон ҳожи", "Ҳожи ака" номи билан элга танилган бўлса, унинг дўкони ва фирмаси "Ҳожи аканинг магазини", "Ҳожи аканинг фирмаси" номи билан шуҳрат қозонди. Лекин бундай ҳурмат-эътибор, иззат-икромлардан Нуриллохон ака ва унинг ишчан жамоаси кеккайиб кетмади, аксинча улар ҳаммага аввалгидек савдо қилишди, бирдек муомалада бўлишди.

Республикада хизмат кўрсатган савдо ходими Нурилло ҳожи Абдуллаев тадбиркорлик ва ишбилармонлик борасида ўзидан ўчмас из қолдириш учун ижодий изланишга киришди. Натижада унинг қаламига мансуб "Савдогарнинг 101 сири" номли ихчамгина ри-

соласи яратилди. Кўп нусхада чоп этилган бу китобча эса ёшлар учун бугунги бозор иқтисодиёти йўналишларида савдо илмини ўрганиш борасида муҳим қўлланмага айланди.

Истиқлолга эришиш арафасида "Исфара гузари" маҳалла аҳли Н.Абдуллаевга юксак ишонч билдириб, уни ўзларига раис этиб сайлашди. Тиниб-тинчимас тадбиркорнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бу гўша ҳам тез орада "Роҳат-Н" дўконидек доврукли маҳаллага айланди.

Бугунги кунда республикамиз аҳлининг сўз мулкига айланган "Маҳалладан бошланар Ватан", "Маҳалла оқсоқоли" каби ажойиб, дилтортар иборалар дастлаб Нуриллохон ака раҳбарлигидаги маҳалладан бошланганлигини қўконликлар яхши хотирлашади. Ҳатто қўқонча бундай сўзлар Ўзбекистон бўйлаб тезда ёйилганлигидан Хўқанди латиф аҳли ҳозир ҳам ҳақли равишда фахрланиб қўйишади. Бу борада тўпланган ибратли тажрибаларини оқ қоғозга тушириб ўз вақтида алоҳида рисола битган ва уни "Маҳалладан бошланар Ватан" номи билан китобхонлар ҳукмига ҳавола этганлигини ҳам Нуриллохон акадан эсдалик бўлиб қолган.

Маҳаллада ҳамжиҳатликни таъминлаш ва тўй-маъракаларни расамадли ўтказиш борасида тадбиркорлик билан иш юритиш учун оқсоқол ташаббуси билан ибратли тадбир амалга оширилди. Мавжуд ўн икки кўчанинг ҳар бирига етакчилар – алоҳида-алоҳида элликбошилар таъминланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга хайр-эҳсонлар улашиш йўлга қўйилди. Унутилаёзган "хомталаш" удумини қайта тиклаш орқали кам таъминланган, энг муҳтож ва ночор оилаларга ошлиқ, кийим-кечак ҳамда ҳайитлик тарқатиш анъанага айлантирилди.

Обод ва озод "Исфара гузари"да 12 та кўча бўлиб, улар йилнинг бир ойида бир маротабадан меҳр-муҳаббат ойлиги ўтказишни анъанага айлантиришган. Ҳар бир кўча аҳли ўзларига бириктирилган ойларда қалб амри билан саховат ишларига қўл уришади.

Маҳалла хонадонлар негизида таркиб топади. Уларда озодагарчиликка бўлган эътиборни янада кучайтириш ҳамда кўчаларнинг доимо покизалигини таъминлаш учун Нуриллохон ҳожи ташаббуси билан оилавий "Келинлар кўриги"ни ўтказиш жорий этилди. Қайси хонадон келини ўз ҳудудида покизаликда устунлигини намойиш этса, унга маҳалла йиғилишининг махсус совғаси – бошдан-оёқ сарпо тақдим этиладиган бўлди.

Ота-боболаримиз удумларини давом эттираётган маҳалла аҳли тўйу маъракаларни ихчамлаштириш билан бирга ўз фарзандларига ҳунар илмини ўргатишга ҳам катта эътибор беришни анъанага айлантиришган, қиз болалар кўшни хонадонларда фаолият кўрсатаётган ҳунармандчилик мактабларида чевар ва зардўзларга шогирд тушишяпти. Ўғил болалар эса эл ҳурмат-эътиборини қозонган усталардан танлаган ҳунарларини ўрганишаётир. Улар талабчан ва меҳрибон мураббийларидан ҳунар билан бирга одобу ахлоқ, илму маърифатни ўрганишмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур маҳаллада кўни-кўшничилик устоз ва шогирд ҳамкорлиги билан кўшиб олиб борилаяпти. Бу эса яхши самаралар бераяпти, билимли ва одобли, диёнатли ва инсофли ёш ҳунармандлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Мустақил Ўзбекистонимизда фаолият кўрсатаётган 12 минг 720 маҳалла ўртасида илк бор ўтказилган республика кўрик-танловида "Исфара гузари" маҳалласи ғолиб топилиб, "Энг намунали маҳалла" номига сазовор бўлганлиги ҳам янгиликка дадил интилувчан Нурилло ҳожи Абдуллаевнинг саъй-ҳаракатлари самарасидир. У "Республиканинг энг намунали маҳалла оқсоқоли" унвони соҳиби бўлишдек шарафга мустақил Ўзбекистонимизда биринчилардан бўлиб эришганлиги ҳам ҳожи аканинг ташкилотчилигига берилган юксак баҳодир.

Тиним билмас Нуриллохон ака кўплаб мамлакатларга қилган саёҳатлари давомида "илм сандиғи"ни бойитиб борарди. Қўлидан ён дафтарчасию ижодкорлик қалами тушмасди. Унинг сафар таассуротлари ҳамда ахлоқ-одобга оид кўплаб публицистик мақолалари деярли барча матбуот саҳифаларида ёритиб бориларди. Аҳли мусулмонларнинг муқаддас бешинчи фарзини – муборак ҳаж сафарини ўтаганидан кейин катта таассуротлар билан она шаҳрига қайтган Н.Абдуллаев янгича илҳом ила ижодий ишга киришди. Ана шундай изланишлар натижасида китоб битди. Уни "Муборак ҳаж сафари" номи билан 100 минг нусхада чоп эттирди. Ўзига хос услубда ёзилган бу ажойиб асари учун Н.Абдуллаев Халқаро Аҳмад Яссавий номли мукофот совриндори бўлди.

Америка ва Ҳиндистон сафарларида юзага келган фикрлари туфайли "Муҳаббат қасри" драмаси саҳна юзини кўрди.

Нуриллохон ҳожида бугунги ёш авлодни мозийдан дарак берувчи ўтмиш воқеалари билан атрофлича таништириш истаги туғилди. Унинг қаламига мансуб "Кўқоннинг ўн иккинчи дарвозаси" ҳамда "Башар алломаси" номли саҳна асарлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинганлиги ҳам ана шундай изланишлар маҳсулидир.

Санъат шайдоси бўлган Нуриллохон ҳожи фирма қошида "Олтин жўжа" кўғирчоқ театрини ташкил этди. Унинг бепул томошаларидан бегубор болалар шод бўлганида тадбиркор раҳбар ҳам бир олам қувонарди. Ўз навбатида бундай хурсандчиликлар Нуриллохон ҳожи ижодига илҳом бағишлар, катта муваффақиятларга эришишга далда бўларди.

Ижодий изланишлари Н.Абдуллаевга тадбиркорлигидек катта обрў келтирарди. Ўзбекистон Ёзувчилар ва Театр арбоблари уюшмаларининг аъзолигига қабул қилинганлиги, кўплаб нашрлар таҳририятлари сафига киритилганлиги, нуфузли ташкилотлар ва хайрия жамғармалари раёсатлари аъзолигига сайланганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Республика Вазирлар Маҳкамасида тадбиркорлар билан бўлган учрашувда Нуриллохон ҳожи Абдуллаев ҳатто юртбошимиз И.Каримовнинг назарига тушади. Унинг доно фикрини эшитган Президент Ҳожи акани "Ҳар қайси давлат ўзини намойиш эта олиши учун Сизга ўхшаган тадбиркор савдо ходимлари керак!" дея баҳолайди. Нуриллохон ҳожи Абдуллаев юртбошимизнинг ана шундай эътиборга сазовор бўлганлигини "занғори экран" орқали кўрган кўплаб ватандошларимиз ҳозир ҳам фахр билан хотирлаб қўйишади.

Жаҳон бўйлаб довруғ қозонган Хўқанди латифда фаолият кўрсатаётган "Дийдор" жамияти ҳам Нуриллохон аканинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги ила тузилганди. У дунёнинг барча ерларига тарқаб кетган ватандошларимизнинг қариндош-уруғларини бир-бирлари билан яқинлаштириш, узилган ришталарни қайта тиклаш, дўстлик алоқаларини ўрнатиш борасида ғоят кўп ва хўп савобли ишларни амалга ошираётган эди. Шунинг учун ҳам унинг номини ва "Дийдор" жамиятини деярли барча мамлакатларда яхши билишади, эъзозлашади, боришганида эса ватандошларимизнинг ҳурматларини жойига қўйишади.

– "Юрсанг из қолдир", "Саховат қалб амридир" дердилар доно ҳожи акангиз, – дейди Н.Абдуллаевнинг рафиқалари, ҳожи она Азизахон опа умр йўлдошининг панду насиҳатларини хотирлаб.

Ноёб истеъдод соҳиби бўлган Нуриллохон ҳожи олим билан илм тилида, ҳунарманд билан ҳунар, шоир билан назм, носир билан наср, санъаткор билан нафосат, тадбиркор билан тижорат тилида гаплашишни хуш кўрарди. Ана шундай хислатлари билан ҳамманинг дилтортар суҳбатдошига айланганди. Ҳожи ака ахлоқу одоблари ва доно маслаҳатлари билан ҳаммани ўзларига ром этарди.

Афсуски, бевақт ўлим Нуриллохон ҳожини ҳам ўз қаърига олди. У катта ишларга қўл уриб қўйган, янги режаларини амалга оширишга киришган эди.

Ҳожи акани ҳар сафар эслаб, хотирлаб кўяр эканман, беихтиёр унинг бевақт ўлимидан ғоят таъсирланган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ушбу сатрлари ёдимга тушади:

Нури Оллоҳ бўлди азиз отингиз,
Зиё таратдингиз бор ҳаётингиз.
Элга Сиздан қолди хуш сўз, хуш амал,
Холиқ мақбул этсин ҳасанотингиз.

Курбоной СУЛТОНОВА,
Ўзбекистон
Журналистлар уюшмаси аъзоси

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ — МУСТАҚИЛЛИК ЖАРЧИСИ

Жалолиддин Мангуберди фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ Марказий Осиё ва Хуросон сарҳадларида мўғул босқинчиларига қарши озодлик курашига етакчилик қилган миллий қаҳрамонимиздир. Унинг жасорати бугунги кунда мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонда яшовчи кишиларнинг миллатидан қатъи назар, халқнинг ғурурини оширади, унинг қадрини кўтаради.

Мирзо Улуғбек "Тўрт улус тарихи" асарида тарихчи Ҳамдуллоҳ Муставфийнинг "Тарихи гузида" ("Ўтмиш тарихи") асари асосида Муҳаммад Хоразмшоҳнинг етти ўғлидан бири Султон Жалолиддин Мангубердининг ижтимоий-сиёсий фаолияти тўғрисида фикр-мулоҳазаларини баён этади. Бу ерда, асосан, Туркистон, Афғонистон ва Эрон халқларининг Жалолиддин Мангуберди туғи остида 1221-1231 йиллари мўғул истилочиларига қарши миллий-озодлик кураши ўз аксини топади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлигича, 1221 йилнинг баҳорида мўғуллар Хуросоннинг қадимги иқтисодий-сиёсий ва маданият марказларидан бири Балх шаҳрини ишғол қилиб, уни вайронага айлантирадилар. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг одамларига бошпана берганликлари учун Чингизхон Балх шаҳри аҳолисини жазолаганлигини Мирзо Улуғбек қуйидагича ёзади: "Султон Жалолиддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳаёт бўлиб, исён қилиб юргани сабабли, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам қайсарлик отини ўжарлик майдони сари сурди. Уларнинг таслим бўлганликларига эътимод (ишонч-Н.У.) қилмади. Ажал уларга домангир бўлганидан эл бўлишга дастгирлик қилмади". Натижада Чингизхон амри билан Балхоб дарёсига қурилган Банди Амир тўғонини бузиб, Балх ва унинг туманлари олти ой мобайнида сув остида қолиб кетган.

Мирзо Улуғбек "Тўрт улус тарихи" китобида Султон Жалолиддин кўрсатган жасоратларга тан бериб бундай ёзади:

"Чингизхон ўз лашкари билан Хоразмшоҳ валиаҳди (Жалолиддин) қасдига тушди. У қаттиқ шошилганидан икки манзилни бир қиларди, чунончи таом ҳам ея олмасдилар.

Султон Жалолиддин ўзини сув ва олов ўртасида кўрди, чунончи, бир тарафида кескир қилич (мўғуллар), олов сочарди, бошқа тарафида эса, қонхўр дарё турарди. Ҳеч бир томондан чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди. Ноилож, жангга киришди. Баҳодирлик отини кураш майдонига солиб, тотор (мўғул) кофирлардан кўпини ҳалокат тупроғига қорди ва ҳеч бир қулфатсиз жанг қилдики, агар Рустами Достон тирик бўлганида, унга бўлган муҳаббат ёпиғини елкасига солган бўларди. Агар кумуштан Исфандиёр бу жангни мушоҳада қилганида, у (Жалолиддин)нинг хизматида қуллик лавозимини жону дил билан қабул қилган бўларди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг лашкари Султон Жалолиддин лашкарининг ўнг қанотига ҳамла қилдилар ва жойларидан қўзғатиб, пароканда айладилар. Султон Жалолиддин лашкарининг қалбида етти юзта мард (жангчи) билан бирга мардоналик оёғини ерга маҳкам қўйиб, тонгдан то туш пайтигача қаршилик кўрсатиб, уларни (мўғулларни) чапдан ўнгга, ўнгдан чапга қувди ва ҳар ҳамлада қанчалаб кишини қулатди.

(Назм мазмуни:) Султон Жалолиддин қайси томонга от чоптирмасин, тупроқни қонга бўяр эди. Агар бу жангни Золнинг ўғли (Рустам Достон) кўрса эди, у Султон Жалолиднг қўлини ўпар эди.

Чингизхон лашкари беҳисоб эди, улар соатма-соат кўпайишиб боришарди ва гоҳ-гоҳ кураш майдонини Султон Жалолиддин учун танг қилар эдилар. Мўғуллар Султон Жалолиддинни қўлга туширай деб қолганларидан кейин, опаси Хон Султоннинг ўғли Малик ёрдамга келиб, уни орқага олиб чиқди. Улуғбек ёзишича, "Султон юраги гирён, кўзлари нигорон бўлиб, болалари ва уруғлари билан минг дарду фироғ ила видолашиб, қора тўриқ отига миниб, мўғулларнинг беҳисоб лашкарига яна ҳамла қилди. Уларни орқага суриб ташлаб, сўнг (отининг) жиловини орқага тортди. Совутини елкадан ташлаб, чатрини (чодирини) қўлга олди ва Синд дарёси қирғоғидан ўзини сувга отди."

XII асрда Хоразмда ҳам тасаввуф илмининг кенг ёйила бориши Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатларига кенг тарқалган Кубровия оқими билан боғлиқ. Тасаввуфий ғоялар инсон тафаккури учун кенг йўл очадиган руҳ ва қалбнинг тозалиги, фикр-тафаккур кўламининг ривожланиши, ўз-ўзини англаши учун руҳан яқин бўлган алломаларимизнинг маънавий меросини ўрганиш, комил инсонни тарбиялаш ҳамда уларни диний ва дунёвий фанларнинг манбалари билан қуроллантиришимизга жуда катта имкониятлар беради.

Жумладан, Мирзо Улуғбекнинг тасаввуф аҳлларига бўлган муносабати унинг Нажмиддин Кубронинг мўғул босқинчиларига қарши олиб борган мардона курашини баён этиш билан бирга шайх тариқатининг ғоялари билан маълум даражада таниш бўлганлигини кўрсатади.

Жалолиддин Мангуберди яшаган давр мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввиф, кубровия тариқатининг йирик намояндаси Нажмиддин Кубро замонига тўғри келиб, ул зот ва шогирдлари мамлакат миқёсида катта нуфузга эга бўлганлар. Жумладан, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳовуддин Валад Балх шаҳрининг уч юзга яқин файласуф олимлари билан баҳс юргизган ва уларни юнон фалса-

фаси билан ортиқча шуғулланишда айбланган эди. Чунки, ўша даврда Марказий ҳамда Кичик Осиё маънавий турмуш тарзини ифодаловчи ислом фалсафаси – тасаввуф таълимоти ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан юксак чўққига кўтарилган эди. Бу таълимотга биноан инсон Аллоҳ висолига етиш йўлида поклик, тўғрилик, ҳалол меҳнат билан кун кечирадиган ҳар томонлама комил инсон бўлиши керак эди. Шайх Нажмиддин Куброни тарихда буюк аллома сифатида эмас, балки ўз ватанининг, миллатининг озодлиги учун мислсиз мардлик намуналарини кўрсатган миллий қаҳрамон сифатида Улуғбек қуйидагича таърифлайди: "Муршиди аъзам Шайх Нажмиддин Кубро худо амри билан Хоразм учун бошини тикди. Бошини топширишда қотил яловига ёпишди. Дини Ҳақ иқлимининг шоҳи. У пир сарпанжасидан ўн забардаст йигит ялов (байрок)ни чиқариб ола олмадилар. Сайидлар шайхи сарпанжасида кофир яловини кўриб ҳайратда қолган оқиллар бу ҳолни шарҳладилар: Ялов учини Шайх тутиб, тарих айтадики, вафотим санаси "шоҳи шуҳадо" ("шаҳидлар шоҳи")дир.

Хоразм забт этилгач, Чингизхон Эронда Жалолиддинни таъқиб этишни буюради, лекин бу ватанпарвар улар билан бўлган жангларда ғолиб чиқиб, уларга қарши ҳужум уюштирар ва уларни Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда тор-мор қилган эди. Лекин Жалолиддин Мангуберди қўшинида саркардалар ўлжа талашиб, охир оқибатда айримлари уни ташлаб кетди. Ана шу даврда Чингизхоннинг ўзи Жалолиддинни таъқиб этишга қарор қилди. Султон Жалолиддин Ҳиндистон ва Кавказорти сарҳадларида ҳам мўғулларга қарши курашни ташкил этади ва 1231 йили Қурдистон тоғларида ҳалок бўлади. Бу воқеани Мирзо Улуғбек қуйидагича изоҳлайди: "Айтишларича, бир гуруҳ одамлар от ва (султон) хилъати (тўни) тамаъида чарна (найза) захми билан султонни ҳалок қилганлар. Бошқа бир гуруҳнинг ривоят қилишича, тасаввуф аҳлининг либосини кийиб саёҳатни ихтиёр қилган ва сулук йўли бўйича нажот йўлини топган."

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Мирзо Улуғбек тарихий манбалар асосида миллий-озодлик, мустақиллик учун жонини фидо қилган буюк сиймоларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятларини баҳолаш билан биргаликда, ўша даврда мавжуд бўлган диний ва дунёвий таълимотлар, жумладан, тасаввуф таълимоти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Неъмат УБАЙДОВ,
Алишер Навоий номидаги СамДУ фалсафа кафедраси доценти

ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИ

Халқимизнинг бебаҳо тасвирий ва меъморий меросини ўрганиш ҳамда ёш авлодга ўргатишда ўқитувчи, тарбиячи ва мураббийларнинг ўрни беқиёсдир.

Халқимизнинг тасвирий ва амалий безак санъати турли образлар ва ифода жабҳаларида тараққий этиб келди. Бу санъат турларининг Марказий Осиёдаги ёдгорликлари ўзининг муштарак жиҳатлари ва хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунга қарамай уларни ўрганиш ва тадқиқ этиш, асосан, қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда: меъморий обидаларнинг безак манзаралари ўрганилмоқда; обидаларнинг яратилиш тарихи, хусусиятлари тадқиқ этилмоқда; меъморий санъат безаги намуналарининг мазмуни кашф этилмоқда.

Ҳар бир халқнинг тасвирий ва амалий санъати ўзига хос услуби, мазмуни, йўналишлари билан ажралиб туради. Уларни ўрганишда ва халқ оммасининг маънавий-маърифий мулкига айлантиришда археологлар, тарихчилар, этнографлар, санъатшунослар, меъморлар, рассомлар ва педагоглар диққатга сазовор тажрибаларни тўплаб қўйдилар. Бироқ тасвирий ва халқ амалий санъати бўйича педагог кадрлар тайёрлаш масаласи кўнгилдагидай эмас.


Аслини олганда халқимиз орасида кенг тарқалган ва оммалашиб кетган санъат турларини сақлаб қолиш, келажак авлодларга мерос тарзида қолдириш учун педагог-мураббийлар жуда зарур. Ўзи санъаткор бўлиб, ўз санъатини ва халқ бадиий ижодиётини ёшларга ўргатадиган ўқитувчилар жуда катта маънавий-маърифий вазифани бажаради.

Республикамизда тасвирий ва амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг мукаммал тизими ишлаб чиқилмаганлиги сабабли ижобий ва амалий фаолиятда қатор муаммолар пайдо бўлмоқда:

– тасвирий ва амалий санъат таълимини ўқитишда ҳозирги давр талабларига анъанавий таълим тизими тўла-тўкис жавоб бермай қолди;

– иқтисодий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда рўй бераётган кескин ўзгаришлар анъанавий таълим тизимидаги аниқ мақсадсиз кадрлар тайёрлаш жараёнига тўғри келмайди;

– ҳозирги замон тасвирий ва амалий санъат, чизмачилик таълимини ўқитишнинг ўзига хослиги ўқитувчилар тайёрлайдиган олий педагогик таълим босқичининг шу хил мазмундаги педагоглар



тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартиришни тақозо этади;

– тасвирий ва амалий санъат, чизмачилик машғулотларини ўзига хос илмий-методик, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш давр тақозосидир;

– олий педагогик таълим тизимида юқори малакали тасвирий ва амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш умумтаълим мактабларидаги таълим-тарбия жараёни, эҳтиёжи билан номутаносиб ҳолда давом этмоқда;

– болаларнинг ушбу йўналишдаги таълим босқичини ўтгач, келгуси босқичларда ўқиш, ўрганишни давом эттиришга бўлган қизиқишлари билан, шу босқичлардаги ўқувчилар миқдорини таъминлайдиган танлов тизими ўртасида номутаносибликлар мавжуддир.

Тасвирий ва амалий санъат, чизмачилик таълими ўқитувчилардан ўзига хос ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишни талаб этади. Тасвирий ва амалий санъат машғулотлари, аввало, болаларнинг руҳий, ижодий, шахсий қобилиятларининг, иқтидорининг намоён бўлишини, болаларнинг мустақилликка, фаолликка, маҳсулдор фаолиятга интилишларини таъминлашни кўзда тутади. Бу ҳолни чуқур ҳис қилган, юқори даражада касбий маҳоратга эга бўлган ўқитувчигина ўқув-тарбиявий машғулотларнинг тўлақонли бўлишини таъминлайди. Юксак маҳоратга эга бўлган, янги, замонавий ўқитиш услубий мажмуалари билан қуролланган, янги педагогик тажрибаларни ўзлаштирган ўқитувчи-мутахассисгина турли шахсий ва касбий фазилатларга эга бўлган ҳозирги замон кишисини тарбиялай олади.

Абдунаби АМОНУЛЛАЕВ,
аспирант

ЎЗБЕКИСТОН

Замину замонга ўқиб қасида,
Олқишлар сўйлamoқ онидир бугун.
Авжпарда қўшиғу алёр мавжида,
Баралла куйламоқ онидир бугун.

Қадим она юртим — Ўзбекистоним,
Шаҳдам одимингга гуллар поёндоз.
Тўкин дастурхоним — боғи бўстоним,
Сахийлик рамзидир, барҳақ сарафроз.

Бошида зар сочиб парвона қуёш,
Меҳру ҳароратин этар бахшида.
Фидойи инсонлар қадрдон, йўлдош,
Бахти баркамолдир, меҳнат авжида.

Истиқлол ватани — яшнаган диёр,
Мустақил ҳаётинг барқ урсин, кулсин.
Жаҳон пештоқида номинг улуғвор,
Ўзлигинг, асрамоқ шиоринг бўлсин.

Қучоғинг бахорий гулларга тўлсин,
Севинчинг, иқболинг барқарор бўлсин.

БУЛБУЛЛАР

Гулларнинг шохидан жой олиб, сергак,
Ҳайрат қўшигини бошланг, булбуллар.
Севги қиссасидан сўйлаб бир эртак,
Майли, кўзларимни ёшланг, булбуллар.

Сиз бу кеч булбулни тингланг, одамлар,
Ул ахир мангулик юборган элчи.
Ларзага солмасин ерни қадамлар,
Сен ҳам бир дам тўхта, эй ошиқ йўлчи.

Қадрдон торим ҳам қолсин бир четда,
Булбуллар, мени ҳам тунёнга солинг.
Кўксим қафасидан талпиниб учган,
Қўшиққа чоғланган қалбимни олинг.

Гул билан булбулни севганлар алҳол,
Гулларнинг пойида мени кўрсинлар.
Шунда ҳайрон этиб ажабтовур ҳол,
— Айт, қуйчи, бу не ҳол? - дея сўрсинлар.

Токи ул одамлар сўроғи малол —
Келмасдан сўзларни олмасдан ошир.
Мен жавоб айлайин ҳайрат ичра лол —
— Қалбим булбулларга берганман, ахир.

АЙТИНГ, МАЖНУНТОЛЛАР

Азизим, бу лаҳза мен олдим кўлга.
Соғинчларга тўлиб муҳаббат найин.
Соғинч ва интизор кўз тикиб йўлга,
Атиргуллар елда тебранур майин.
Саволлар сўрарман шўх саболардан,
Хабарлар борми ул дилраболардан

Мажнунтоллар ўрмиш сочларин майда,
Айтинг, мажнунтоллар, гулрухсор қайда?
Қайдадир сўйланғиз, оҳу кўз жонон,
Унинг интизори — кўксимдаги жон.
Соғиниб сўрарман шўх саболардан,
Хабарлар борми деб дилраболардан.

Орзу боғларида гуллар эндда,
Барнолар ҳам кўпдир ёруғ дунёда.
Қалбим талпинтирган ўзингсан якка,
Соғинчсан, соғинчсан, нурсан юракка.
Саволлар сўрарман шўх саболардан,
Хабарлар борми деб дилраболардан.



Абдуқодир Қаюмнинг ижод йўлини мен кўпроқ раҳматли Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибийга издош биламан. Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ деганларидек Ҳабибий домла ҳам илк ғазалларини ёшлари 50 дан ошгандан кейин эълон қилган эканлар. Ёшлари 90 ларда вафот этган бўлсалар қарийб 40 йил давомида иккита девон тузиб, халқимизга дурдона мерос қолдирганлар. Мен бу қиёсдан шуни айтмоқчиманки, Абдуқодир Қаюм ҳозир 60 ёшнинг муборак остонасида турибди. Бадиий ижодга руҳан ва маънан етилган, ёзгани дур, сўйлагани нур бўлиб тараладиган фаслга кирган.

Тангрим инояти билан оталари раҳматлик Абдуқаюм ҳожи 85 ёшли табаррук умрларини берса, шубҳасиз, қатор шеърий жилдлар, ҳажвий тўпламлар чоп эттириб, халқимизни мустақиллик маънавиятига катта ҳисса қўшади.

Ҳайдар МУҲАММАД

МУҲАББАТ

Сизга муҳаббатим туфайли, дилдор,
Умидларим кўпдир ёруғ жаҳондан.
Дунёда не борки, сизга дахлдор —
Севарман,севарман,севарман жондан.

Зумрад майсаларда бор изларингиз,
Кўзимга тўтиё зумрад майсалар.
Ариқ бўйларида ялпизларингиз,
Жонбахш бўйларини сочиб-ёйсалар.

Ўшал боғлар менинг энг севган жойим,
Шундадир мен кезиб излаган чаман.
Дард кўрманг,азизим,асло,илойим.
Сизни дардли кўрсам,жондан кечарман,

Тиниқ нигоҳингиз тушган деб шоён,
Севдим юлдузларни — тун париларин.
Гуллар жамолида бўлдингиз аён.
Шамоллар боғ оша эсганда сарин.

Сурмаларни севдим, о жон тиғлари —
Киприкларингизни қаро қилган деб.
Қошлар қиличини кўркувдан нари —
Севдим юрагимни яро қилган деб...

ОРЗУ

Бир қиз бор дунёда гўзал, моҳирўй,
Пойига пояндоз баҳорнинг гули.
Қалбим, орзуларинг яхшиликка йўй,
Боғларга чорлайди севги булбули.

У қиз булбулларнинг билармиш тилин,
Розини сўйлармиш мажнунтолларга.
Еллар силаб ўтса қаро кокилин,
Атрин тутармиш ул шўх шамолларга.


Мен уни билмасман, ул эса мени,
Изларимиз бир-бирни бизлар бегумон.
Осмон тинглаб тоза диллар зорини,
Бизни учраштирар бир муборак он.

Эй гўзал, — севгидан саволлар сўрган —
Умрингдошларингиз бўлсин ёнда.
Билсанг бас, оҳ сенинг васлингга юрган,
Бир шайдо йигит бор ёруғ дунёда.

Бир қиз бор дунёда гўзал, моҳирўй,
Пойига пояндоз баҳорнинг гули.
Қалбим, орзуларинг яхшиликка йўй,
Боғларга чорлайди севги булбули.

ТОЗА БЎСТОНЛАРДА БОР...

Сен суйиб боққан у юлдуз кўрки осмонларда бор,
Чин вафодор Воминқ-Узро ишқи достонларда бор,
Зулфи сунбул, хуш такаллум, хушгавоғъ гулузор,
Бул фазилатларни айтсам, бари жононларда бор.
Ҳар қадам бир Шоҳимардон, чашмайи бахт бир қадам,
Номи Фарғона аталмиш боғи ризвонларда бор,
Сен тарона ахтарурсан, ахтарурсан назми ишқ,
Чин қўшиқнинг шўх навоси аҳду паймонларда бор.
Сен вафонинг гулларидан даста тузмак истадинг,
Бу гўзал анвойи гуллар тоза бўстонларда бор.
Зулфи сунбул, хуш такаллуф, хушгавоғъ гулузор,
Бу назокатлар э, Қодир, бари жононларда бор.



КЎНГИЛДАГИ ВАТАН

Раҳим Отахоннинг шеъриятидаги бош хислат фикр ва дард-аламларни образли ифода қилишидан иборатдир. Шеъриятни доим машқ қилиб келади. Бу қуруқ машқ эмас, ҳис-туйғу ва дард машқларидир. "Дардимсан, Орол!" шеъридан олинган парчага назар ташланг. Унда фақат шоир дарди эмас, бутун ўзбек халқининг ҳасрати ифодаланган.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ

ИМОН

"... Имон дилдадир"
Ҳадисдан

Уйғонинг ўлчови бордир, оғайни,
Имон билан инсоф оғайни.
Одам кўланкаси катта ўзидан,
Ёмон феъли эмас, хуш хулқи
Катта бўлсин унинг ўзидан.
Имон инга кирсин рухсорини кўриб,
Ипак ило қилсин юлдуз қоқиб қони.
Чакида халтадай киссангда эмас,
Калбингда шоҳ ёрлиғи бўлсин
Ҳудога, ҳудонинг бандаларига.
Маккаю Мадинанг бўлсин пок дилинг,
Ўлай-эҳсон танасида бўл бир ҳужайра.
Майли жисминг тобут бўлсин
Ҳаромхўрга, лақайдга.
Тишламагин ўттиз икки тишингда
Ўттиз икки дунё молини.
Имонингни ютиб, виждонинг сотиб
Бевалар ҳақига бўлмагин шерик.
Етимни ҳақига қайрама тишинг,
Қилич ўткирлигини қалбга уришмас,
Ўтга уриб синар ботирлар.
Ҳатламагин бировнинг ола чўпидан
Виждонинг куймасин, куйса-да уйинг.

КИПРИКЛАРИМГА ОСИЛДИ

Оддийгина хона, соддалик султон,
Эраси кўчиб кетгандай жим-жит,
Юрагимдай хувиллаб турар,
Устара остидаги титроқлар ҳам йўқ.
Кўзларимга сурдим изларин ўпиб
Ўтли нафасларин туйдим юзимда,
Чизилган, тирналган биринчи пахса,
Тирноқлари ила аламнинг
Ёздим, ҳиссиётим тирналди
Тирналган пахсани кўриб.
Киприкларимга осилди алам,
Киприкларимга осилди алам.
Калб водийсин меҳварида
Патефон инасидай
Ўтли қўшиқ янгради соғинч,
Ҳужайралари қон оқизган истак.

КЎНГИЛДАГИ ВАТАН

Булбулнинг тилидан топсайдим макон,
Камолот комига тортсайди Танорим.
Ҳарф қилиб жиловин жозиб, тирик ранг берди
Имон ёдгусида зийнатланган юрт.
Юрагим зарби-ла йўғрилар қалам.
Осмонининг остида, ернинг устида
Гул очар офтобпарвар кунлар шитоби,
Туйғулар пўртанаси бўлар инқилоб шитоби.
Фахр, адолат байроғин жар этгани,
Шу байроқнинг олтин сопи бўлсам мен.
Истиқбол олови ёқар юракни,
Бани башар эрур соҳиби вақт,
Толе тахти бунёд этар заҳмат вақтидан.
Кизил юзлардан нур, калблардан сурур
Маҳв бўлмас - қутбошим адил, саховатпеша.
Сахий тоқат - юракку оловли тилакларни
Ўтиб турар бунёкламас тоғдин.
Ифратли комин каби кўкси кўкариб,
Тараққиёт гулга кирди гуркираб
Кокилари гулга кирган сарвисаҳидай.
Бўй бўйлашиб шараф билан юксалар
Жаҳон кўнглидаги юрт - Ўзбекистон.

***


Ватан қобирғалари эрур
Гулкосабарг томирлари.
Мен Ватан, деган сабот, бехиштнинг
Кўр тўкиб турган абадийликнинг
Бир озик, косовдай барака кўли...


КЎЧМАНЧИ ДАРАХТЛАР

Югурик, хисси хуркак бошларда
Усар барҳсиз дарахтлар шаҳ.
Кўчманчи дарахтлардир бумар
Ҳаётирга томир отган бу дарахтлар.
Шохлари туйғулардан кўйилмиш.
Дарахтли бошлар битган мўъжаз вужудлар
Кўзларидан кириб келади умри.
Бу хуркак гўзалликни идрок этиш чун
Керак ҳадик.
Ташвиш тўралган оҳу кўз.

Раҳим ОТАХОН

Камалакнинг етти ранги





Баъзи бир одамлар бўладики, эл ўртасида жуда эрта танилиб қоладилар. Тўғри, бунда телевидение, радио ва матбуотнинг ҳам озми-кўпми ҳиссасини инкор этмаслик даркор. Лекин, ҳеч қачон машҳурлик ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Аввало, инсон шу номга лойиқ бўлиш учун катта ишларни амалга ошириши керак.

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ҳақиқий аъзоси, истеъдодли мусаввир Акмал Нурни ана шундай инсонлар сирасига киритиш мумкин.

Яқинда рассомнинг "Ишқ менинг саждагоҳимдир" деб номланган шахсий кўргазмаси Академиянинг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилди. Кўргазмага рассомнинг 70 га яқин асарлари қўйилди. "Армон", "Рафиқлар", "Севги ороли", "Муҳаббат дарёси", "Кутиш" каби асарлар томошабинлар эътиборини тортди. Мусаввир ўз картиналарида она-юртга, аёлларга бўлган буюк муҳаббатини ёрқин бўёқларда ифода этишга интилган.

Акмал Нур 1984 йилда Тошкент Давлат Санъат институтининг рассомчилик факультетини туғатганидан сўнг бор кучини изланишга, ўқиб-ўрганишга сарфлади. Изланишлари беиз кетмади. 80-йиллар охирига бориб Ўзбекистон мўйқалам соҳибларининг сафларидан етакчи ўрин эгаллай бошлади. Охирги ўн йил мобайнида нафақат ўз диёримизда, балки хорижий юртларда ҳам рассомнинг бир неча йирик кўргазмалари бўлиб ўтди.

Мусаввирнинг кўргазмасини кузата туриб, "Армон" картинаси қошида узоқ туриб қолдим. Рассом буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маъюс чеҳрасини, ғамли боқишларини акс эттириш орқали ўзга юртга шоҳ бўла туриб, бир умр она юрти ҳажрида яшаган инсон изтиробларини кўрсатиб берган.

Хаёлимдан Мирзо Бобурнинг:

"Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишниким айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди"

сатрлари ўтди. Ватан фироқида ёнаётган Бобурнинг армонли нигоҳини бутун қалбингиз билан ҳис этгандек бўласиз.


Акмал Нур тасаввур образларини миллий замин ва халқ ривоятлари, диний тушунчалар билан боғлаган чоғда унинг мўйқалам тароватини кўрсатувчи рамзий-романтик лавҳалар пайдо бўлади. У рамзийлик ва шартлиликни асосий мезонига айлантирганда "Кутиш" ва "Девор" сингари мажозий руҳдаги полотнолар юзага келди.


"Кутиш"да халқ ривоятларида зикр этилган воқеа тасвирланади. Болаларга тушунтирилгандай, гўё зурриётни аёлларга осмондан учиб келган лайлаклар ташлаб кетар эмиш. Бу афсона рассом картинасига мавзу этиб танланади ва рамзийлик руҳида ҳал этилади.

Мусаввир миллий замин ва халқ бадиий-эстетик, диний-фалсафий меросига ҳамоҳанг кайфият йўлидан борганида асарларида шарқона ва ўзбекона руҳ жонланиб кетади. Бунга "Ишқ" картинасини мисол қилиб келтириш мумкин: ҳар бир эр ва аёлга фарзанднинг берилиши, энг аввало, Оллоҳдан. Асарда бу нур бўлиб келяпти. Бизнинг тўйларимизда албатта карнай садолари жаранглайди. Карнай садоси жаранглаган уйда эса, албатта, фарзанд туғилади. Карнайларнинг биридан – олма, биридан эса анор тушяпти. Булар Оллоҳ неъмати, табиат мўъжизаси, фарзанд ҳам шундай.

Муҳаббат бор экан, ҳаёт давом этаверади. Ижодкорлар учун эса бу мавзу туганмас бир манба. Ҳаётни ҳар

МУҲАББАТ КЎЙЧИСИ





ким ўзича кўрганидек, мусаввир ҳам уни турли рангларда кўради. А.Нур ўз картиналарида Муҳаббат, Ҳаё, Латофатни халқимиз миллий хусусиятларини ифодаловчи қадрият сифатида кўрсатишга интилган. Мусаввир тасаввуридаги муқаддас саждагоҳ, айниқса, унинг "Рафиқлар" картинасида ёркин очиб берилган. Ягона руҳга бирлашган чеҳра замирида ижодкорнинг ички дунёси, унинг соф моҳиятини кўриш мумкин.

Эркак ва аёл аслида бир жону бир тан. Мусаввир шунинг учун ҳам "Рафиқлар" картинасида уларни бир чеҳра қилиб чизган. Асарда тасвирланган эркак ва аёл бир қараганингизда катта тош панасида тургандек туюлади. Аммо диққат қилсангиз, бу тош эмас, балиқ эканлигини англайсиз. Балиқ эса Шарқда луқмаи ҳалол. Демак, аёл билан эркак ўртасидаги муносабатда фақат поклик даркор.

Мусаввир асарлари баъзан тиниқ, баъзан сержилва рангларининг ўзига хослиги, туслар мажмуининг асар мазмуни моҳиятига мос тарзда тортилганлиги, тарх чизиқларининг аниқ, пухталиги билан эътиборни тортади, томошабинда нафосатга йўғрилган таассуротлар уйғотади.

– *Акмал, Сиз билан охирги суҳбатларимиздан бирида "Ўзимга энг ёқадиган асарларимдан бири – "Армон" деган эдингиз,* – дея суҳбатга чорлайман мусаввирни – *Асар исми жисмига яраша дейишганидек, Бобурнинг юрагидаги мунг менга ҳам кўчгандек бўлди.*

– Олийгоҳда таҳсил олиб юрган йилларимда Бобур мени шоҳ ва шоир сифатида қизиқтирарди. Шунинг учун диплом ишим "Бобур Самарқандда" деб номланган. Орадан кўп йиллар ўтгач, яна шу мавзуга мурожаат қилдим. Бу сафар "Бобур" номли композицион портрет ишладим. Бунга "Бобурнома" асос бўлди. Билasизми, назаримда Ватанни қўмсашдан ортиқ дард йўқ. Композицион портретда буни беролмагандим. Хаёлимнинг бир четида мана шу фикр турарди. Бобур тахтга ўтирмоқчи эди, ниятига етди. Асарда шунинг учун олтин тахт тасвирланган. Тахтдаги филлар бу Ҳиндистонни билдиради. Узоқдан янги чиққан ҳилол Бобурни Ватанга чорлаяпти, лекин...

Яқинда аллақаерда ўқигандим. Бир донишманддан "Бахт нима" деб сўраганларида, у: "Туғилган тупроққа кўмилмоқ!" – деб жавоб берган экан. Шунинг учун ёши улуғ кишилар Танғри таолодан ўз ватанида ўлишни, ўлгач гўридан қўзғатмасликни илтижо қиладилар. Бу гапларда беҳисоб ҳикмат бор.

– *Кўргазма ташкил қилишдан мақсадингиз нима? Ҳозир одамлар бойлик ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолишди.*

– Йўқ, йўқ, менинг мақсадим – томошабинлар асарларимни кўриб маънавий куч олсалар, кайфиятлари кўтарилиб, уларнинг дилига ёруғлик нури киришини истайман. Агар қўлимда пул кўп бўлса, галерея очардим, ижодкор сифатида Италия ва Испанияга борган бўлардим. Микеланджело, Леонардо да Винчи, Рафаэль, Веласкес, Эль Греко яшаган жойларни кўриш, юрган йўлларида юришни катта бахт деб биламан. Чунки улар ўзларининг санъатлари билан бутун жаҳонни ҳайратга сола билганлар. Улардан фақат ўрганмоқ даркор.

Ҳа, инсон яшар экан, изланишдан, ўрганишдан толмаслиги керак. Кўргазмани томоша қила туриб, муҳаббат мавзуи асосий ўринни эгаллаганлигини ва баъзи асарлар, назаримда, бир-бирини такрорлагандай туюлди. Демак, Акмал Нур ҳамон изланишда.

М.НАБИЕВА,
Ҳ.НАБИЕВ

Тилаб
МАҲМУДОВ

"Авесто ҳақида"



Инсоният тарихи табиат ва ҳаёт ҳақидаги оддий тасаввурлардан, чекланган эҳтиёжлардан мураккаб маънавий фаолият даражасигача ўсиш жараёнини ўз ичига олади. Инсоний цивилизациянинг бошланишида маънавият бир пайтнинг ўзида инсоннинг қоришма тафаккури ҳосиласи ҳамда сабаби тарзида кўзга ташланади.

Одамзод ер, сув, ҳаво ҳамда қуёшни бевосита ҳис қилишдан аста-секин "Табиат нима?", "Ҳаёт нима?", "Ўлим нима?", "Одамнинг моҳияти нимада?", "Коинот нима ўзи?" каби мураккаб саволлар томон тараққий этди. Коронғуликдан ёруғликка чиққандай, билимсизликдан маърифат сари, дунё ҳақидаги тасаввурлар ҳамда тушунчалар томон силжиш маънавият йўлини қанчалик узун ва узлуксиз эканлигидан далолат беради. Бу йўл шунчалик сўқмоқларга мўл эканки, одамзод Ҳақиқат ва Ҳақ бекатига етиб келгунча жуда кўп тафаккур ва руҳий қалъаларни қуришга, ўзи қурган "қалъа"ларни ўзи бузиб, яна бошқа тасаввур манзиллари яратишга тўғри келди.

Бизнинг асримизда олиб борилган археологик қазилмалар шундан далолат берадики, одамзод ибтидоий даврлардаёқ дунё ва коинот ҳақидаги қарашларида икки нарсани, яъни олам тўғрисидаги тушунча билан олам ҳақидаги тасаввурларини доимо бирга қўшган ҳолда тараққий этган.

Тасаввур тушунчани етаклаган, тушунча эса тасаввурни етаклаган. Булар тинимсиз оқувчи дарёнинг икки қирғоғини боғловчи ҳам кўприк, ҳам йўловчи вазифасини бажарганлар.

Инсоният табиат, жамият ва коинот ҳақида қанчалик билим ва тажриба тўпламасин, бир томонда, атроф-муҳитга унинг мослашуви ва яшаш тарзи осонлашган билан, иккинчи томондан, чуқурлашган маънавият уни янгидан-янги жумбоқлар, саволлар ва даъволар олдида ожиз этиб қўяверган. Одамзод ўз ақлий эркинлигини кучайтирган сари маънавий эркинликка эришишнинг мушкуллигига гирифтор бўлиб бораверган.

Йўқдан бор бўлиши ва борнинг охир-оқибат йўқ бўлиб кетишини тушуниш одамзод тафаккурини ҳаракатга келтирувчи асосий омилга айланган ва мана шу жараённи идрок этгандан кейинги даврни инсоният цивилизациянинг бошланиш нуқтаси деса бўлади. Одамзод ўзини инсон сифатида ҳис қилгандан буён, бир томондан, ўзини янги мавжудот сифатида тасдиқлаш йўлини меҳнат ва тажрибадан топса, иккинчи томондан, инсон умри ва тасаввурининг абадийлигини таъкидлаш жараёни ҳам давом этди. Абадият тушунчаси инсоннинг ҳам ожизлик, ҳам қудратига чиқарилган хулоса эди.

Табиат ва коинотдаги инсон идрок этолмаган сиру синоатлар унинг ожизлигини ҳис қилдирар, бироқ улар билан бўлажак руҳий мулоқотлар илинжи унда куч ва ишонч туйғусини уйғотарди.

Ана шунинг учун ибтидоий одамлар дунёни чуқур билишдан аввал умуман "кўриш"ни, умуман "идрок этиш"ни афзал билганлар. Бу табиий эди. Одамзод ҳали инсоният бўлиб шаклланмаган эди. Табиат табиатлигича, одам ўзича, коинот сирлилигича яшарди. Табиатдан одамзод, одамзоддан табиат ажралмаган замонлар эди.

Қачонки, одамзод ўзини табиат коинот саррвари сифатида ҳис қилгандан кейин, жамият ҳаёти ва инсон умри инсоний эҳтиёжларни ақл билан қондириш ҳамда маънавий муносабатларни ўрнатиш эҳтиёжлигини тушуниб етгандан кейин тасаввур ва тушунча ўртасидаги зиддият камая борди, жамият деб аталмиш одамларни бир-бирига боғлиқ ҳамда бир-бирисиз яшашининг иложи бўлмаган бирлиги вужудга келди.

Одамзод пайдо бўлгандан буён икки хил эҳтиёж билан яшаб келади: бири моддий талабот, иккинчиси маънавий чанқоқлик. Уларнинг ҳар иккаласи одамларнинг турмуш тарзини белгилайди. Агар аввал моддий талаботлар устунлик қилиб, инсон яшаши ва ҳаёти учун биринчи даражали зарурият ҳисобланган бўлса, жамият тараққиётининг маълум даврларига келиб, маънавий эҳтиёжлар, руҳий одам моддий оламни белгиловчи кучга айланади. Шу тариқа емоқ, ичмоқ, киймоқдан кўра лаззатланмоқ, қувонмоқ, завқ олмоқ, севмоқ устунлик қила бошлайди. Агар моддий эҳтиёжлар ўз чегараси ва доирасига эга бўлса, маънавий эҳтиёжлар поёнсиз ва узлуксиз руҳий оламга айланди. Чанқаш, чарчаш, очиқишларни қондириш чегараси мавжуд, аммо севги, ирода, илм, гўзалликка интилиш сингари маънавий эҳтиёжларнинг чегараси йўқ.

Инсоният маънавий юксалишидаги энг буюк нуқталардан бири уни табиат ва одамзод ҳаётидаги ўзаро уйғунлик ва мутаносибликнинг мавжудлигини идрок этиш, табиат, инсон ва дунёнинг тартибли яратилиши ҳақидаги тушунча бўлди. Тун кетидан куннинг келиши, дарёларнинг юқоридан пастга оқиши, иссиқ билан совуқнинг фарқи, аччиқ билан чучук, яхши билан ёмоннинг фарқига бориш одамзоднинг инсон бўлиб шаклланишида жуда катта аҳамият касб этди. Буни қадим-қадим замонларда яшаб ўтган аждодларимиз дини, санъати ва осори атиқалари исботлаб беради. "Авесто" парчалари билан танишганда минг-минг йиллар илгари яшаган одамларнинг дунёқараши, табиат ва жамиятга муносабати қанчалик мураккаб тарзда шаклланганига гувоҳ бўламиз.

Ҳозирги замон цивилизацияси даражасида туриб ўтмиш аждодларимизнинг "Ҳақиқат нима?", "Гўзаллик нима?",

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

"Яхшилик нима?", "Ёмонлик нима?", "Хунуклик нима?" деган саволларга берган жавоблари билан танишиб, уларнинг ҳаёт билан қанчалик узвий алоқада эканлигига ҳайрон қоламиз. Коинотдаги нур ва зулмат, иссиқ ва совуқ, ҳаёт ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, гўзаллик ва хунуклик, ҳақиқат ва ёлғон ҳақидаги оташпарастларнинг тушунчалари воқеликка хос бўлган гармоник мутаносиблик ва унинг бузилиши, узилиш ҳолатлари, табиат, инсон ва жамиятга эстетик муносабат инсон камолотидан дарак берувчи фазилат эканлигини чуқур ҳис қилинганлигидан далолат беради.

Тушунча ва тасаввурлардаги ижтимоий тажрибанинг ожиз ва торлиги, ўз навбатида, мифологик тафаккур тараққиётини ҳам белгилаган. Афсона ва ривоятларда инсоният болалик чоғининг дастлабки бадиий-эстетик тафаккур тарзи ўз ифодасини топган. Нимаики инсон диққатини жалб этган бўлса, нимаики инсон хоҳлаган ёки тасдиқламоқчи бўлса, албатта, бундай ният, орзу ва амал ғунчалари образли хаёлот пардаси билан ўралган. Ана шу тарихда диний, фалсафий, бадиий тафаккурнинг бирлигидан ташкил топувчи мифология (афсона, ривоятлар) инсоният билими ҳамда ахлоқий-эстетик тасаввурларининг дастлабки қомуси вазифасини бажарган. "Нима учун ва қандай қилиб?" деган савол биринчи бор афсона ва ривоятларда ўртага ташланиб, ҳодиса ҳамда воқеалар ўртасидаги сабаб-оқибат масаласи диний таълимотларда ўзининг мутлақ тасдиқ ҳукмини олган.

Инсоният тарихи бу инсон тафаккури ва тасаввурининг кенгайиш ва чуқурлашиш тарихидир. Кенгайган тафаккурга дунё кенг туюлган, тор тафаккурга дунё тор кўринган.

Бинобарин, ҳар бир миллат тарихи ва қадриятларини билиш учун, унинг инсоният бағрида қолдирган маънавий жавоҳирларини англамоқ учун унинг дини, тафаккур тарзи, бадиий-эстетик идеали ва руҳоний кечинмаларини билмоқ зарур. Инсон жамияти юксалган сари бу маънавий жавоҳирлар ҳам муштараклик, ҳам ўзига хослик қонуниятлари асосида тараққий этиб, миллат ва мамлакатнинг тарихий ўрни ва қадрини ҳам белгилаб келган. Ўз маданияти, тарихи ва тақдири жуда узоқ замонларга бориб тақалувчи Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти, бадиий-эстетик ва фалсафий тафаккурининг зардуштийлик дини билан боғланиши бежиз эмас.

Эрамиздан аввалги минг йиллар даврида Ўрта Осиё, Эрон ҳамда Ҳиндистонда кенг тарқалган зардуштийлик дини наинки ўз даври, балки кейинги давр жаҳон маънавий-руҳоний тараққиёти тарихида ҳам жуда катта роль ўйнаган.

Бу диний таълимотдан бошлаб дунёни фалсафий идрок этиш, ахлоқан покланиш, инсоният маънавий оламига чуқур кириб бориш, инсон бурчи, нафосатни илғаш сингари масалалар одамларнинг одатига айлана боради. Зардуштийлик динининг марказида ҳам жисмоний ва руҳий оламнинг яратилиши ётади. "Бир қасидада пайғамбар Зардушт сўрайди: "Ким ойнинг ҳам чиқиб, ҳам сўнишини яратган? Ким ерни ва тушиб кетмасин деб булутларни ушлаб туради? Ким сув ва дарахтларни яратган? Ким шамол тезлигини булутлар билан қовуштирган? Қайси мусаввир нур ва зулматни, туш ва бедорликни яратган? Ким эрталаб, тушки пайт ва кечага итоат этувчининг руҳини бошқаради? Ким отанинг юрагига ўғил кўриш орзусини солган?

Бунинг ҳаммасини Аҳура-Мазда бунёд этган. Уни ўзи ўз руҳидан, одамни жонли, онгли, ўзини ўзи англагувчи қилиб яратган".

Зардуштийлик динининг фалсафий моҳиятида дунё мураккабликлари, уларни тушуниш ва тушунтириш муаммолари ўз ифодасини топган. Дуализмга, руҳ ва моддийликнинг ҳаётийлигини тан олишга асосланган зардуштийлик динига биноан, олам нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, ижобий ва салбий, поклик ва ифлослик, эркинлик ва тобеълик сингари ҳодисаларнинг азалий ва абадий курашидан иборат. "Мен азалдан таркиб топган иккита нарса ҳақида гапирмоқчиман, дейилади "Авесто"да, – ёзади А.О.Маковельский, – илоҳий субстанция Аҳриманга – нопок субстанцияга шуни уқтирадики, бизнинг фикримиз, бизнинг таълимотимиз, бизнинг ниятимиз, бизнинг эътиқодимиз, теран нутқимиз, бизнинг амалларимиз, бизнинг вужудимиз ва руҳимиз бир-биримизга тамомила қарама-қаршидир".

Шунга биноан кураш табиатда (нур ва зулмат), борликда (ҳаёт ва ўлим), ижтимоий ҳаётда (адолат ва адолатсизлик), ахлоқда (яхшилик ва ёмонлик), нафосат оламида (гўзаллик ва хунуклик), динда (Аҳура-Мазда билан Анҳра Мануни азалий ва абадий келишмаслиги) намоён бўлади.

Аҳура-Мазда барча ёркинлик, яхшилик ва адолат мояси, Анҳра Ману эса зулмат, зулм, хунуклик ва ноҳақлик уруғини сочгувчи. Бири бахт ва шодлик белгиси, иккинчиси разолат ва жаҳолат тимсоли.

3. Бу ибтидоий руҳлар эгизак бўлсаларда ўз фикрати, каломи ва амалларида бир-бирига тескаридир. Улар яхшилик ва ёмонлик фазилатларида эмас, гуноҳларида фарқ қиладилар.

4. Бу икки руҳ пайдо бўлгач, ҳаёт ва ўлимни яратдилар; охиратда Айёр руҳ гуноҳкорларга, фозил руҳ эса сомеъларга насиб қилғай.

5. Айёр руҳ барча ёмонликларни ўз тасарруфига олди, Маздага иноналар эса фозил руҳ паноҳида бўладилар.

6. Улар ўртасидаги фарқни ажрата олмаганлар девлар олдига югурдилар ва Айёр руҳ тузоғига илиндилар, ғазаб худосига учрашиб одамларни касалликлар билан қийнашга тутиндилар.

7. Фозил руҳга барча эзгуликлар қолди, унинг вужуди олижаноблик билан суғорилди.

8. О, Мазда! Қачон бу жоҳиллар жазоланади? Қачон сени подшоҳлигингдан ёлғон кетиб, ҳақиқат қарор топади?

9. Ана шунда Айёр руҳнинг куни битади. Барча фозил руҳ – Мазда ва Ҳаққониятнинг гўзал масканига тўпланиб, дориломон яшашга муяссар бўлади". (Ясна, XXX)

Мана шу икки руҳ, икки куч дунёни бошқаради. Улар ўртасидаги кураш абадий. Бу курашда бутун олам ва кўёшни яратган Аҳура-Маздага унинг доно ва ўлмас руҳонийлари ёрдам беради, Анҳра Ману эса ўзини барча қора ва жоҳил ишларини қора ва жоҳил кучлар орқали амалга оширади: "Ибтидода бу икки туғишган – ҳамзодлар андиша, калом ва амалда бири эзгулик, бири ёмонлик ўзаро суҳбат қурдилар.

Бу иккидан бири, яъни эзгуликни ундан огоҳлар, ёмонликни эса ноогоҳлар танладилар.

Бу икки олам бир-бирига етишганидан сўнгра илк бор "тириклик" ва "нотириклик"ни бунёд айладилар. Бу ҳол олам сўнгигача давом этаверади..." (Ясна, 30-гоҳ, 3-4 бандлар).

Аҳура-Мазда дунёни яратиб, ерларни, молларни одамларга тақсимлаб, бошпана берар экан, тинч меҳнатдан роҳатланишни, боғ яратишни, мол боқишни, деҳқончилик қилиб, уй қуришни ва покиза ҳаёт кечиришни ато этади. Анҳра Мануни бўлса дунёга жоҳиллик ҳамда касаллик уруғини сепади, одамлар ўртасида жанжал ва қон тўкиш, уруш ва тўполонлар уйғотишга интилади.

"Авесто"да баён этилган Яхшилик руҳи – бу яратувчилик, бунёдкорлик кучи, ёмонлик руҳи эса бузиш ва бузғунчиликка олиб келади. Яхшилик ҳаёт рамзи, ерни одамлар фойдали ҳайвонлар ва ўсимликлар билан тўлдириш, инсоният умрини соғлиқ, куч-қудрат, бахт ва шодлик, умид ва ишонч, гўзаллик ва эзгу фикрат, тўкин-сочинлик билан мунаввар этмакдир. Ёмонлик эса қурғоқчилик ва очарчилик, молларнинг қирилиб кетиши, касаллик ва офат, жисмоний ва руҳий бузилишнинг оқибатидир.

Бу кураш асносида гоҳо ёлғон ва зўравонлик, зулмат ва бетоблик, ноҳақлик ва фирибгарлик устун келиб қолсада, Аҳура-Мазданинг ёркин кучлари пировардида Анҳра Ману устидан ғолиб чиқадилар ва дунёда нур, яхшилик, гўзаллик ва қувонч тантана қилади.

Ана шу тариқа Зардушт Аҳура-Мазда орқали дунёда одам нусхасида юрадиган барча девларни, жаҳолат ва разолат кучларини етти қават ернинг тагига киритиб юборади.

Зардуштийларнинг дунёқарашига кўра дунё худо томонидан яратилган ва охиратда ҳам ҳаёт мавжуд. Зардушт дуализм принципига содиқ қолган ҳолда ўлган одамнинг охиратдаги қисматида ҳам тозалик ва покликнинг, яхшилик ва эзгуликнинг асосий омил бўлиб қолишини таъкидлайди.

XXII Яштда Зардушт Аҳура-Маздадан тақводор киши ўлгандан кейин уч кун мобайнида унинг жони қаерда бўлади, деб сўрайди. Аҳура-Мазда жавобига кўра, жон одам бошининг атрофида бўлиб, ўша кечаси тирик пайтида кўрган барча завқ-шавқларига тенг роҳат олади. Уч кундан кейин тақводор жони ўсимликлар узра қалқиб туради. Уни жануб мамлакатлардан эсган бошқа шамоллардан-да муаттар бўлган шамол қаршилайди. Шамол жўрлигида унинг дили нурга чўмилган, оқбадан, тиқмачоқ, қадди-қомати келишган, моҳирўй, кўкраклари ойдек, беллари ёйдек, олижаноб ва юзидан нур ёғилган, ўн беш ёшли, барча гўзалликларга гўзали сиймосидаги қиз келади.

Бу гўзал қиз ўз ҳаётида кўп яхшиликлар, пок ва олижаноб ишлар қилган тақводор одамнинг диний-эътиқод рамзи сифатида пайдо бўлади. "Авесто"да жон тафсилоти худди реал одамларнинг хаёлидай зикр қилинади. Одамнинг руҳи ўтган дунёдаги нарсаларни тақрорлайди, инсоннинг жони чиқиши билан қилган яхши амаллари унга мукофот тарзида қайтиб келади. Ёруғ дунёда яхши амаллар қилган йигитни жони – руҳи гўзалдир. Йигитнинг руҳи қиз сиймосида "Мулойим эдим, янада мулоймроқ қилдинг, чиройли эдим, янада гўзал қилдинг, баландда эдим, эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амаллар билан мени янада баландроқ кўтардинг" дейди.

Кўриниб турибдики, Зардушт фикрича жон танани тарк этган инсоннинг яхши ва гўзал амалларидир. Ўз ҳаёти давомида гўзаллик ва яхшилик, нур ва қувонч йўлида хизмат қилган одам порсо ва ҳақгўй, пок ва адолатли бўлиб, меҳмонларни бегараз кутган, хотинини севиб, ерни, молларни парвариш қилган, одамларнинг молу мулкига кўз олайтирмаган, табиатни асраб-авайлаб ундан завқ олгани учун унинг жони ҳам битмас-туганмас роҳат ва фароғатга бурканади.

Гуноҳкорнинг эса жони чиққач, унинг руҳи боши атрофида тентирайди ва уч кун давомида барча ёмон одамлар тортадиган нохушликни кўради. Уч кундан кейин гуноҳкор жони ўзи бунёд этган барча ёмонлик ва разолатлар устида учади. Гуноҳкор жони ҳаёт чоғида кўрмаган хунук, бадбашара бир қизни учратади. "Эй, қора юрак, заҳар тилли, мунофиқ гуноҳкор, – дейди у, – мен қиз эмасман, сен ҳаётда қилган ёмон амалларингман. Чунки сен ҳаётда худога эътиқод қўйганларни кўриб туриб, девларга сиғингансан. Яқин-узоқдан келган мусофир одамларга бошпана берганда, меҳнат қилганда, хайр-садақа улашганда яхши одамларни камситиб, ҳақорат қилгансан, эшигингни ёпиб қўйгансан.

Мен сен ўйлаган, айтган ва қилган ёмон фикрат, ёмон калом ва ёмон амалларингман. Номуссиз эдим, сен туфайли баттар оримни йўқотдим, жирканч эдим, янада нафратли бўлдим, шарманда эдим, баттар расво бўлдим". Ёмон ва разил одамларни ҳам охиратда ана шундай нарсалар кутади. Гуноҳкорни ўлимидан кейин кутаётган нарса унинг танаси билан жони ўртасидаги ихтилофдир. Гуноҳкор дунёда фикри, сўз ва ишларидаги тартиб ва бирликни йўқотгач, иложи борича яхшиликнинг тантанасига халал беришга ҳаракат қилади, мол-чорвага, экинга, бола туғилишига, аёллар ҳуснига, эркаклар шуҳратига зарар келтиришга ҳаракат қилгани учун тана билан жон ўртасида низо келиб чиқади.

Бу нарса зардуштийлик таълимотининг ахлоқий-эстетик моҳиятини яққол намоён қилади. Қаерда фикр, сўз ва иш уйғунлиги бўлса, ўша ерда олижаноблик ва гўзаллик ғалаба қозонади, қачонки тана ва жон нифоққа учраса, инсон ҳаёти таназзулда, жони эса қилган ёмонликлари жабрини тортиб, азобда қолади: "Кимки ёруғ жаҳонда ақлли бўлса, донишмандлик салтанати бўлган у дунёда абадий қолади".


Кўриниб турибдики, кейинчалик ўрта асрлар фалсафасининг марказий муаммоси бўлган тан ва жон, руҳ ва қалб, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, гўзаллик ва хунукликни идрок этиш масалалари зардуштийлик таълимотининг асосини ташкил этган.

Агар зардуштийлик таълимотининг ахлоқий-эстетик қарашларига назар ташлайдиган бўлсак, шу нарса кўзга яққол кўринадики, бу диний таълимотнинг асосий фалсафий йўналиши кўпроқ инсоннинг реал ҳаёт тажрибаларига қаратилган. Жон тушунчасининг ўзи ҳаётий мағизга эга бўлган маънавий субстанция тарзида тушунилган. Жон яшаш ва амал доирасида ўта илоҳийлаштирилмасдан пировард оқибатда, ўз эгаси билан мулоқот қилувчи инсон виждони сифатида кўзга ташланади.

Дунё, коинот, табиат ҳақидаги тасаввур ҳамда тушунчаларни икки қутб ўртасидаги кураш тарзида идрок этиш, барча ҳодисалар замирида Аҳура-Мазда ва Анҳра Ману бунёд этган яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги кураш ётишини таъкидлаш зардуштийлик фалсафаси инсон табиати бўйича нақадар чуқур таълимот қолдирганидан дарак беради.

Зардуштийлар таълимотига кўра, бир томондан, худо яратган қуёш, ой, юлдузлар ва "нур олами" мавжуд бўлиб, уларнинг орасида ерга энг яқини юлдузлар, иккинчиси ой сатҳи, учинчиси қуёш ва тўртинчиси "жаннат" макони. Бундан ташқари, "Авесто"да қадимги бобокалонларимизнинг ҳаёт ва инсон, ахлоқ ва одоб, гўзаллик ва ижод, кишлоқ хўжалиги ва жамиятдаги адолат тўғрисидаги фалсафий мушоҳадалари ўз ифодасини топган.


Бундай бевосита ҳаётий эҳтиёж билан боғлиқ ўгит ва кўрсатмалар диний ақидалар билан йўғрилган ҳолда зардуштийлар дунёқарашининг дуалистик табиатини белгилайди.



Тинч меҳнат ва одамларнинг осойишта ҳаётига хайрихоҳлик зардуштийлик ғояларининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Бошқинчилик, уруш, талончарчилик, ноҳақликка нисбатан норозилик, тинч-тотув меҳнат қилиш орзуси "Авесто"да ўз ифодасини топган: "О, Мазда, қачон бизга яхши ҳаёт ва яйловлар ҳадя этувчи Ҳақиқат ва Куч-қудрат билан биргаликда Тинчлик келади? Ким бизни ёлғон, қонхўрларнинг панжасидан қутқаради?"

Зардуштийлар учун Ҳақиқат, Қудрат ва Тинчлик тантана қилган ҳаёт гўзал ҳисобланган. "Авесто"да Ҳақиқат, Тинчлик ва эркин ҳаёт билан боғлиқ ижтимоий идеални излаш нидоли сатрларда ўз ифодасини топган: Қандай қилиб Ҳақиқат ва Тинчликка эришиш мумкин? Қандай қилиб порсо бўлиб, Аҳура-Мазда ҳурматига сазовор бўлиш мумкин?

"Авесто"да ўқиймиз: "Кимда-ким буғдой экса, у Ошани (Ҳақиқат) экади.





У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади.

Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан қўпадилар.

Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар.

Қачонки буғдой ун берса, девлар нола чекадилар.

Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайди.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар.

Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйнини чирмаб ташлайди..." ("Вандидод", 3-фаргард, 31-32 бандлар).

Бинобарин, тинч меҳнат, инсоннинг яратувчилик фаолияти тана ва жондаги барча нопок кучларни қувади; фақат меҳнат ва олижаноб амаллар орқали нур ва шодлик оламини кўпайтириш; фақат меҳнат туфайли Ҳақиқат, Тинчлик ва Давлатга эришиш мумкин.

Инсоннинг бундай яратувчилик қудратини идрок этиш жуда қадим замонларда яшаган бобокалонларимизнинг тафаккур ва маънавий заковатидан дарак беради.

Ерга ва нонга бўлган мана шундай юксак ҳурмат ва эҳтиром ҳамон Шарқ халқлари тасаввурида сақланиб қолган. "Она-замин", "Она-ватан" тушунчалари ҳамда ерда ётган бир бурда нонни авайлаб покиза жойга олиб қўйилиши бунинг исботидир.

"Вандидод"да баён этилишича, ерни худди қизни севгандай севмоқ, унга яхши уруғлар сепмоқ, уни мўл-кўл ҳосил берувчи онага айлантирмоқ керак, Аҳура-Мазданинг кўрсатмасига биноан "ерга яхши ва кучли уруғ сепмоқ" дунёдаги энг зарур қонун ҳисобланади: "Ёш келин эрига гўдак ҳадя этганидай, ер ҳам уни чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан парвариш қилган одамга мўл-кўл ҳосил беради. Ишлов берилмаган ва экилмаган ер эрсиз ва фарзандсиз жоҳил қиз каби бахтсиздир. Қиз яхши эрни орзу қилганидай, ер ҳам яхши қўшчига илҳақ".

Бу сўзлар зардуштийлар дунёқарашининг қанчалик оптимистик руҳда эканлигидан, воқеликка фаол муносабат ва инсоннинг яратувчилик қудратига ишонч туйғуси кучли бўлганидан далолат беради. Шунингдек, "Авесто" матнида жамоа ҳаётининг турли томонлари ўз ифодасини топиши билан баробар, жамоа меҳнати, жамоа манфаати ва жамоа идеали масаласи ҳам ёрқин гавдаланган. Ўз даврининг ахлоқий ва эстетик, фалсафий ва ижтимоий идеалларини ифодаловчи бу дунёқараш коинот воқеаларини инсонийлаштириш ва инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятини илоҳийлаштириш бўйича кейинги аср ва даврларда таркиб топган турли-туман фалсафий оқимларга манба бўлиб қолади.

Шундай қилиб, зардуштийлик фалсафаси дунёга ахлоқий неъмат ва ҳикматнинг, гўзаллик олами бахш этувчи завқ-шавқнинг, адолат ва тинчлик келтирувчи осойишталикнинг, поклик ва тақводорликнинг натижаси бўлган инсоний комилликнинг безавол қўшиқлари бўлиб тарқалди.

Бинобарин яхшилик қилмоқ учун, деҳқончилик ва дон экмоқ учун инсон фаол ҳақгўй бўлмоғи даркор. Инсоннинг фаоллиги ва ўз ишини билиши туфайли яхшилик дунёси кўпайиб, инсон ўз қалбидаги қат-қат ёмонлик, зулмат ва золимликдан фориғ бўлади.

А.Л.Погодиннинг фикрига кўра, зардуштийлик таълимоти биринчи навбатда ахлоқий ва эстетик идеалларнинг муштарак бирлигига асосланади. "Ўз яккахудолик таълимотидан илҳомланиб кетган Зардушт ахлоқий покликни тарғиб қила бошлайди; ахлоқ танғрисини пантеистик руҳда талқин қилингани учун унинг динига олам гўзаллиги ва тартибидан эстетик завқ олиш белгиси ҳам кириб келди ва унга ерни, сувни, илоҳий олов ва барча ҳаёт гулзорини ифлос қилиб қўймаслик хавфи ҳам қўшилди. Ҳар қандай жисмоний ва маънавий ифлослик маздапарастларда нафрат уйғонган. Покланиш – уларни биринчи ибодати саналган. Зардуштийларнинг таълимоти ана шундай ахлоқий-эстетик характер касб этган".

Шунинг учун "Авесто"нинг барча қисмлари инсонга ҳурмат туйғулари билан суғорилган: еру кўкдаги барча ҳаётий нозу неъматларни севиш ва ардоқлаш инсон учун муқаддас бурч ҳамда вазифа ҳисобланган.

Эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал бирлиги инсонни комиллик сари етакловчи руҳ бўлиб, унга эришган одам Оллоҳ таолога яқинлашиб боради. Ҳақ йўлида эзгу амаллар ила ахлоқий покликка эришган, шуурини тазарру тўлқинлари эгаллаган инсон моҳияти кейинчалик ўрта асрлар фалсафасининг тасаввуф оқимида ўз тараққиёт ўзанига эга бўлади.

Зардуштийлар тасаввурида ўз фаолияти майдонида кўпроқ ҳаётий неъматлар сари интилиб, эзгу амаллар бажаришга интилувчи инсон комил ҳисобланган. Унинг абадийлиги ҳам яхши ҳаётий эҳтиёж ва яхши ҳаётий орзуларининг тантанаси сифатида тушунилган.

Ахлоқий-эстетик баркамоллик асосида ҳам ҳаётий идеални кўрамиз. "Буюк уйғонишлар ва тараққиёт йўлида эришиладиган балоғатга содиқ қолайлик. Аҳура-Маздага ўхшаган, ўз халқига хайрихоҳ, одил тузумга мос яхшиликлар қиладиган бўлайлик. Бизнинг ниятларимиз ҳақиқий донолик истиқомат қиладиган манзилларга интилсин. Комиллик таркиб топгач, бузғунчилик бўрони ёлғончилик шайтони устига қуюлаб, уни барча кирдикорлари қунпаякун бўлгай. Кимки ўз ҳаёт йўлида яхши шуҳрат ва виждон билан юрган бўлса тезда Аҳура-Мазда порсолари билан олий тангри даргоҳида тўпланадилар" ("Ясна"-30).

Инсон бурчининг бундай юксак қадрланиши, шахсий ахлоқий камолотни бошқаларга хайрихоҳлик туйғуси билан йўғрилиши, ҳақиқий донишманд-

ликка интилиш ҳамда ёлғончилик ва ёмонликка нисбатан нафрат зардуштий ахлоқий таълимоти эришган катта муваффақият эди. Бу таълимот оптимистик руҳ билан суғорилган бўлиб, унга кўра яхшилик ёмонлик устидан, нур зулмат устидан, гўзаллик хунуклик устидан ғалаба қозонади. Охиратда ҳам ахлоқий пок одамлар разил ва мунофиқларни енгиб, абадий қувонч бағрида яйрайдилар. Лекин қаҳрли ёмонлик инсон қалбига ёпишиб олиб, гоҳида ташқарига чиқиб, ҳаётнинг ёркин кучлари билан олишиб туради. Яхшилик кучларининг ғалабаси ҳақиқий пайғамбар келгандан кейин содир бўлади ва у Анҳра Мануни батамом йўқ қилиб ташлайди. Кимки Зардушт ақидаларига амал қилса қуйидагиларга эришади: "Ҳар куни икки марта сув оқиб ўтадиган, суғориладиган бир бўлак ери, подаси, айвонли ҳовлиси, 15 ёшлик хотини. Ҳовли-жойида олов ёниб турадиган, хотини бўлган, кўп фарзандли, ўз меҳнати билан оиласини боқиб юрган, ерни яхши парвариш қиладиган, молга яхши қарайдиган одам бегуноҳдир".

Кўриниб турибдики, Зардуштнинг ижтимоий идеали бевосита тинч ҳаёт, озиқ-овқатларнинг мўл-кўллиги, севимли хотин, кўп бола, соғлиқ ва узоқ умр билан боғлиқ. Шунинг учун Зардушт оламида на совуқ шамол, на жазирама офтоб, на касаллик, на ўлим бўлади!

"Вандидод"да ёзилишича, "Бунда баҳс-жанжал, бўҳтон, жоҳиллик, тиш тушиши, паканалик ва бошқа Анҳра Манунинг одамларга ўтирган бало-қазолари бўлмайди".

Зардуштийлик дини илгари сурган ахлоқий-ижтимоий идеал кейинчалик ўрта асрлар фалсафасида ҳар қандай адолатсизлик, зулмат ва ҳуқуқсизликка қарши қўрашиб, ҳаққоний, инсонпарвар ва эркин ҳаёт яратган яхши ва одил подшолар ҳақидаги қарашларида ўзининг маънавий ривожини топади. "Авесто"да эстетика фанининг марказий категорияларидан бири бўлган гўзаллик Аҳура-Мазда яратган уйғунлик ва тартибнинг муштараклиги сифатида талқин этилади. Бу уйғунликнинг бузилиши хунуклик аломатидир. Мўл-кўл ҳосил берган ергина, катта ва соғлом подагина, ерни суғорадиган дарё, оламни мунаввар этиб, одамларга завқ-шавқ уйғотувчи қуёшгина гўзалдир. Шунинг учун ҳамма ерга нур ва яхшилик, бахт ва роҳат уруғини сепгувчи Аҳура-Мазда гўзалдир.

Тартиб ва олам уйғунлигига раҳна солувчи Анҳра Ману хунуклик тимсоли. Бузғунчилик, талофат, очарчилик ва офат, ёмонлик ва касаллик, нопоклик ва ёлғон Анҳра Манунинг жирканч ва хунук руҳидан пайдо бўлади. "Ясна"да ёзилган: "Ҳаом, сенга дуолар бўлсин, ким бу уйда, бу қишлокда, бу масканда бўлса, бизнинг қалбимизни, танамизни ҳақорат қилса, унинг оёқларининг кучини ол, онгини хиралаштир, ақлини қисқа қил. Оёғига куч кирмасин, қўли кучга тўлмасин, кўзлари ерни кўрмасин, кўзлари табиатдан қувонмасин!"

Зардуштийлар инсон гўзаллигини ҳам инсоннинг ижтимоий идеал ҳамда амалларнинг гўзаллиги билан ўлчайди. Масалан, "Ясна"даги ривоятга биноан, Гайсу деган йигит ҳам қадди-қомати, ҳам руҳи билан шунинг учун гўзалки, у отларни, одамларни ютаётган, ям-яшил заҳари ўрта бармокдай йўғонликда оқиб турган даҳшатли илонни ўлдиради.

Бинобарин, Зардуштнинг воқеликка эстетик муносабати унинг ҳаётга бўлган қизиқишларининг натижаси сифатида кўзга ташланади. Гўзаллик қаерда ва қачон намоён бўлмасин, у яхшиликнинг ёмонлик устидан, нафосатнинг хунуклик устидан ғалабаси, ҳаёт, нур, олов ҳамда меҳнат тантанаси тарзида тасаввур қилинади. "Мен тоғ чўққиларида сени баданинг яйраб-яшнашига имкон берадиган булут ва ёмғирни дуо қиламан. Ҳаом, сен ўсган баланд-баланд тоғларни дуо қиламан. Мен сенга оталик қилган кенг, бепоён, унумли ерни дуо қиламан. Мен сен ўсаётган муаттар ҳидли заминни дуо қиламан. Сен қушлар мисоли, порсолик мояси бўлиб ўсган. Менинг паноҳимда бутун бадан-нинг, бутун шохларинг, бутун баргларинг билан ўсгин". ("Ясна" Х, Ш).

Зардушт таълимотига қанчалик чуқур кириб борсак, унда инсон гўзаллиги қанчалик юксак ахлоқий-эстетик идеал нуқтаи назаридан талқин этилганини кўрамиз. Инсон фикри, сўзи ва иши билан гўзалдир деган ғоя "Авесто"нинг бошдан охиригача асосий фалсафий-эстетик ғоя бўлиб ўтади. Худди мана шу фазилатларнинг муштараклиги инсон қалби ва амалларининг гўзаллигини белгилайди. Сўз Зардушт наздида яхши фикр ва эзгу амал ифодасидир. Шунинг учун овознинг ширалиги ва майинлиги, шеърларни чиройли ўқий билиш ва дуолар тиловатида меъёрни сақлай олиш инсон эстетик маданиятининг белгиси ҳисобланган. "Ясна"да ёзилганидек, Зардушт туғилган заҳоти, шеърий дуоларни тўрт марта тўхтаб-тўхтаб, ҳар гал овозини баландроқ кўтариб ўқиган.

Демак, зардуштийлар инсон овозига хос бўлган эстетик таъсир этиш қувватидан дуоларни ўқиш ва одамлар руҳиятига кириб боришда усталик билан фойдаланганлар.

Инсон гўзаллиги жисмоний ва маънавий салоҳиятлар уйғунлигида ташкил топади. Порсо одам барча гўзал нарсалар меъёри, зардуштийларнинг ахлоқий-эстетик қарашлари моҳиятини ташкил этади.

Шунга биноан зардуштийлар фалсафасида эстетик ва ахлоқий тасаввур ҳамда тушунчалар чамбарчас боғлиқ бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Худолар ҳам инсоний тус олишиб улар ҳам эстетик жиҳатдан баҳоланган: Яхшилик ва Эзгулик худоси комил, чиройли ва қудратлидир.

Аҳура-Мазда барча инсоний яхши фазилатлар билан йўғрилгани учун унга ибодат қилиш, унга интилиш, у билан маслаҳатлашиш, уни ҳурмат қилиш керак. Унинг ўзи осмону фалакда турса ҳам ердаги барча яхши ва эзгу амалларни бошқаради. У реал инсонлар қиёфасидаги гўзалликдир.

Бу нарса зардуштийларнинг инсон, жамоат ва ҳаёт устида қайғуриш билан боғлиқ гуманистик ғояларини белгилайди. Чунки Аҳура-Мазда дунёга гўзаллик билан ҳаққониятни ўргатиш учун келган. Агар зардуштийлар "гўзаллик" тушунчасига Аҳура-Мазда томонидан бунёд этилган мутаносиблик, дунёвий бирлик ва тартибни қўйган бўлсалар, чиройлилик аниқ ҳиссий идрок этилувчи маънога эга. Масалан, эркак киши соғлом ва дурқун аёлга уйланиши керак бўлса, отларнинг кучли ва оқ ранглиси яхши саналган ва ҳоказо.

Худо, инсон, табиат ва коинот гўзаллиги ҳақидаги тасаввурлар ҳаётий кузатувларга асосланган. Инсон кўзига ва қалбига роҳат бағишлаган нарсалар чиройли саналган. Аҳура-Маздага бағишланган тиловатлар ҳам инсонга илоҳий ҳузур бахш этадиган баланд тоғ чўққиларида ўқилган. Инсон руҳини, дилини, тасаввурини улуғлаш ва кўтариш, инсоннинг маънавий томонига парвоз этишида мададкор бўлиш "Авесто" қўшиқларининг романтик ва тантанаворлигидан далолат беради.

Масалан, намгарчилик ва ҳосилдорлик худоси Анаҳита шундай таърифланади:

У падарлик нутфасини яратувчидир,
У яратгай бу оламда бор аёл жинсин.
Туғруқ учун волидалик бағр – оғушини.
Тўлғоқ дардин осон айлар аёл зотининг
Ҳам муайян вақтда лим-лим сутга тўлдирар
Она кўксини.
Қутлуғ қадам ҳамда беҳудуд,
Узунлиги тенг куррайи замин оралаб
Оққан барча дарёларга, барча сувларга,
Ҳунариё чўққисидан улоқиб, баҳри
Варкушага етгувчи ўктам.
Варкушанинг қирғоқлари қайғуда қолар,
Кўкрагида қўпгай ваҳм ичра тўлқинлар,
Қачон уларнинг сорига,
Қачон улар жонибига елиб келгай
Ардвисура – Анаҳита...
Ардвисура – Анаҳита
Оқиб борди унга томон.
Бир парирўй тимсолида,
Сарвқомат ва шамшодваш,
Камарбаста ва шоиста,
Бошмоқлари тўпиққача ярқираган,
Тиллодандир шокиласи.

Илоҳа Анаҳита ана шундай либос ва зебу-зийнатга бурканган, қадди-қомати келишган, пок ниятли қиз сиймосида гавдаланади:

Қўлларида барсман унинг бир меъёрда,
Балдоқлари ярақлаган, –
Тўрт қиррали,
Олтин суви юргизилган.

Шафқатпеша Ардвисура-Анаҳита
Гарданига чирмашгандир
Гўзал шода.
У қоматин таранг тутар,
Бўртиб чиқсин учун сўлим сийналари
Ва одамлар нигоҳини қаратмоққа
Ўзи томон.

***

Пешонасин зебо этмиш
Ардвисура–Анаҳита
Жозибали гардиш билан
Юз тусдаги ранглар уни безатмишдир,
Тилло суви юрғизилган.
Ўртасида гўзал ҳалқа
Моҳирона яратилган.

Зардуштийларнинг фалсафий-эстетик дунёқарашига ёруғлик ва қувонч, яхшилик ва ҳаёт, гўзаллик ва ҳақиқатни улуғлаш ва куйлаш хос дедик.

Уларнинг ижтимоий идеали ҳам худди шу қувонч, ҳаётдан завқланиш, бунёдкорлик туйғуларини ардоқлаш билан боғлиқ. Табиатнинг соф ва беғубор чиройи, тинч меҳнат гашти, ҳаётга муҳаббат, деҳқончилик ва чорвачилик ўзгача бир меҳр, барча эзгу фикрат ва эзгу амалларни қадрлаш эстетик кечинмаларининг асосини ташкил этган.

Бу нарсалар "Авесто"нинг эстетик моҳияти афсонавий образлар орқали меҳнатга, гўзалликка ва инсоний олижаноблиққа тўқилган қасидалар дейишга олиб келади.

"Авесто" – нафақат Шарқ халқларининг, балки бутун инсониятнинг фараҳли "болалик" паллалари боғлиқ олам ҳақидаги эътиқод, билим ва тасаввурлар қомусидир.

Бу нодир маънавий қадрият намунасини ўқиган сари шундай хулосага келамизки, диний эътиқод ҳали инсоннинг дунёни билиш салоҳиятига кўланка ташламай, имон ва эътиқод дунёни билишнинг ўзига хос шакли, билим эса инсоннинг ривоятларга ишончи ва ҳали кенгайиб, чуқурлашиб кетмаган амалий фаолиятининг натижаси сифатида намоён бўлади. Инсон ривоятлар ва ғаройиботлар билан йўғрилган тасаввурида чинакам ҳаётий жараёнлар қаторида хаёлий кучларнинг мавжудлигига ҳам ишонган, жамият миқёсида шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва белгиларини тасдиқлаш мураккаб хаёлот замзамалари замирида содир бўлган. Хаёлотнинг ҳаётийлигига ишониш ва унга эътиқод қўйиш зардуштийларнинг фалсафий, ахлоқий ва эстетик қарашларига қанот бағишлаган.

Зардуштийлик ривоятларга тўлибтошган дунёқарашига қарамай ҳар нарсада инсонпарварликни, тинчлик ва бунёдкорликни биринчи ўринга қўйиши уни инсоният тарихида, хусусан, Ўзбекистон халқлари тарихида буюк маънавий мерос сифатида беназир аҳамиятга моликдир.

Ўтган асрнинг охирларида Фарғона вилоятининг Сўх қишлоғида бир тумор топилган. Қора тошдан ишланган бу туморда бир-бирига чирмашган иккита заҳарли илон тасвирланган. Бу илонлар образи зардуштийларнинг ёруғ ва зулмат кучларининг кураши рамзи бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки "Авесто"да Аждаҳо ёмонлик ва ўлим тимсоли сифатида жуда кўп марта тилга олинади. Тумор ҳам кишида ана шундай кўркинч ва даҳшат туйғуларини уйғотади.

Шунингдек, бу туморнинг қора тошдан ишланиши ҳам бежиз эмас. Ҳам илонларнинг, ҳам қора рангнинг ёмонлик, зулмат ва ўлим билан боғлиқлиги "Авесто"нинг ҳар бир қисмида таъкидлаб ўтилади. Бинобарин, Сўх қишлоғидан топилган туморга қараб зардуштийларнинг бадиий-эстетик тасаввурлари бўйича маълум хулосаларга келиш мумкин.

Сўх қишлоғининг "тош илонлари"га ўхшаш топилмалар кейинчалик Месопотамияда ҳам учрайди. Гулдонга иккита илоннинг бургут билан жанги туширилган. Бу ерда илонлар ёмонлик тимсоли бўлса, бургут куч ва адолат рамзи бўлиб гавдаланади. Худди шундай ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик кучларининг кураш рамзи сифатида Озарбайжоннинг Эронга тегишли қишлоғида топилган иккита илонни чангаллаб турган бургут тасвири ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда топилган археологик қазилмалар ва Хоразмдаги қадимги қалъаларни тадқиқ этиш шундан далолат берадики, жуда кўп халқ амалий санъати ҳамда меъморий обидалар отошпарастлар ақидаси ва уларнинг дунёқарашига бориб тақалади. Топилган сопол буюмлар ва ҳайкалчалар, тумор ва кўзмунчоқлар аксарият ҳолларда илоҳийлаштирилган рамзий образлар шаклида ишланган.

1894 йили Фарғонанинг Ҳақ қишлоғида бронза ва кумушдан ясалган буюмлар хазинаси топилган эди. Унда бош томонига фигуралар ўрнатилган бронзадан ясалган тўғноғич бор. Бу тўғноғични Г.А.Пугаченкова ва Л.Й.Ремпеллар эрамиздан аввалги 3-2 мингинчи йиллар билан изоҳлайдилар.

Биринчидан, бу тўғноғичнинг ана шундай қадимийлиги зардуштийлар таълимотини ҳам қадимийлигига ашёвий далил бўлса, иккинчидан, тўғноғичда тасвирланган сигир, бузоқ ва аёл образлари ҳам зардуштийлар дунёқараши ва ҳаёт тарзи ҳақида етарли маълумот бера олади. Тўғноғич дастаси бошида сигир, у бузоқни ялаётгандай, қулоқларини осилтириб, осойишта турибди. Ён томондаги аёл сигирнинг қорни томон икки қўлини кўтариб уни соғаётган ҳолатда тасвирланган.

Эрамиздан 3-2 минг йиллар аввал яратилган бу санъат асарининг яратилишига туртки бўлган тушунча ва тасаввурларга мурожаат этадиган бўлсак, унинг зардуштийлар дунёқарашига қанчалик яқин эканлигини кўрамиз.

Юқорида зикр этилганидай, зардуштийлар мол боқиш, айниқса, сигирларни парвариш қилишни сиғиниш даражасида муқаддас санаганлар. Тўғноғичда тасвир этилган образларнинг умумий руҳи тинч қишлоқ ҳаётига хос бўлган фароғатдан ҳикоя қилади. Бу эса тинчлик, омонлик, меҳнат, аёллар ва молу мулкни ардоқлашни асосий вазифа қилиб қўйган зардуштийларнинг ҳаётий нияти ва мақсади бўлган. Худди шу ғоя тўғноғичда реалистик тасвир орқали ўз ифодасини топган.

Фарғонанинг Ҳақ қишлоғидан топилган амалий санъат намунасига ўхшаш тўғноғич Эроннинг Тепа Ҳисор қишлоғида ҳам топилган. Унда ҳам зардуштийлар фаолиятини белгиловчи ер ҳайдаш, шудгор қилиш, ерни эъзозлаш ғояси ўзининг бадиий ифодасини топган. Унда иккита ҳўкиз ва улар ёрдамида ер ҳайдаётган деҳқон образини кўрамиз. Бу тўғноғичнинг пайдо бўлишини олимлар турлича талқин этишади: В.М.Массон уни эрамиздан аввалги 2 мингинчи йилларга тақаса, С.Пиллотт 2000-1500 йиллар билан изоҳлайди.

Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики, зардуштийлар даври бадиий-эстетик тафаккурида илоҳиёт ҳақидаги тасаввурлар ҳаётий эҳтиёж ва амалларнинг маънавий ифодаси бўлган.

Чирчиқ дарёси бўйлаб, хусусан, Хумсон ва Обирахмат қишлоқларидан топилган билакузуклар ҳам эрамиздан аввалги XII-XI асрларга бориб тақалади. Буюмларнинг табиийлигига, катта аҳамият берилиши, билакузук икки учининг худди ёш қийик ё эчкиларнинг шохига қиёсан ишланиши ўша давр санъаткорлари оламфаҳми ўз даври моддий-маънавий эҳтиёжлари доирасида тараққий этганидан далолат беради. Фарғонанинг Водил қишлоғи қабристонидан топилган билакузукнинг кўриниши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бўстонлиқ туманининг Хумсон қишлоғидан топилган, эрамиздан аввалги I мингинчи йилларга тааллуқли, ҳозир Эрмитажда сақланаётган тўғноғичсимон буюм ҳам зардуштийлик таълимоти ва "Авесто"да ҳикоя қилинган воқеалар билан ҳамоҳанг.

Бронзадан қуйилган бу тўғноғичсимон буюм худди қўполроқ стаканни эслатиб, унинг атрофига одам ҳайкалчалари қуюб ёпиштирилган. Юқори – уч қисми баҳайбат ёввойи ҳайвонни эслатади. У орқасига бироз чўккан, боши йўғон ва калта, панжалари семиз ва оғир. Унинг икки биқинига иккита боласи ёпишиб олгандай. Балки бу айиқнинг ё шернинг тимсолидир. Идишнинг пастки қисмида ўйинга тушаётган аёллар образи ифода этилган.

Бу кичкина ҳайкалча катта маҳобатли санъат асарига хос хусусиятга эга. Унда гўё осмону фалакка ё бутун борлиқ узра қараб турган аллақандай куч-қудрат тимсоли ва унинг натижаси ўлароқ пастдаги аёллар рақси – қувончи. Бу ҳайкалча ҳам аллақандай яхшилик тан-

танаси, улуғворлик ғолиблиги ҳақида ҳикоя қилаётгандай тасаввур уйғотади.

"Авесто" матни, унинг образлар дунёси археологлар томонидан Ўзбекистонда топилган ва тадқиқ этилган халқ амалий санъати ҳамда асори атиқаларининг инсоният ижтимоий-фалсафий ва бадиий-эстетик тараққиётининг қадимий даврига тўғри келувчи бу обидалар ўша даврнинг ҳаётга бўлган муносабатларида диний ва бадиий тафаккурнинг муштарак тараққий этганидан далолат беради. Л.И.Ремпель таъбири билан айтганда, "архиак санъат шартлилиги уруғдошлик қабиласи муҳитининг натижаси, дунёни диний ва бадиий идрок этиш шакли, воқеаларнинг ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлиги ҳақидаги ҳиссий ва мантиқий ифодалаш усули эди. Бу нарса улардаги маъноларнинг яширин-пардали тасвирланиши, ҳиссиёт ва мантиқий тафаккурининг ажралмаслиги, доимий равишда бир хил қайфиятлар ёки фикрнинг ўзаро алмашиб туришида кўринади".

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, "Авесто" даври санъати, "Авесто" матни гарчи ўта умумлаштирилган ва шартлилик асосида қурилган бўлса-да улар ўзининг ҳаётий мазмуни, моҳияти билан бебаҳодир. Ҳаётдан олиш ва ҳаётга қайтариш "Авесто" даври бадиий-эстетик ва фалсафий тафаккурининг асосий йўналишини белгилайди.

"Авесто"да қуёш худоси Митрага бағишланган қасида бор:

"Ва бу аравани элтадир
Тўрт оппоқ тулпор.
Абадий ва учқур арғумоқ
Руҳи билан ўсган жонворлар.
Олд туёғи тиллодан унинг,
Орт туёғи кумушдан унинг,
Ва ягона бўйинтуруққа
Боғланғандир тўртталови ҳам,
Мустаҳкамдир тоза шотиси,
Илгаклидир ва чидамлидир."

Амударёдан топилган, эрамиздан аввалги V-IV асрларга тегишли хазинада худди мана шу сўзларнинг иллюстрациясини кўрамиз. Унда тўртта отга қўшилган аравача устидаги иккита одам сиймоси олтин ҳайкалча тарзида ишланган.


"Авесто" матнининг бунчалик аниқ ва реал тарзда бадиий талқин этилиши, зардуштийлик ўз даври бадиий тафаккурининг асосигина эмас, унинг воситаси бўлганлигидан ҳам далолат беради. Олтин ҳайкалчада рамзий образлар маъноси реал шакллар орқали ҳаётий гавдаланган. Бу аравача модели орқали қуёш худоси Митранинг улуғвор, олижаноб ва ёркин образи тасвирланади. Унинг ўтиришида абадият туйғусига йўғрилган улуғворлик кайфияти мужассамлашган. Ана шу Амударёдан топилган хазинадаги қанотли ҳўкиз ва қанотли эчкиларнинг тасвири ҳам ҳаётий реал мавжудотларга афсонавий маъно бериш ва афсонавий ривоятларни реал мавжудотлар тарзида идрок этган зардуштийлик таълимотига ёркин мисол бўла олади.

Моддий-маънавий илдизларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи яна бир нодир топилмалардан бири 1939 йили Катта Фарғона канали қурилиши пайтида топилган, ҳозир Ўзбекистон тарихи музейида сақланаётган, эрамиздан аввалги VI-IV асрларда қуйилган катта бронза қозондир. Қозоннинг четидаги тўртта қулоқлари орасига бир-бирининг орқасидан кетаётгандай тўртта эчки ҳайкалчалари ўрнатилган. Оғир қозон маълум ибодат анжомларидан бири бўлиши мумкин. У асло бирор оила учун мўлжалланган эмас. Хусусан, ундаги ҳайкалчалар шаклидаги қулоқлар ҳам чархпалак дунё ва унда айланма ҳаракат қилаётган эчкилар ҳақида ҳикоя қилади. Агар зардуштийлар таълимоти ва ўша давр дунёқараши нуқтаи назаридан уни томоша қилсак, уч оёқда турган қозон дунё, эчкилар эса осмондаги сайёраларнинг узлуксиз ҳаракати ҳақида ҳикоя қилаётгандек. Қозоннинг диний маросим ёки ҳаётий эҳтиёжлар туфайли яратилганига, балки "Наврўз"да табиатга бўлган айрича муносабат белгиси эмасмикин, шундай қозонларда "Авесто"да куйланган "ҳаома"лар, сумалак ёки ҳалимлар пиширилган эмасмикин, деган хаёл туғилади. Чунки зардуштийлар ҳар бир яхши ва пок инсоний эҳтиёжларни қадрлашни илоҳий ибодат тарзида бажарганликлари маълум.

Зардуштийлар таълимотининг оптимистик ва гуманистик моҳияти бу таълимот таъсирида ёки заминида яратилган бадиий тасвир асарларининг соддалиги, халқчиллиги ва рамзий шартли образлар тилида ҳам кўринади. Бу асарларнинг мазмуни ва бадиий тасвир хусусиятлари билан уларни бунёд этган ижтимоий ҳаёт ва дунёқараш ўртасида зиддият кўринмайди. Диний-фалсафий ва ижтимоий тафаккур бадиий идрок билан шундай чирмашиб кетганки, бадиий онгдан диний-фалсафий ва ижтимоий маънони, диний-фалсафий ва ижтимоий идеаллардан бадиий тўқимани ажратиш қийин бўлиб қолади.

Ўзбекистон санъати тарихи шундан далолат берадики, диний тасаввурлар, афсонавий ривоятлар, фалсафий тушунчалар, ахлоқий-эстетик қарашлар одамларнинг моддий ҳаёт тарзи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлгани одамларнинг индивидуал ва ижтимоий ҳаёти умумий моддий-маънавий фаолияти билан қўшилган бўлиб, бу фаолият эса инсонни ўраган воқелик, муҳитдан озиқланиб турган. Шунинг учун ривоятларда ҳаёт, ҳаётда ривоят устунлик қилган.

Бу жараён афсонийлар даврида ҳам давом этган. Масалан, эрамиздан аввалги VIII-VII асрларга тааллуқли "Бошида эчки кўтарган илон" (Теҳрон, Форуғий коллекцияси) бронза ҳайкалчада одамларга ўз туҳфаларини тортиқ қилаётган ҳосилдорлик ва чорвачилик худоси тасвирланади. Ҳайкалча юксак илоҳий мурувват руҳида ишланган. Агар тарихдан ахмонийлар подшолигининг зардуштийликни ўзининг расмий дини сифатида қабул қилганини эътиборга олсак, бу даврга келиб энди барча бадиий-тасвирий асарларда зардуштийлар таълимоти очиқ-ойдин ва кенг кўламда ўзининг эстетик моҳиятини намоён этганини кўрамиз.



Л.ТИОРАнинг "Авесто" туркумидан.

Ҳайкалчалар, халқ амалий санъати ва бинолардан тортиб, барча инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳодисалар яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги кураш фалсафаси асосида яратила бошлайди. Масалан, Персеполь шаҳрига кираверишдаги бинонинг тўрт томонида Ксеркслан қолган қуйидаги сўзлар мавжуд бўлган: "Аҳура-Мазда ёрдами

орқали барча халқлар ва барча мамлакатларга мен шу дарвозани қурдим. Бу ерда бошқа кўп ажойиб биноларни мен қурган эдим, отам қурдирган эди. Нимаики қурилган ва гўзал бунёд этилган бўлса, биз Аҳура-Мазда ёрдами билан қилганмиз".

Эрамиздан аввалги 6-5 минг йилликка тааллуқли, буқани ғажиётган шерни тасвирлаган зинапоядаги рельеф бор. Бу рельефда шер образи куч-қудрат ва давлат рамзи сифатида тасвирланган. У





яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги тушунчага асосланган бўлса-да рамзий маънолар мураккаблашиб кетади. Бир томондан шер давлат ва инсон қудрати бўлиб туюлади. Иккинчи томондан, буқа азоб чекаётган, жабр тортаётган, покизалик ва гўзаллик рамзи сифатида меҳр-шафқат уйғотади. Ана шу тариқа буқа ҳаётнинг ёркин ва яхши мавжудоти сифатида талқин қилинади.

Зинапоя шоҳ Доро-Ксеркс оромгоҳи томон йўналгани учун ҳайкалтарош асосий эътиборни давлатнинг куч-қудратини улуғлашга қаратишга мажбур эди.

Аҳмонийлар даврида яратилган гулдоннинг тог такасига ўхшаш қулоғи худди бегубор фаришталар сингари юксак маънавият билан йўғрилган. Бу гўзаллик туйғуси, эркинлик идеалининг рамзий ифодасидир. Поклик, озодлик ва олижаноблик шартли тасвири реал инсоний кечинмалар ўйини орқали берилган

Қанотли фариштa образи кейинчалик Шарқ поэзияси ва санъатида софлик, муҳаббат ҳамда гўзалликнинг ўлмас ва абадий тимсолига айланиб қолади.

Г.А.Пугаченкованинг ёзишича, эрамизнинг бошланиш биринчи асрларида Ўрта Осиёда она-замин билан боғлиқ тангрилар образини ифодалаш санъатда аввалгидай давом этган. Археологик қазилмалар жараёнида Хоразм, Бақтрия ва қадимги Суғдиёна ерларида Кушан подшолари сиймоси зарб этилган танғалар қатори жуда кўплаб аёл тимсолларидаги ҳудоларнинг сопол ҳайкалчалари топилган.

"Афросиёбдан топилган туркум ҳайкалчаларни "Анаҳита"лар деб юритиш одат тусига кирди, – деб ёзади Г.А.Пугаченкова. – Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, саккиз қирралик қимматбаҳо тошлар билан безатилган чамбарак таққан, белидан юқорироқ белбоғ боғлаган, қундуз мўйнасини устига ташлаб олган, "Авесто"даги гўзал қиз сиймосидаги Ардвисура-Анаҳитага улар деярли ўхшаш эмас, чунки булар қиз эмас, бош кийимларига қараганда турмуш қурган аёлларни эслатади... Сўғдиёна тангриси табиатнинг ҳаётбахш кучларини ифодалайди. У "Авесто" билан боғлиқ Анаҳита, Ошa ва Хайрватат сингари ҳудоларнинг йиғма, кейинчалик турли маҳаллий шароитларга мослаштириб гавдалантирилган кўринишидир".

Ибтидоий замонлардан тортиб зардуштийлик даври фалсафий-эстетик тафаккур хусусиятларини ўзида инъикос этган бадиий ижодият турли даврларда халқ ва профессионал санъатнинг ранг-баранг шаклларида тараққий этиб келди. Бадиий онгнинг яхлит кўлами айрим эстетик ирмоқларга ажралмаган ҳолда санъатнинг ўзига хос ва шартлилик қонуниятларини ривожлантириб борди. Инсон гавдаси, қўл тузилишлари, юз ифодасидаги маълум тартибга асосланган тасвирлар турли тангрилар образи учун ҳам ўзгармас тимсол вазифасини бажаради. Бироқ ҳудолар образида ҳар бир муҳит ва давр тамғаси бўлиши маҳаллий этник белгилар ҳам ўз аксини топа бошлади. Бунинг оқибатида барча ўткинчи ва абадий нарсаларнинг яратувчиси бўлган ҳудолар ва руҳонийларнинг умумлашма тасвирли образларида улуғворлик кайфияти ва ахлоқий-маънавий мезон кучайди. Шунингдек, ҳар бир тангри маълум вақт маҳсули ҳамда маълум ўз таъсир маконига эга бўлгани учун унинг образи маҳаллий ва этник ҳаётий чизгилар билан бойиб борди.

Шунинг учун ҳудолар ва табиат ҳодисаларининг тасвирий гавдалантирилган образларида халқнинг коинот ҳақидаги романтик идеали, афсоналарга йўғрилган гўзаллик туйғулари ўз ифодасини топган.

Ўрта Осиё санъатининг эстетик дунёси, бир томондан, мифологик образлар, лавҳалар билан йўғрилган бўлса, иккинчи томондан, бундай ривоятлар билан реал ҳаёт манзараларининг бирикуви санъатнинг тур ва жанрларидаги ранг-барангликкa ҳам олиб келди.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон халқларининг афсона ҳамда ривоятлари ниҳоятда кўп қатламли бўлиб, уларда шомонийлик, зардуштийлик, буддизм ва бошқа эътиқодларга хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Шуниси қизиқки, ривоятлар қачон ва қайси эътиқод туфайли пайдо бўлмасин, уларда яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, гўзаллик ва хунуклик, адолат ва адолатсизлик, нур ва зулмат масалалари асосий ўринни эгаллаган.

Ривоятлар ҳамда таълимотлар қанчалик диний тушунчалар орқали тарқалмасин, уларда одамларнинг бевосита яшаш тарзи ва муҳит хусусиятлари ҳам муҳрланиб қолаверган. Шунинг учун барча таълимот ва ривоятлар халқ фантазияси билан бойиган, натижада афсона ва ривоятлар халқнинг фалсафий, бадиий-эстетик ва ахлоқий ғояларини ифода этиш шаклига айланган.

Табиат, жамият ва ҳаётни инсон учун яратилган моддий-маънавий неъмат сифатида талқин этиш, уни асраб-авайлашга даъват этиш қадимги маънавий меросимизнинг буюк гуманистик мазмунини ташкил этади.

"Авесто" бунинг ёркин намунасидир.



АВЕСТО

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ

45

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Офтоб остида ётган одам жасади ерга тушиб кетса, ер неча вақтдан сўнг ўзининг дастлабки покизалик ҳолига қайтади?

46

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Эй, Ашаван Зардушт!

Офтоб остида ётган одам жасади ерга тушиб кетган лаҳзадан беш йил ўтгач, замин ўзининг дастлабки поклик ҳолига қайтади.

47

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Одам жисми тупроққа топширилгач қанча муддатдан сўнг замин ўзининг дастлабки поклик ҳолатига қайтади?

48

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Эй, Сипиймон Зардушт!

Одам жисми тупроққа топширилган лаҳзадан эллик йил ўтганидан сўнг замин ўзининг дастлабки поклик ҳолига қайтади.

49

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Одам жасади қўйилган дахманинг тупроғи неча фурсатдан сўнг ўзининг бирламчи покизалик ҳолига қайтади?

50

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Эй, Сипиймон Зардушт!

Мурдор тупроғи замин тупроғига айланганидан сўнг*.

Бу дунёда, эй Сипиймон Зардушт, барча-барчани дахмаларни бузиб ташлашга даъват айла!**

51

Кимдан-ким бўйи баробарида дахмаларни вайрон қилиб ташласа, унинг сўз, фикр ва амалда содир этган гуноҳлари кечирилади. Бу гуноҳлар товони унинг гарданидан соқит бўлади.

52-54

Икки олам унинг руҳини қўлга киритмоқ учун жанг қилмайди ва абадий саодат манзилига оёқ қўйганида юлдузлар, ой ва қуёш унинг дийдорини кўриб шодмон бўладилар. Мен – Аҳура-Мазда – уни кўриб шодликдан шундай хитоб қиламан:

"Эй, мен халқ қилган зот, сенга саломлар бўлсин! Сен ёзуғ ва хатоликлар заминидан абадий саодат манзилига ташриф буюрмоқдасен!"***

55

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Девпарастларнинг макони қаерда?

Девлар гуруҳи мудом изғиб юрадиган макон қаерда?

Девлар гуруҳи учиб келадиган манзил қаерда?

Қаерда ўша маконки девлар гуруҳи элликлаб, юзлаб, минглаб, ўн минглаб, ўн минглаб, ўн минглаб кишиларни ўлдирмоқ учун шитоб қиладилар?

56

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Ер юзининг мурдалар жамланган ва дахмалар пойдор бўлган манзилидир. Ўша ер девлар маконидир. Ўша ер девлар гуруҳи мудом изғиб юрадиган макондир.

Ўша ер девлар шитоб билан етиб келадиган манзилдир.

Ўша ерда девлар гуруҳи элликлаб, юзлаб, минглаб, ўн минглаб, ўн минглаб, ўн минглаб кишиларни ўлдирмоқ қасдида жон талашадилар.

57

– Эй, Сипиймон Зардушт!

Ўша дахмаларда девлар хўрак ейдилар ва еган хўракларини қайт қиладилар.

Улар, сиз одамлар бу моддий оламда пишган гўшт ва хўрак еганларинг каби таом тановул қиладилар.

Эй, инсонлар!

Ўша дахмаларда сизнинг димоғингизга таралган нарса девлар таомининг ҳидидир.

58

Токи ўша дахмаларда чирк ва палидликлар мавжуддир, девларнинг шодиёнаси бардавом бўлади.

Энг ёмон касалликлар – иситма, моддалаш, нотавонлик, суякнинг ириши, эрта соч оқаришлар ўша дахмалардан содир бўлади.

У ерларда шомдан бомдодга қадам ўлим одамлар устидан буюк қудрат билан ҳукмронлик қилади.

59

Агар маздапарастлар ўша дахмаларда яхшилик кучларини қидирмасалар оёқ, қўл ва сочларга ёпишган касалликлар бир одим миқдорида зўрайиб бораверади...

Изоҳ

* Зардуштийлар ақидасига кўра, одам жисми, яъни одам тупроғи роса эллик йилдан сўнг замин тупроғига батамом қўшилиб кетади ёхуд замин тупроғига айланади.

** 3-фаргарднинг 9-13-бандларида таърифланишича қай бир заминда мурдорлар ва дахмалар кўп бўлса, ўша ер энг бахтсиздир.

*** Маздапарастлар ақидасига кўра, одам ўлганидан кейин дўзах ва жаннат, девлар ва шоҳлар унинг руҳини қўлга киритиш учун жанг қиладилар. Астувзувту, вайзариш, бадвой исмли кучлар гуноҳкорлар руҳини дўзах томон тортадилар. Меҳр, суруш, рашн ва бихвой номли кучлар яхшилар руҳини биҳишт томон тортадилар. Бу жанг уч кеча-кундуз давом этади. Мурда ортидан қолганлар уч кеча-кундуз меҳр, суруш, рашн ва бихвой номли кучлар шаънига ҳамд-санолар ўқиб, улардан марҳум руҳига мадад беришларини илтижо қилиб сўрайдилар.

ЎНИНЧИ БЎЛИМ

73

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Одамлар овқатланадиган идишлар итлар ё инсонлар мурдорига тегиб кетса, уларни поклаб бўладими?



74

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Поклаб бўлади.

– Қандай йўл билан поклаш мумкин?

– Агар идиш олтиндан бўлса, бир марта кўмиз билан ювилади, бир марта тупроққа беланади, бир марта сувга чайилади. Шунда пок бўлади.

Агар идиш сиймдан бўлса, икки марта кўмиз билан ювилади, икки марта тупроққа беланади, икки марта сувга чайилади. Шу билан идиш пок бўлади.

75

Агар идиш қалайдан бўлса, уч марта кўмиз билан ювилади, уч марта тупроққа беланади, уч марта сувга чайилади. Шундай қилиб идиш покланади.

Агар идиш темирдан бўлса, тўрт марта кўмиз билан ювилади, тўрт марта тупроққа беланади, тўрт марта сув билан чайилади. Шу йўл билан идиш покиза бўлади.

Агар идиш тошдан бўлса, олти марта кўмиз билан ювилади, олти марта тупроққа беланади, олти марта сув билан чайилади. Шунда идиш пок бўлади.

Тупроқ, чўп, сопол идишларни поклаш мумкин эмас.

ЎН БИРИНЧИ БЎЛИМ

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Инсонлар ё итлар жасадини еган сигирни поклаб бўладими?

76

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Эй, Ашаван Зардушт!

Поклаб бўлади. Бироқ бир йил давомида олий руҳоний мўбад ўша сигирдан барсам маросими учун сут ва завр[89] маросими учун гўшт олиб ишлатиши мумкин эмас.

Бир йилдан сўнг бир порсо киши ўша сигирдан бурунгидек фойдаланса бўлади.*

ЎН ИККИНЧИ БЎЛИМ

78

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ашаван бўлиш андишасида юрган ким? Бу орзуда юрган ким? Аммо ким у бу йўлдан гумроҳ бўлган?

Кимдир у ашаван бўлиш орзусида бўлса-ю, девлар йўлидан борса?

79

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Ашаван бўлиш орзу ва андишасида юриб, гумроҳлик қилган мурдор булғаган сувни маросимга олиб келган кимсадир. У кун ботганидан кейин ва қуёш чиқмасдан бурун завр маросимини адо этган зотдир.**

САККИЗИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1

– Агар ит ё одам ёғочлик уй ёхуд қамиш ёпилган кулбада ўлиб қолса маздапараст нима қилмоғи керак?

2

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Улар дахма қидирмоқлари керак. Улар бутун тегра-атрофни айланиб дахма исташлари лозим.

Агар мурдани хонадан олиб чиқиш, уни ўша ерга жобажо қилмоқдан осонроқ бўлса, мурдани хонадан олиб кетадилар. Хона ўз ўрнида қолаверади ва урувасний[90], ву-

Изоҳ

* Сигирдан бевосита ўз ҳолича тўкилган нарса ҳалол, демак истеъмол қилса бўлади. Агар ўша нарса сигирдан билвосита олинса – ҳаром. Истеъмол қилиб бўлмайди. Бўғоз сигир мурдор емасдан бурун тўкқан бўлса унинг боласи пок; агар еганидан сўнг тўкқан бўлса, боласи ҳаром ҳисобланади.

** Одатда, зардуштийлар маросимига пок сув кун отиб, ботгунга довур келтирилади. Пок сувларни қуёш отмай туриб ёхуд ботганидан сўнг олиб келган кимсанинг гуноҳи бу назр-ниёзларни заҳарли илоннинг оғзига қуйган билан баробар бўлар экан.

ҳав-гавна[91], вуҳав-гиритий[92], ҳазанаипата[93] каби хушбўй гиёҳлар тутатилади.

3

– Агар мурдани хона ичига жойлаштириш уни дахмага олиб бормоқдан осонроқ бўлса, маздапарастлар мурдани хонада қолдириб, уни тарк этмоқлари лозим. Хона уруваснй, вуҳав-гавна, вуҳав-гиритий, ҳаза-наипата каби хушбўй гиёҳлар билан ислантирилади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар маздапарастлар уйида ногаҳон ит ё бирор одам ўлиб қолса ва ўша дамда ёмғир, қор ёғиб, шамол кўтарилса* ёхуд қоронғулик чўксса, маздапарастлар нима қилишлари керак?

5-7**

8

Маздапарастлар у ерда, гўр қазидилар (агар ер қаттиқ бўлса, гўрнинг чуқурлиги ярим одим, агар ер юмшоқ бўлса, жасад устидан ярим одим чуқурроқ қилиб қазийдилар). Гўр саҳнига кул ё мол тезаги сочилади. Гўр оғзи пишган ғишт, тош ё кесак билан ёпилади.***

9

– Маздапарастлар мурдорни ўша ерда икки ё уч тун ёхуд бир ой токи қушлар парвозга кириб, гиёҳлар кўкаргунча, селобалар равон оқиб, шамоллар ер юзидаги намликни қуритгунга қадар сақлашлари лозим.

10

Қачонки, қушлар парвозга кириб, гиёҳлар бош кўтарса, селобалар равон оқиб, шамоллар ер юзидаги намликни қуритса, маздапарастлар деворни тешадилар.* Икки нафар бақувват эрни чақириб келадилар.** Улар тўнларини ечадилар*** ва мурдорни кўтариб, тош, оҳак ва тупроқдан қурилган иморатга олиб борадилар. У ерда итлар ва ўлаксахўр қушлар бўлади.

11

Шундан кейин мурдакашлар ўтирадилар ва дафн маросимини бошқараётган мубад маздапарастларга юз буриб, хитоб қилади:

– Эй, маздапарастлар!

Бу ерга пешоб келтиринглз, токи мурдакашлар соч ва танларни ювсинлар!

12

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдакашлар соч ва таналарини ювадиган пешоб қандай бўлиши керак?

Қўй ва новвос пешобими?

Эркак ё аёл пешобими?

13

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– На аёл, на эрнинг, балки қўй ва новвоснинг пешоби. Эр ва аёл мурданинг энг яқин қариндошларидир.

Маздапарастлар мурдакашлар ўз соч ва таналарини ювишлари учун пешоб ҳозирлаб қўйишлари даркор.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

14

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Қўйлар ва сигирлар суруви, эркаклар ва аёллар гуруҳи, сенинг ўғлинг бўлмиш олов, эй Аҳура-Мазда ва барсам дасталарини тутган ашаван итлар ва мурдори олиб ўтилган йўлдан қайта ўта оладиларми?

15

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– На қўйлар ва сигирлар суруви, на эркаклар ва аёллар гуруҳи, на сенинг ўғлинг бўлмиш олов, эй Аҳура-Мазда ва на барсам дасталарини тутган ашаван итлар ва одамлар мурдори олиб ўтилган йўлдан қайта ўта олмайдилар.

16

Сизлар тўрткўз сариқ итни ёхуд сариқ қулоқли оқ итни уч карра ўша йўл бўйлаб олиб ўтмоғингиз керак.

Қачонки тўрткўз сариқ ит ёхуд сариқ қулоқли оқ ит ўша ерга олиб келинса, виз-визлаган чивин жисмига сингган насв деви мурдорнинг орқа олдидан чиқиб, энг чиркин ва палид храфстралар конига қочиб кетадилар.

17


Агар ит ўша йўлдан хоҳишсиз, зўрлик билан олиб ўтилса, тўрткўз сариқ ит ёхуд сариқ қулоқли оқ ит билан бутун йўл бўйлаб олти марта кечилади...

18

Агар ит ўша йўлдан хоҳишсиз, зўрлик билан олиб ўтилса, тўрткўз сариқ ит ёхуд сариқ қулоқли оқ ит билан бутун йўл бўйлаб тўққиз марта кечилади...

19

Бу руҳоний – мўбад олдинда бораркан, ушбу буюк дуони зикр этади.



Изоҳ

* Ёмғир ёғаётганда ёхуд ёмғир ёғиши кутилганда мурдани дахмага олиб бориш мумкин эмас. Борди-ю йўлда ёмғир бошланиб қолса ва мурдорни бирор ерда сақлаш имконияти бўлса, шундай қилган маъқул, акс ҳолда орқага қайтмасдан манзил сари бормоқ ва мурдорни дахмага етказмоқ керак. Зинҳор изга қайтиш раво бўлмайди. Дахмага дохил бўлганларидан сўнг, у ерни сув босган ҳолда кўрсалар, мурдорни қўйиш мутлақо мумкин эмас.

** 3-фаргарднинг 5-7-бандлари; 5-фаргарднинг 46-47-бандлари такрорланади.

*** 5-фаргарднинг 10-бандида ўқиганимиздек, мурдор "зод-марг" деб аталадиган махсус жойда ёлғиз сақланиши керак эди. Бу ерда зикр қилинаётган русм эҳтимол ғоятда қадимийдир. Ушбу одат кейинги даврларда мансух қилинган.

* Агар мурдор уй соҳиби ёхуд уй бекаси бўлса, улар девор тешигидан, бошқа мурдалар эшикдан олиб чиқилади. Олмон мамлакатида ўликлар тириклар кириб-чиқадиган эшикдан олиб борилмайди. Улар ўликлар ва тириклар борадиган йўл бир бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайдилар.

** Бу икки киши "насвкаша" ёхуд "мурдакаш" дейилади. Ўликни ердан икки киши кўтариши лозим. Улар эркак ё аёл бўлишлари мумкин. Бунинг фарқи йўқ.

*** Улар ўзларининг эгнидаги доимий либосларини ечиб, мурда кўтаришга мўлжалланган махсус "дахма тўни"ни киядилар.

20

– Эй, Мазда! Эй, Азизлар!

Бизни душманлар адоватидан асранглиз!


Эй, дуруж! Эй дев!

Нобуд бўл!

Эй, девзодалар!

Нобуд бўлингиз!





21

Эй, дуруж!

Йўқол ва нобуд бўл!

Эй, дуруж!

Бу ердан йўқол ва йироқ кет! Сен бу Ҳақиқат оламини булғамагайсан ва нобуд қилмагайсан!

22

Шундан сўнг маздапарастлар қўйлар ва сигирлар суруви, эркаклар ва аёллар гуруҳи, сенинг ўғлинг бўлмиш олов, эй Аҳура-Мазда ва барсам дасталарини тутган ашаван итлар ва одамлар мурдори олиб ўтилган йўлдан бора оладилар.

Шундан сўнг, маздапарастлар ўша хонадонда гўштлик хўрак ва шароб сақлай оладилар.* Хонадон пок бўлади ва у ерда бурунгидек тирикчилик қилиш гуноҳ саналмайди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

26

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар бир эр бошқа бир эр билан зўрлик асосида баччавозлик қилса, жазоси қандай бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– "Аспаҳиҳ-ашатра" ва "саравушу-чарана" қамчинлари билан саккиз юз мартадан саваланади.

27-30

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар бир эр бошқа бир эр билан келишган ҳолда баччавозлик қилса, жазоси нечук, товони қандай ва бу булғанч гуноҳдан у пок бўла оладими?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бундай гуноҳ оқланмайди ва унга ҳеч қандай товон ҳам йўқ...

31

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Дев ким?

Девпараст ким?

Девларнинг эркак ҳамхонаси ким?

Мода дев ким?

Ўз ботинида дев асраган ким у?

Ким у бутун ҳаёти давомида дев кабидир?

Ким у ўлимидан бурун девсиёқдир, ўлимидан кейин эса девнинг ўзи каби?

32

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бир эр бошқа бир эр билан баччавозлик қилса ёхуд бир эр бошқа эрнинг ўзи билан баччавозлик қилишига изн берса девдир.

У девпарастдир.

У девларнинг эркак ҳамхонасидир.

У девларнинг урғочи ҳамхонасидир.

У урғочи девдир.

Ўз ботинида дев асраган удир.

Ўша бутун ҳаёти давомида девдек яшаган.

Ўшадир ўлимидан бурун дев каби, ўлимидан сўнг девга айланган зот.

Шудир бир эр билан баччавозлик қилган эрнинг ёхуд ўзи билан бир эрнинг баччавозлик қилишига изн берган эрнинг қисмати.**

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

33

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Қазосига бир йилдан ошган ва қурғаб қолган лошга қўл теккизган кимса покми?

34

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Ҳа, улар покдир. Зеро, қуруқ билан қуруқ қўшилмайди.

Агар қуруқ билан қуруқ қўшилгудек бўлса, мен яратган бу моддий олам арзон ўлимлар макони "пешавтану"га айланади ва унда жамийки палидлар оҳу вовайло чекадилар.***

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

35

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Итлар ва одамлар мурдорига қўл теккизган кимсалар поклана оладиларми?

36

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Эй, Ашаван Зардушт!

Бундай одам пок бўла олади.

– Нечук?

– Итлар ва ўлаксахўр қушлар насв девини ҳайдагач, у ўз танасини кўмиз ва сув билан ювса поклананади.

37

Аммо агар итлар ва ўлаксахўр қушлар насв девини ҳайдамаган бўлсалар, унда маздапарастлар учта чуқурлик қазийдилар. Нопок кимса ана шу чуқурлик бошида туриб ўз танасини сув эмас, ёлғиз кўмиз билан ювади.

Ўшанда менинг итимни қўзғатиб нопокнинг олдига, албатта, олиб келадилар.

38

Маздапарастлар яна учта чуқурлик қазийдилар. Нопок ўша чуқурлик бошида туриб ўз танасини сув билан эмас, кўмиз билан ювади.


Ўшанда менинг итимни қўзғатиб нопокнинг олдига, албатта, олиб ке-

Изоҳ

* Ўлимдан кейин уч-кеча-кундуз давомида бу хонадонда гўштлик таом пиширишга жоиз эмас.

** Бундай гуноҳкор ҳеч қандай ҳакамнинг дастурисиз ўлдирилади. Гуноҳкорни ўлдирган кимсанинг гарданида энг катта гуноҳи ҳам соқит қилинади.

*** Бу одат ҳозиргача Эрон мусулмонлари орасида сақланади. Мажусийлар ва бутпарастлар билан алоқа чоғида уларнинг либоси нам бўлган ҳолатдагина нажосат содир бўлади. Агар уларнинг либослари қуруқ бўлса, нажосат содир бўлмайди. Мусулмонлар нуфузи баланд бўлган шаҳарларда ҳокимлар ёғингарчилик пайтида мажусийларнинг ташқарига чиқишларига изн бермайдилар.



ладилар.* Нопок ўз танасини энг нозик соч толасига довур қуритмоғи лозим.**

39

Шундан сўнг яна учта чуқурлик қазийдилар. Нопок уларнинг бошида туриб ўз танасини кўмиз билан эмас, сув билан ювади.

40

Дастлаб унинг қўлларини ювадилар. Агар даставвал қўллар поклан-маса, у бутун танани нопок қилади.

Қўлларини ювганидан сўнг, бошидан уч карра сув қуйилади.

41

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сув нопокнинг боши устига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви олдинга, икки қош орасига қочади.

42

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сув нопокнинг икки қоши орасига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв бошнинг орқа қисмига қочади.

43

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

– Сув нопок бошининг орқасига етиб келгач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг ёноқларига яширинади.

44

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

– Пок сув нопокнинг ёноқларига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг қулоғи ичига яширинади.

45

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг қулоғига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор дев насв нопокнинг чап қулоғи ичига яширинади.

46

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап қулоғига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг кифтига яширинади.

47

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг кифтига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг чап кифтига яширинади.

48

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап кифтига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг қўйни остига яширинади.

49

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг қўйни остига етиб борса, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг чап қўйни остига яширинади.

Изоҳ

* Бу ҳам уч марта такрорланади. Нопок ҳар гал бир чуқурлик бошидан иккинчиси томон бораркан, ит унга назар ташлаши лозим бўлади. Руҳоний мўбад дуо ўқишда давом этади.

** У ўз танасини тупроқ билан обдон ишқалаб тозалайди.

50
– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап қўйни остига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Мурдор деви насв нопокнинг кўкраги устига яширинади.

51
– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг кўкраги устига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Мурдор деви насв нопокнинг орқасига яширинади.

52
– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг орқасига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг эмчаги учига яширинади.

53
– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг ўнг эмчаги устига етиб келгач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Мурдор деви насв нопокнинг чап эмчаги устига яширинади.

54
– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап эмчаги устига етиб боргач мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг ёнбошига яширинади.

55
– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг ўнг ёнбошига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Мурдор деви насв нопокнинг чап ёнбошига яширинади.



Л.ТИОРАнинг "Авесто" туркумидан.

56
– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап ёнбошига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг сонига яширинади.

57
– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг ўнг сонига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа чекинади?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Мурдор деви насв нопокнинг чап сонига яширинади.

ИЗОҲЛАР

***89. Завр** – сув билан бажариладиган диний русум.*
***90. Уруваснй** – паҳлавийда "росн". Хушбўй гиёҳ бўлиб, мурдор чиққан ерда кўйдирилади.*
***91. Вуҳав-гавна** – хушбўй гиёҳ.*
***92. Вуҳав-гиритий** – бўйи удникига ўхшаб кетадиган хушбўй гиёҳ.*
***93. Ҳаза-наипата** – ҳозиргача аниқланмаган хушбўй гиёҳ.*
***94. Баҳром олови** – паҳлавийда "отахши вахромон" ёхуд "отахши варҳарон". Зардуштийларнинг энг буюк, энг муқаддас олови ва оташкадаси. Унинг бошқа номи "Озари Баҳром". Эрондаги етти машҳур оташкадаларнинг бири. (Сосонийлар даври). У махсус бир оташкаданинг номи бўлмай, балки кўплаб йирик шаҳарларда Баҳром олови барқарор эди.*
Ардашер Бобокон Ардавон жангидан сўнг, Форс кўрфазига қадам қўйгач, ўз номида бир қишлоқ бино қилди ва дарё соҳилига учта Баҳром олови оташкасини қуришни амр этди. Авестошунос Дормустатор ўзининг шарҳларида («Занд Авесто») ёзади: «Оташкадалар икки хил бўлади. Улардан энг буюги Баҳром деб аталади. Кичиклари одрок ёхуд огергий дейилади. Бомбейда учта Баҳром олови оташкадаси ва учта одрок бор. Баҳром олови ва одрокнинг фарқи, асосан уларнинг оловида ҳамда тузилишидадир. Масалан, Баҳром олови сурункасига бир йил ёниб туради ва у ўн уч хил оловдан ташкил топган.

А.Сомеъ таржимаси

(Давоми бор)

НАҚШБАНДИЙА ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН ТУШУНЧАСИ

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бухорий (1318-1389) Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур бўлиб, жаҳоншумул аҳамиятга эга таълимот яратиб, нақшбандийа тариқатига асос солди. Бу тариқатга кириб таълим олиб, риёзат чеккан кишилар Ҳақ йўлига кириб, асл моҳиятини кўрадиган даражада руҳий камол топганлар.

Нақшбандийа таълимотини, инсон ва унинг тузилиши, унинг камолоти йўллари масаласини таҳлил қилган асарлардан бири Аҳмад Сарҳиндий Мужаддиди Алфи Соний (ваф.1034) томонидан ёзилган "Панж латифаи нодираи муаззама"дир. Бу асарнинг нусхаси Бухоро музейида 2080-рақамли жиҳоз сифатида Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг "Мақсуд ас-соликин" асари билан бирга сақланмоқда. У 1338/ 1919-1920 йилларда Бухородаги Когон босмахонасида чоп этилган.

Инсон ҳақидаги нақшбандийа таълимотини таҳлил этишга ёрдам берадиган яна бир манба француз олими М. Моле томонидан 1958 йилда Теҳронда нақшбандийа таълимотига оид сақланаётган 150 варақдан иборат мажмуани жамлаб тузган "Нақшбандиёт" таркибидаги Соҳибзоданинг "Рисола"сидир. Бу рисола "Нақшбандиёт" тўпламининг 219-223-бетларида чоп этилган бўлиб, "Рисолаи дигар мансуб ба Соҳибзода" ("Соҳибзодага мансуб яна бир рисола" деб номланган). Бу манба Санкт-Петербургдаги Россия Фанлар Академиясининг бўлимида сақланмоқда.

Бу масалага аниқликлар киритишга ёрдам берадиган яна бир манба – Покистонда босилган Абдураҳим Нақшбандийнинг "Шажараи таййибаи машоихи нақшбандийа-мужаддидийа" асаридаги "Баёни ашғол ва азкори мурақиботи тариқати шарифаи нақшбандийа-мужаддидийа" (Шариф тариқат нақшбандийа-мужаддидийа шуғуллари ва мурақаба зикрлари баёнида) мақоласидир.

Бу манбалар таҳлили кўрсатадики, нақшбандийа таълимотига асосан оламни иккига бўладилар: Биринчиси: **Амр** олами – фақатгина Оллоҳнинг истаги билан вужудга келган ва келадиган олам.

Иккинчиси: **Халқ** олами – Оллоҳ томонидан халқ қилинган, яратганларнинг тадрижий ўсиши, ўзгариши ва ривожланиши билан ҳосил бўлган олам.

Умуман инсон ҳақида маълумот берганда шундай ёзилади: "Инсон икки нарсадан таркиб топгандир. Бири **жисм** бўлиб, у халқ оламидандир. У мавжудотнинг зоҳири – шакли, кўринишидир. У маконда мавжуд. Унинг озиқи ҳам шу халқ оламидандир. Иккинчиси – **руҳ** бўлиб, у **Амр** оламидандир. У мавжудотнинг ботинидир. Унинг ҳади йўқ ва озуқаси ҳам ўша оламдандир.

Ёди Ҳаққ омад ғизо ин рухро,
Марҳам омад ин дили мажрухро.
(Ж.Румий)

Мазмуни:
Ҳақнинг ёди **руҳ** *учун озуқадир*
У мажруҳ қалб учун шифо берувчи малҳамдир.

Нақшбандийада бу таълимотни энди ўрганаётганларга инсонни тана ва руҳдан тузилганлиги ва уларнинг ўзига хос томонларини кўрсатадилар. Тариқат йўлига кириб, тўғри бораётганларга масала чуқурроқ очилади.

Аҳмад Сарҳиндийнинг асарида бу масала чуқурроқ таҳлил этилади. *"Инсон мураккаб аз даҳ латифа аст – панж аз олами* **Амр**,*ва панж аз олами Халқ"* (20 бет). Мазмуни: инсон 10 латиф хилқатдан тузилган мураккаб мавжудотдир. Унинг бештаси Амр оламидан бўлса, 5 таси Халқ оламидандир, – деб ёзилади. **Амр** оламидан, яъни фақатгина Оллоҳнинг иродаси ва истаги билан мавжуд бўлган олам вужудга келган инсондаги беш латифа – **қалб, руҳ, сир, хафи** ва **ахфо** деб аталади. Уларнинг **асллари** Арши Мажиддан ҳам юқорида бўлиб, улар **ломакон** – макондан ташқаридаги оламга тааллуқлидирлар, яъни улар ўлчов, ҳад, макон, замонни билмаган, чексиз ва чегарасиздирлар. Шунинг учун уларнинг хусусиятлари ҳам шунга хосдир. Яъни, уларнинг кўриши, эшитиши, қабул қилиши, билишининг чеки йўқ.

Оллоҳ халқ қилган – яратган Халқ оламининг тадрижий тараққиёти билан вужудга келган инсондаги беш латифа – **нафс** ва тўрт унсур – **тупроқ, сув, ҳаво, олов**дир. Булар халқ оламидан бўлсалар-да, уларнинг аслининг асли Амр оламидандир деб қуйидагича таъриф берилади:

Нафснинг асли – **қалб**нинг аслидир,
Ҳавонинг асли – **руҳ**нинг аслидир.
Сувнинг асли – **сир**нинг аслидир.
Оловнинг асли – **хафи**нинг аслидир.
Тупроқнинг асли – **ахфо**нинг аслидир.

Демак, бу орқали Халқ оламининг латоифларининг асли ҳам **Амр** оламидан эканлиги ва сабабларнинг асл сабаби **Амр** оламининг аслини яратган Зот эканлиги кўринади.

Инсоннинг яратилиши ҳақида шундай маълумот берилади: **Амр** оламининг латоифлари яратилиб, Ҳақ Таоло ўзининг **комил** қуввати билан бу **мужаррад жавҳар**ни вақтинча инсон танасига топшириб қўяди. Тананинг алоқалари воқеалар таъсирида ўз аслларини унутадилар. Демак, аввало мужаррад (ёлғиз) жавҳар бўлган, Амр оламининг латоифлари яратилиб, улар инсон танасида вақтинча ўрнашадилар. Лекин тааллуқотлар уларни аста-секин асларидан узоқлаштириб, уни унутишга олиб келади. Шу маънода ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўз аслини билиш учун Ҳақ йўлига кирганларга шундай деб айтар эди:

Тааллуқ ҳимоб асту беҳосилий,
Аз ин бандҳо бигсили восилий.

Мазмуни:
Тааллуқ (бу моддий олам билан боғланишлар – мол-дунё, мансаб, оила...) **ҳижоб** – Оллоҳ билан инсон ўртасидаги пардадирки, шунинг учун ҳосилсизсан, яъни ҳаракатларингнинг самараси йўқдир. Бу бандлардан воз кечсанг **восил**сан, яъни Оллоҳнинг **васли**га етасан.

Манбаларда кўрсатилишича Комил шайхга тўла юзланиш натижасида, уларнинг ёрдами билан шахс ўз аслларини билиб олади, огоҳ бўлади, ғафлатдан уйғониб, унда ўз **асл**ларига интилиш пайдо бўлади. Дастлаб халқ оламининг латоифларининг аслини билади, Амр оламидан огоҳ бўлиб тушунади. Кейин унга Оллоҳнинг зоти, сифатлари ва феъллари намоён бўла бошлайди. Натижада инсон **фано** даражасига етади ва **бақои** мукаммалгача **юксалади**.

Нақшбандийа таълимотида ҳам уларнинг ранги ҳақида маълумот бор. Ҳозиргача бўлган барча мақолаларда кубровия таълимотида ҳам бунга эътибор берилган дейилади. Лекин нақшбандийа таълимотида Оллоҳни **нур**ларнинг нури деб, ҳар бир Амр оламининг латоифининг аслини ўрганган кишига унинг нури намоён бўлади дейилади. Манбаларда бу ҳақда шундай ёзилган:

Қалбнинг нури – сариқ.
Руҳнинг нури – қизил.
Сирнинг нури – оқ.
Хафийнинг нури – қора.
Ахфонинг нури – сабз-яшилдир.

Манбаларда Амр оламининг ҳар бир латифаси бир улул-азим пайғамбарнинг қадами остида воқеъ бўлганлиги қайд этилган:

Қалб – ҳазрат Одам (а.с.) қадами остида воқеъ бўлган.
Руҳ – ҳазрат Иброҳим (а.с.) қадами остида воқеъ бўлган.
Сир – ҳазрат Мусо (а.с.) қадами остида воқеъ бўлган.
Хафий – ҳазрат Исо (а.в) қадами остида воқеъ бўлган.
Ахфо – ҳазрат Муҳаммад (а.с.) қадами остида воқеъ бўлган.

Шу билан бирга буларнинг даражаларига мос нурларни тажаллий этади.

Қалб – илоҳий феъллар тажаллиёти.
Руҳ – субутий сифатлар (Оллоҳнинг 8 субутий сифати бор – илм, қудрат, ҳаёт, кўриш, эшитиш, калом, ирода, таквин-йўқни бор қилиш) тажаллиёти.
Сир – илоҳий зотнинг шаъни ва мўътабарлигининг тажаллиёти.
Хафий (Оллоҳ яккаю-ягона, шериксиз, ҳеч нарса унга тенг эмас ва ўхшамайди ҳамда Оллоҳ барча нуқсон ва айблардан покдир)

сифатлар тажаллиёти.

Ахфо – Вожиб ал вужуднинг зоти, шаъни тажаллиёти.

Булар орқали нақшбандийа таълимотига асосан Оллоҳ инсонга руҳий камолот йўллари, босқич ва даражаларини кўрсатади.

Демак, инсон Оллоҳга яқинлашиши учун қалб оламини ўрганиб, руҳ оламига ўтиши, ундан сир, кейин хафий ва охирида ахфо оламига юксалиши керак. Шунда ўртадаги ҳижоблар йўқолиб, Оллоҳнинг жамолини кўриш мумкин бўлади. Қалб оламини ўрганишда биринчи пайғамбар Одам Сафийуллоҳ ҳаётий сабоқ бўлади. Одамни сафиюллоҳ – **пок** деб айтганларига сабаб шуки, уни Оллоҳ ўзининг ердаги халифаси бўлади деб, гуноҳсиз, пок, мукаммал қилиб яратди. Лекин Одам шайтон васвасасига учиб, нафс йўлига кирди ва гуноҳкор бўлди. Натижада жаннатдан қувилди. Лекин у гуноҳини англаб **тавба қилди** ва Оллоҳ уни кечириб, яна пайғамбарлик мақомига етказди ва ҳазрат Одам яна жаннатий бўлди. Демак, инсон, биринчидан, аслини-уни Оллоҳ яратганини, пок бўлганини билиши ва қилган хато-камчиликларини англаб **тавба** мақомига кириши керак. Тавба қилиб барча маънавий гуноҳларидан покланиб Оллоҳ истайдиган яхши феълларни тажаллий қиладиган бўлиши керак.

Аста-секин Ҳақ йўлига кирган кишига барча яратилган нарсаларнинг сўз ва ҳолати фақат бир фоилнинг феъли, яъни Оллоҳнинг ишлари бўлиб кўринади. Илоҳий феъллар тажаллий эта бошлаган вақтда **қалб**нинг **фаноси** бўлади. Қалб валоятини ҳазрат Одам (а.в.) валояти деб айтадилар. Қайси соликким, бу валоятга етса, уни Одам машраб деб айтганлар.


Инсон ўзини англаши, ўзидаги Амр олами ва Халқ оламининг 10 латиф хислатини билиши билан Оллоҳни танийди. Оллоҳ бизга жон томиримиздан яқинроқ эканлигини англайди. Инсон ва Оллоҳ ўртасидаги барча зулмат ва нурдан иборат ҳижоблар кўтарилади ва инсон ўртадан кетиб, фақат илоҳийлик қолади.

Демак, инсонни Оллоҳ яратганда Амр оламидан 5 латоиф нузул қилади, яъни туширади ва бу оламдаги тўрт унсур ва нафс билан тана ва нафс яратилиб, инсон бўлади. Инсон мукаммал шайхнинг таълими билан аста-секин қалб, руҳ, сир, хафий, ахфо оламларига кўтарила бошлайди, яъни унинг **уружи** – аслига қайтиши бўлади ва натижада инсон асли билан боғланади.

Нақшбандийа таълимотидаги инсон ҳақидаги бу қарашларни чуқур ўрганиш ва ундан фойдаланиш учун, биринчидан инсонни мукаммалроқ ўрганиш, иккинчидан, пайғамбарлар ҳаёт йўлини ўрганиш, учинчидан мураққаба ҳолати ва файзни қабул қилиш тушунчаларини билишимиз керак. Бу тажрибаларни ўрганиш мустақил республикамизда Баҳоуддин Нақшбанд каби комил инсонларни вояга етказиш воситаси бўлади.

Гулчеҳра НАВРЎЗОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

НУТҚНИНГ ФАСОҲАТИ



Миллий уйғониш ва ўзгариш туфайли адабиётнинг аслияти асл қиёфаси, руҳи бошқатдан янги тароват касб этмоқда. Насрда ишлатиладиган сажъ, яъни насри мусажжаъ шулар жумласидандир.

Сажъ ёки насри мусажжаъ шарқона проза ва мансураларнинг зеб-зийнати, айрича таровати, поэтик оҳанги вазний таронасидир.

Нутқнинг фасоҳати тош-тарозисидир. Насрий нутқни равонлаштиради. Вазний оҳанг бахшида этади, ўша кўҳна насри мусажжаъ.

Истеъдодли адиб Тоғай Мурод ўзининг "Отамдан қолган далалар" романи билан ҳозирги замон ўзбек романчилигида алоҳида мавқе тутади. Мазкур роман сажъ усулида ёзилганлиги билан, умуман 80-йиллар ўзбек романчилигининг янги нафаси ва услубини белгилайди. Биз бу ўринда фақат сажъ санъатининг асардаги мавқеи, миллий характер яратишдаги ўрни тўғрисида сўзламоқчимиз. Насри мусажжаъ романнинг бадиий ранги ва бўёқдорлигига алоҳида кўрк бағишлаган. Ёзувчи қаҳрамонлар руҳий қатламларига чуқурроқ киришда сажъга таянади. Бу ўз навбатида ўзбек деҳқонининг миллий характери янги қирраси ва янги овозини кашф қилишда муҳим бадиий восита вазифасини ўтади.

Асарда сажъ миллий руҳият ўзбек деҳқонининг янги сажиясини беришда қўл келган. Бободеҳқон қалбининг чуқур қатламларини инъикос этиш, пок, беғубор қалбнинг мураккаб ҳолатлардаги аҳвол-руҳияти тасвири ва таҳлилида сажъ жуда қўл келган. Нопок, диёнатсиз Оқподшо ва унинг разил одамлари томонидан бобомиз муқаддас ерига босган хосиятсиз қадамлари унинг нафрат ҳиссини кучайтиради; бобомиз Оқподшо бетини кўрмайин-да, куймайин-да, дейди. Ёки–даламда мусулмон оёқ босар ер қолмади. Даламда деҳқон оёқ босар ер қолмади. Мисолларда "кўрмайин-да", "куймайин-да", "мусулмон оёқ босар ер қолмади", "Деҳқон оёқ босар ер қолмади" каби сажълари жумла жимжимадорлиги учунгина эмас, балки бободеҳқон ботиний дунёсини кучайтириб, бўрттириб ифодалашда қўл келган.

Мана бу сажълар бободеҳқоннинг ботиний оламига ишора. Масалан, бобомиз калима қайтариб-қайтариб кетмон чопади. Худони ёдлаб-ёдлаб кетмон чопади. Худога шукрона айтиб-айтиб кетмон чопади.

Жумлалардаги, "Калима қайтариб-қайтариб кетмон чопади", "Худони ёдлаб-ёдлаб кетмон чопади", "Худога шукрона айтиб-айтиб кетмон чопади" сингари иборалар бободеҳқоннинг эркин дунё қўйнида эмин-эркин ва ҳалол меҳнатга энди қадам қўйганидан, боринги, "ер меники, ўзимники, уни пок ният, пок қўл билан ардоқлаш вақти етди", дегандай туюлади. Ҳақиқий ўзбек деҳқонининг ерга бўлган тўпори муносабати мусажжаъ ёрдамида янада равшанлашади.

Масалан, қирқ сантимдан чуқури ҳаво кўрмаган ер бўлади. Сув кўрмаган ер бўлади. Ўлик ер бўлади. Ёки, мен темиртиш билан далаларимни полоҳсалаб ҳайдадим. Шу боисдан кўрсичқон бор дала семиз-семиз келади. Кўрсичқони бор дала унумли-унумли келади.

Асарда насри мусажжаъга мурожаат қилинар экан, анъанавий сажълардан фойдаланиш билан бир қаторда, янги-янги насри мусажжаъ яратишга уринади. Айниқса, асарда бир жумланинг тўлиқ сажъланиш ҳоллари кўплаб учрайди.

Масалан,

Тилим-тилим йўллар, қизғиш бўлди,
Тарам-тарам йўллар, оқиш-оқиш бўлди.
Ҳалқа-ҳалқа йўллар оқимтир-оқимтир бўлди.
Ёки
Нимжон ғўзаларни чимдиб-чимдиб тотладим.

Асарда таклидий сўзларнинг сажъланиши кўпроқ учрайди. Масалан, Бахмални тирр-тирр икки бўлдим. Аёлимиз пиқ-пиқ йиғлади.

Асарда такрор ва жуфт сўзлар сажъланиб келади ва етакчи ҳамдир. Асарда анъанавий сажълар ва янги яратилган сажълар босимлик қилади. Характерлиси шуки, тўлиқ ибора, ҳатто жумлалар сажъ бўлиб келиш ҳолати мавжудки, бу асар матни оҳангдорлигини янада оширади. Адиб таклидий, жуфт ва такрор сўзларни сажълайди. Ушбу сажълар қаҳрамон миллий тийнат қирраларини яратишда унсур сифатида келади.

Қисқаси, Тоғай Муроднинг мазкур романи масалани янгича талқин қилиши билангина эмас, балки насрнинг ўзига хос ритмини янгича оҳанглар билан бойитишда янги йўл тутади.

Ҳўжамурод МИРҲАЙДАРОВ



Маснавий

Жалолиддин РУМИЙ

МАСНАВИЙ

То бимонад жонат хандон то абад,
Ҳамчу жони поки Аҳмад бо Аҳад.

Таржима

Токи шод бўлсин бу жонинг то абад,
Мисли Аҳмад пок жони-ла Аҳад.

Шарҳ

Токи жонинг абадул-абад шоду хуррам бўлсин. Ҳазрат Муҳаммад Мустафонинг (с.а.в.) покиза жонлари ҳазрат Аҳадият билангина шоду хандон бўлгани каби.

МАСНАВИЙ

Ошиқон жоми фариҳ он гаҳ кашанд,
Ки, ба дасти хеш хубоншон кушанд.

Таржима

Хўбларнинг тиғида жон узсалар,
Шунда ошиқлар фараҳ базмин тузар.

Шарҳ

Бу байтни икки важҳ билан шарҳлаш мумкин.

Биринчи, ҳақиқий ошиқлар маъшуқа илкида қурбон бўлганидан сўнг, шодмонлик жомини сипқорадилар.

Иккинчи, ошиқ ўз маъшуқаси руҳини жисмидан жудо қилиб, ўз руҳи билан батамом қўшиб юборганидан сўнг шодмонлик бодасидан сармаст бўлади.

МАСНАВИЙ

Шоҳ он хун аз пай шаҳват накард,
Ту раҳо кун бадгумоний ва набард.

Таржима

Бадгумонлик ҳамда ёзғирмоқ нечун?
Шоҳ уни ўлдирмади шаҳват учун.

Давоми.
Бошн ўтган сонларда.

Шарҳ

Шоҳ тўккан қон шаҳват ё ҳирс-ҳаво учун эмасди. Шундай экан, сен ҳам бадгумонлик билан ёзғириб юрма.

МАСНАВИЙ

Ту гумон будй, ки кард олудагй,
Дар сафо ғиш кай ҳилд полудагй.

Таржима

Сен гумон қилдингки шоҳ нодон-да,
Пок нопок бўлмагай ҳеч чоғда.

Шарҳ

Сен гумон қилдингки, шоҳ ҳавойи нафс ва ҳирси туфайли ўзини булғади. Йўқ. У ҳеч қачон бундай хаёлга бормади, унинг хаёллари маъсум ва гидирсиз эди. Шоҳ бундай қабоҳатга журъат қила олмасди.

МАСНАВИЙ

Баҳри он аст ин риёзат, в-ин жафо,
То барорад кўра аз нуқра жудо.

Таржима

Бу риёзат, бу машаққат, бу жафо
Айлагай тиллони ахлатдан жудо.

Шарҳ

Бу риёзат ва ранж-машаққат нафсни поклаш учун. Риёзат кўрасига ўт ёқувчилар кумуш сийм ва тилларни хас-хашакдан тозалайдилар. (Тариқат ва сулукдаги риёзат руҳ гавҳарини ҳайвоний ва жисмоний занглардан, тийраликдан пок этади.)

МАСНАВИЙ

Баҳри он аст имтиҳони неку бад,
То бижушад бар сар орад зар забад.

Таржима

Қайнаса зарнинг чиқар зангорлари,
Имтиҳон – яхши-ёмон кирдорлари.

Шарҳ

Яхшилик ва ёмонликнинг имтиҳони, тилла қайнатилгач, ғиллу ғашлари, кир-чирлари сатҳга қалқиб чиққанга ўхшаш бир ҳолдир. Тилла ана шу зайл қайнаб, риёзат чекиб пок, яъни соф олтинга айланади.

МАСНАВИЙ

Гар набудй кораш илҳоми Илоҳ,
У саге будй дарранда, на шоҳ.

Таржима

Шоҳга бу илҳом худодан эрди, бас,
Акс ҳолда ит эди, подшоҳ эмас.

Шарҳ

Бу иш Оллоҳнинг шоҳга юборган илҳоми эди. Акс ҳолда у дарранда итдан ўзга нарса бўлмай қоларди.

МАСНАВИЙ

Пок буд аз шаҳвату ҳирсу ҳаво,
Нек кард у, лек неки баднамо.

Таржима

Йўқ эди унда на шаҳват, на ҳаво,
Яхшилик қилди ва лекин баднамо.

Шарҳ

Шоҳ шаҳват, ҳирсу ҳаводан йироқ. Аслида у яхшилик қилди. Аммо бу яхшилик зоҳиран баднамо, яъни хунук эди.

МАСНАВИЙ

Гар Хизр дар баҳр киштиро шикаст,
Сад дурустй дар шикасти Хизр ҳаст.

Таржима

Гар Хизр дарёда тешди кемани,
Яхшиликдир Хизрнинг бу билгани.

Шарҳ

Мисол тариқасида, Хизр соппасоғ кемани дарёда синдирди. Би-

лингки, унинг бу амалида зиёда яхшиликлар бор эди.

МАСНАВИЙ

Ваҳми Мусо бо ҳама нуру ҳунар,
Шуд аз он маҳжуб, ту бекор, магар.

Таржима

Ҳазрати Мусо ҳунар ва нурлари,
Эй, ҳавойи бўлдилар бекор бари.

Шарҳ

Ҳатто ҳазрат Мусо (а.) шу қадар ақлу хирад ва нуроний мақомоти билан Хизрнинг (а.) асроридан огоҳ бўлолмади. Сен эса ишқ ва ҳимматдан қанот боғламай туриб, маъноний оламига парвоз қилмоқчи бўлдингми?

МАСНАВИЙ

Он гули сурх аст, ту хунаш махон,
Масти ақл аст у, ту мажнунаш махон.

Таржима

Бу қизил гулдир, уни сен хун дема,
У ақлдан мастдир, Мажнун дема.

Шарҳ

Заргарнинг қони ҳам маъноли, ҳам воқеан "қизил гул" эди. Сен уни "қон" дема. Яъни заргарга нисбатан зулм бўлди, деб гумон қилма. Шоҳ эса, ақлдан мастдир, сенинг уни девона демоғинг нораво. Иккинчи сатр сўфия аҳлидан бўлган мажзублар ва Ҳақ шайдолари ҳақида. Улар зоҳирда девонасифат бўлсаларда, ботинан теран идрокли, халқ алами ва дунё ишларидан юз бурган зотлардир. Назари паст кимсалар уларни девона деб биладилар.

МАСНАВИЙ

Гар будй хуни мусалмон коми ў,
Кофирам гар бурдаме ман номи ў.

Таржима

Гар мусулмон қони эрса мақсади,
Номин олсам кофир эрдим, лаънати.

Шарҳ

Агар шоҳнинг муроди бир мусулмоннинг қонин тўкмак бўлса, кофир бўлай, агар унинг номини тилга олсам...

МАСНАВИЙ

Мебиларзад арш аз мадҳи шақий,
Бадгумон гардад зи мадҳаш муттақий.

Таржима

Арш титрар мақталар эрса шақий,
Бадгумон бўлгай бу ҳолдан муттақий.

Шарҳ

Тубан ва пастарин зотлар ҳақига ҳамду санолар тўқилиб, мақтовлар сели ёғдирилса, арш титроққа тушади. Иккинчи сатрдаги парҳезкор ва муттақийнинг бадгумонлиги хусусидаги фикр икки хил шарҳланади.

Биринчидан. Парҳезкор ва муттақий зотлар таърифлагувчига нисбатан гумонли бўлиб қолишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Зеро, пастарин кимсани мадҳ этаётган маддоҳ у тўккан қондан хушнуд эканини ифодалаётган бўлади.

Иккинчидан. Мадҳу маддоҳликнинг нафсга жиддий алоқаси бор. Зеро, кўнглига оғиз ва қулоқ орқали йўл бўлгани каби, кўнгилдан қулоқ ва оғизга ҳам йўл бор. Ва бу иккиси бир-бирига ўзаро таъсир қилади. Шу боисдан одамзот ҳар қанча покдил ва парҳезкор бўлмасин, турли сўзу сухандондан таъсирланиши, бу ўз навбатида, бадгумонликка сабаб бўлиши мумкин. Мазкур байт қуйидаги муборак ҳадисга ишорат қилади: "Иза мудиҳал фасиқу ғозибар роббу вахтаззали золикал аршу" (Ҳар қачон тубан кимсалар мадҳ этилса, Худо ғазабга келади. Унинг ғазабидан арш титроққа тушади).

МАСНАВИЙ

Шоҳ будва шоҳи бас огоҳ буд,
Хос будва хосаи Оллоҳ буд.

Таржима

Шоҳ эди у, шоҳким огоҳ эди,
Хос эди у, хосаи Оллоҳ эди.

Шарҳ

У шоҳ эди. Бироқ бағоят доно ва огоҳ шоҳ эди. У Оллоҳнинг дўстларидан, хос бандаларидан эди.

МАСНАВИЙ

Он касеро каш чунин шоҳе кушад,
Суй бахту беҳтарин жоҳе кашад.

Таржима

Гар сени ўлдирса шундай подшоҳ,
Толеинг шул, шул эрур омад ва жоҳ.

Шарҳ

Шундай доно ва хос шоҳнинг илкида қурбон бўлган кимса, ҳақиқатда омадлидир. Зеро, бундай "қотил" мақтулни некбахтлик ва олий мақомга томон элтади.

МАСНАВИЙ

Гар надидй суди у дар қаҳри ў,
Кай шудй он лутфи мутлақ, қаҳржў?

Таржима

Қаҳрида гар кўрмаганда манфаат,
Қилмас эрди бу латиф зот унга қасд.

Шарҳ

Агар-да шоҳ унинг қатлида айни унинг ўзи учун нафъ ва манфаат борлигини билмаганда, ғоятда латиф ва холис табиатли ҳукмдор шубҳасиз унинг жонига қасд қилмаган бўларди. Хулоса шулки, Ҳақ таъоло буюк лутф соҳибидир, унинг қаҳр-ғазаби сабабсиз эмас ва қачонки бандага нисбатан қаҳр-ғазаб қилса, бу қаҳр лутф-марҳаматдан ҳоли эмас.

МАСНАВИЙ

Бачча меларзад аз он неши ҳажом,
Модари мушфиқ дар он ғам шодком.

Таржима

Титрагай мурғак табибнинг нишидан,
Мушфиқ она шоддир бул ишидан.

Шарҳ

Бемор бола табиб ё бирор наҳоткорнинг унга санчмоқчи бўлган нишидан қўрқиб титрайди. Меҳрибон онаси эса бетоб боласининг аҳволини кўриб туриб қайғуга ботган бўлса, унинг сиҳат топиши умидида шод бўлади. Хулоса шулки, агар Ҳақ таъоло даргоҳидан бирор шахсга бало келса, у қўрқади ва ўзини йўқотиб қўяди. Бироқ боланинг сир-асроридан огоҳ муршид ё закий зот балога сабр қилиш билан бирга қайғуга ўрин қолдирмайди, аксинча, хушҳол бўлади.

МАСНАВИЙ

Ниймжон бистонаду саджон диҳад,
Он, ки дар ваҳмат наёяд он диҳат.

Таржима

Олгач у яримта жон, юз жон берар,
Сиғмагай ақлингга, юз чандон берар.

Шарҳ

Ҳақ таъоло сенинг заиф жонингни олади ва унинг эвазига сенга юз жон беради. Ақлингга сира сиғмаган нарсаларни насиба-рўзи айлайди. Иккинчи мисра қуйидаги ҳадисга ишоратдир: "Қолаллоҳу таъоло: "Аъдадту ли ибадияс-солиҳийна мала айнун раат ва ла узунун самиат ва ла хоторо ъала қалби башарин" ("Ҳақ таъоло буюрмишдир: "Ўзимнинг солиҳ ва хос бандаларимга шундай мукофотлар ҳозирлагандирманки, на бирор кўз уни кўрибди, на бирор қулоқ уни эшитибди, на бирор кўнгилдан у кечибди").

МАСНАВИЙ

Ту қиёс аз хеш мегирй ва лек,
Дур-дур афтодай, бингар ту нек.

Таржима

Бир ўзингдан сен қиёс қилдинг, бироқ,
Кўп йироқдирсан, йироқдирсан, йироқ...

Шарҳ

Сен Оллоҳ ва унинг валийлари амалини ўз амалинг, кирдикорингга қиёс қилмоқчи бўласан. Аслида ҳақиқатдан жуда-жуда йироқдирсан. Кимки моддиёт ва башарият зиндонида қолган экан, у Ҳаққа етишган зотлар ва ҳақиқат аҳлининг сир-асрорини билишга қодир эмасдир.

БАҚҚОЛ, УНИНГ ТЎТИСИ ВА ТЎТИНИНГ ДЎКОНГА МОЙ ТЎКИБ ҚЎЙИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Хулоса

Бир баққолнинг чиройли ва хушнаво тўтиси бор эди. Тўти муштарийлар билан инжа тилда сўзлашар ва уларни хурсанд қиларди. Ҳар гал баққол дўконни тарк этганда тўти дўконга соҳиб бўларди. Кунларнинг бирида тўти дўкон ичида парвоз қилди ва гул мойи шишаларини чил-чил синдириб юборди. Ер билан битта бўлиб мой тўкилди. Дўконга қайтган баққол бу ҳолни кўриб шу қадар ғазабландики, тўтининг нақ бошига зарб билан уриб, парларини тўзғитиб юборди. Шўрлик тўти бу зарбдан бир неча кун ўзига келолмади ва ҳатто нутқни ҳам фаромуш қилди.

Бир кун дўкон олдидан боши пўстланган тухумдек тос (кал) одам ўтиб қолди. Шунда тўти тилга кириб бояги кишидан сўради: "Сен ҳам мой шишасини синдириб қўйдингми?" Тўтининг бу гапини эшитган кишилар унинг соддаларча қиёсидан мириқиб кулдилар. Тўти парлари тўкилган бошини бояги кишининг туксиз бошига қиёс қилган эди.

Никлсон дейди: "Бу достон (ҳикоят) Шарқ халқлари, хусусан, араб адабиётига хос «Маснавий»даги биринчи ривоят. Омма орасида хийла машҳурдир".

Мавлоно ушбу ҳикоят давомида ғоят зариф ирфоний нуқталар, гўзал ўхшатишлардан моҳирона фойдаланади.



МАСНАВИЙ

Буд баққоле ва вайро тўтие,
Хушнавое, сабз, гўё тўтие.

Таржима

Бор эди баққол ва онинг тўтиси,
Хушнаво, гўё ва зангордир туси.

Шарҳ

Бурунги замонда бир баққол бўлиб, унинг ғоят хушнаво, зангор тусли тўтиси бор эди.

МАСНАВИЙ

Дар дўкон будй нигаҳбони дўкон,
Нуқта гуфтй бо ҳама савдогарон.

Таржима

Эрди огоҳ ул дўконнинг ҳолидан,
Сўйлашарди аҳли савдолар билан.

Шарҳ

Тўти дўконнинг қўриқчиси эди. Муштарийлар билан латиф ва зариф тилда суҳбат қурарди.

МАСНАВИЙ

Дар хитоби одамй нотиқ будй,
Дар навой тўтиён ҳозиқ будй.

Таржима

Одамий зот лафзида нотиқ эди,
Тўтилар оҳангида ҳозиқ эди.

Шарҳ

Тўти одамлар билан уларнинг тилида муколама қилса, тўтилар билан "сўйлашув"да ҳам ғоят моҳир эди.

МАСНАВИЙ

Жаст аз сўй дўкон, суе гурехт,
Шишаҳои равғани гулро бирехт.

Таржима

Бир куни тўти дўконда учди гир,
Гул мойин шишаларин синдирди чил.

Шарҳ

Кунларнинг бирида баққол дўконда тўтини ёлғиз қолдириб, уйига кетди. Шунда тўти назарида гўё мушук ҳамла қилаётгандек туюлиб, дўкон ичида гир айланиб уча бошлади ва оқибатда гул мойи шишалари ерга тушиб, чил-чил синди.

МАСНАВИЙ

Аз сўи хона биёмад хўжааш,
Бар дўкон биншааст фориғ, хўжаваш.

Таржима

Хўжа қайтиб келди уйдан хўжадек,
Келди-ю, ўлтирди дўкон ичра тек.

Шарҳ

Тўтининг соҳиби уйидан осудалик билан қайтиб келди ва хўжаларга хос улуғворлик билан дўконга кириб, ўз ўрнига ўтирди.

МАСНАВИЙ

Дид пур равған дўкон ва жома чарб,
Бар сараш зад, гашт тўти кал зи зарб.

Таржима

Кўрди жиққа мой дўкону жомалар,
Бошига зарб бирла урди, қилди кал.

Шарҳ

Баққол кўрдики, дўкон ва энгилбоши жиққа мойга беланган. Газабга минди ва тўтининг бошига зарб билан муштлади. Бечора тўтининг бошидаги туклари тўзиб, кал бўлиб қолди. Бу ўринда "кал" сўзининг иккинчи маъноси ҳам бор: араб тилида тилдан қолмоқ, хомуш бўлмоқ ҳолатига "калилул лисон" ибораси қўлланилади.

МАСНАВИЙ

Рўз, ки чанде сухан кўтоҳ кард,
Марди баққол аз надомат оҳ кард.

Таржима

Неча кун тилдан қолиб бечора қуш,
Оҳ уриб, баққол бошидан учди хуш.

Шарҳ

Бечора тўти тилдан қолиб, бир неча кун хомуш тортди. Унинг бу аҳволини кўриб, баққол қаттиқ пушаймон бўлди.

МАСНАВИЙ

Риш бармеканду мегуфт: "Ҳа , дариғ!
К-офтоби неъматам шуд зери меғ.

Таржима

"Ҳай, дариғ!– деб юлди соқол, сочини,–
Тунд булут синдирди офтоб жомини".

Шарҳ

Баққол қилган ишидан пушаймон бўлиб, соч-соқолини юлиб, фарёд чекди. Тилдан қолган тўтининг ҳолати унга қаттиқ таъсир қилди. Улуғ бир неъматим зойил бўлди, дерди баққол.

МАСНАВИЙ

Дасти ман бишкаста будй он замон,
Чуд задам ман бар сари он хушзабон.

Таржима

Кошки синса эрди илким ул замон,
Қолмас эрди шояд тилдан хушзабон.

Шарҳ

"Эҳ, кошки – дерди шўрлик баққол – уни ургунимча қўлим синса бўлмасмиди..."

МАСНАВИЙ

Ҳадяҳо медод ҳар дарвишро,
То биёбад нутқи мурғи хешро.

Таржима

Тўти нутқин қайтарай деб аслига,
Ҳадялар берди қалондар аҳлига.

Шарҳ

Баққол тўтини тилга қайтариш учун дарвишлар, бева-бечораларга ҳадялар тақсим этди.

МАСНАВИЙ

Баъди се рўзу се шаб ҳайрону зор,
Бар дўкон биншаста буд навмедвор.

Таржима

Уч туну кун ўтди, лек ҳайрону зор,
Чўкди дўкон ичра баққол беқарор.

Шарҳ

Уч кеча-кундуз ўтди. Тўтининг аҳволида ўзгариш содир бўлмади. Умидсиз баққол хомуш дўкон ичига чўкди.

МАСНАВИЙ

Менамуд он мурғро ҳар гун шугуфт,
То, ки бошад к–ондараяд ў багуфт.

Таржима

Кошки сўзлай қолса қуш деб бекадар
"Ҳайратангиз нарсаларни кўрсатар.

Шарҳ

Баққол хомуш тортиб қолган шакарзабон тўтисини яна тилга киритиш мақсадида уни хурушга келтириб, сайратиб юборадиган нақш-нигор, манзара ва турли ҳайратомуз нарсаларни кўрсатар эди.

МАСНАВИЙ

Жавликое сарбараҳна мегузашт,
Бо сари бемў чу пушти тосу ташт.

Таржима

Бир қаландар ўтди бу ердан шу чоғ,
Тос каби кал эрди боши ялтироқ.

Шарҳ

Кунларнинг бирида дўконнинг ёнидан боши тосдек йилтиллаган кал бир дарвиш ўтиб қолди.

МАСНАВИЙ

Тўти андар гуфт омад дар замон,
Бонг бар дарвеш зад,ки: "Ҳей, фалон..."

Таржима

Тўти ногоҳ тилга кирди шул замон,
Бонг урди: "Ҳей фалончи,ҳей фалон!.."

Шарҳ

Дўкон ёнидан ўтиб бораётган тепакал дарвишни кўриб қолган тўти ногаҳон тилга кириб деди: "Ҳей, фалончи!.."

МАСНАВИЙ

Аз чи, эй кал, бо калон омехтй?
Ту магар аз шиша равған рехтй?

Таржима

Не учун,кал,сен-да каллар ичрасен?
Ёки сиздирдингми гулмой шишасин?

Шарҳ

Нима сабабдан, эй кал, сен каллар сафига қўшилдинг? Ёхуд сен ҳам мой шишасини сиздирдингми?

МАСНАВИЙ

Аз қиёсаш ханда омад халқро,
К-ў, чу худ пиндошт соҳибдалқро.

Таржима

Бу қиёсдан халқ келди кулгига,
Тўти ўхшатганди кални ўзига.

Шарҳ

Шўрлик тўти кални ўзига қиёс қилгани учун теварак-атрофдаги халойиқ кулдилар. (Хулоса шуки, ҳодисаларнинг бир-бировига монандлиги уларнинг ягоналигига далил бўла олмайди.)

МАСНАВИЙ

Кори поконро қиёс аз худ магир,
Гарчи монанд дар набиштан шеру шир.

Таржима

Покларга ўзни қиёс айлама,
"Шер"у "шир"ни нуқтада бирдир дема.

Шарҳ

Авлиёуллоҳнинг амалини ўз касб-корингга қиёс қилма. Агарчи "шер" (ҳайвон) ва "шир" (сут) сўзлари бир хил ёзилса-да. Мавлоно ҳазратлари араб ёзувида бир хил шаклда ифодаланувчи иккита айрича маъноли сўзларни қиёс этмоқда. "Шер" ёзуви йиртқич ҳайвонни ва сутни ифода этади. Шаклан улар бир хил. Аммо улар мутлақо қиёс қилиб бўлмас даражада бир-биридан узоқ ҳодислардир.

МАСНАВИЙ

Жумла олам з-ин сабаб гумроҳ шуд,
Кам касе з-абдали Ҳақ огоҳ шуд.

Таржима

Халқи олам шул сабаб гумроҳдир,
Кам киши абдолдан огоҳдир.

Шарҳ

Дунё аҳли ўз амаллари ва нафсларини пок зотларнинг афъолига қиёс этганлари боисидан гумроҳ бўлдилар. Камдан-кам зотлар Ҳақ таъоло абдолларидан огоҳ. Шайхи Акбар Муҳйиддин Арабий "Футуҳоти Маккия" китобларида ёзадилар: "Абдол авлиёларнинг шундай бир тоифасики, Оллоҳ етти иқлимни улардан етти нафарнинг покиза вужуди воситасида ҳифз-ҳимоят қилиб туради. Ва улар етти иқлимдирлар. Бири – Халиллулоҳ қадами туфайли, иккинчиси – Калим; учинчиси – Ҳорун; тўртинчиси – Идрис, бешинчиси – Юсуф; олтинчиси – Ийсо; еттинчиси – Одам алайҳиссалом Улар шунинг учун абдол дейиладиларки, бордию улардан бири ўз жойларини тарк этсалар, ўринларига бадалларини қолдирадилар. Бу ўринда гап мутлақо авлиёуллоҳ хусусида бормоқда. Баъзи муҳаққиқлар "абдол"-ни қуйидагича шарҳлаганлар: Абдоллар инсониятга зарар етказувчи жамийки қабиҳ хислатларни эзгу улуҳий сифатлар воситасида бадал қилганлар.

МАСНАВИЙ

Ҳамсарий бо анбиё бартоштанд,
Авлиёро ҳамчу худ пиндоштанд.

Таржима

Анбиёга ўзни тенгларди улар,
Авлиёга ўзни менгзарди улар.

Шарҳ

Авом ўзини авлиёга қиёслашни хуш кўради. Ўзининг наслу насаби, иззатли боболари билан талтаймаган одамни учратганмисиз?

МАСНАВИЙ

Гуфта: "Инак,мо башар,ийшон башар,
Мо ва ийшон бастаи хобем ва хар."

Таржима

Дедилар:"Биз ҳам башар,онлар башар,
Биз каби нон ейдилар, ҳам ухлашар."

Шарҳ

Зоҳирбинлар дедилар: "Биз ҳам одаммиз. Авлиёуллоҳ ҳам – одам. Биз хўрак, уйқу ва бошқа табиий эҳтиёжларга эга бўлганимиздек, улар ҳам шундай эҳтиёжга мутедирлар. "Иброҳим" сурасининг 10-оятида марҳамат қилинади: "Қолув: ин антум илла башарун мислуна". "Дедилар: "Сизлар ҳам бизлар каби одам – башар эмасмисизлар?.." "Фурқон" сурасининг 7-оятида келади: "Ва қолув ма ли ҳазар Росули яъкулут тоъама ва ямиший фил асвақи". "Ва дедилар: бу қандай Расулки бизларга ўхшаб хўрак ейди ва бозорда юради?!"

МАСНАВИЙ

Ин надонистанд ийшон аз амо,
Ҳаст фарқе дар миён бемунтаҳо.

Таржима

Мунтаҳосиз бир тафовут бор магар,
Билмадилар фарқини бу кўрлар.

Шарҳ

Кўрдил ва ботин нигоҳидан маҳрум зоҳирбинлар ўзлари ҳамда анбиёю авлиёлар ўртасида интиҳосиз тафовут борлигини кўра билмадилар.

МАСНАВИЙ

Ҳар дў чун занбур хўрданд аз маҳал,
Лек шуд з-он нешу з-ин дигар асал.

Таржима

Бир чамандан топса-да икки ари,
Ул бири ниш,ҳам асал бўлгай бири.

Шарҳ

Мисол учун, икки навъ ари – асал ари ва сариқ ари – бир макондан шира тановул қилсалар-да бири асал келтиради, иккинчиси эса ниш...

МАСНАВИЙ

Ҳар дў чун оҳу гиёҳ хўрданду об,
З-ин яке саргин шуду з-он мушки ноб.

Таржима

Икки оҳу сув ичиб,ўтлар еди,
Лек,биридан гўнг,биридан ноб эди.

Шарҳ

Икки хил кийик – бириси оддий, бири эса Хўтан мулкидан – улар иккиси ҳам сув ичади, гиёҳ билан

озиқланадилар. Аммо уларнинг биридан мушк олинса, биридан байтда таърифланганидек, ахлат...

МАСНАВИЙ

Ҳар ду най хўрданд аз як обу хар,
Он яке халиву, он дигар шакар.

Таржима

Икки хил най: оши бирдир, суви бир,
Ул бири шаккар, бири бўм-бўш тақир.

Шарҳ

Икки хил най (бири оддий, бири найшакар), улар бир ердан сув ичадилар. Бири бўм-бўш, тақир, бири эса шакарга тўла.

МАСНАВИЙ

Сад хазорон ин чунин ашбоҳ бин,
Фарқашон ҳафтод сола роҳ бин.

Таржима

Бунга юз минглаб мисоллар бор, ахир,
Фарқи – етмиш йил босилгай йўл каби.

Шарҳ

Юқоридаги мисолларга ўхшаш ҳодисаларнинг на сону на саноғи бор. Бироқ уларнинг ўртасидаги фарқ – етмиш йиллик йўл.

МАСНАВИЙ

Ин хўрад гардад палидй з-ў жудо,
Он хўрад гардад ҳама нури Худо.

Таржима

Ул егай бўлгай палид ундан жудо,
Бул егай бўлгай ҳама нури Худо.

Шарҳ

Бошқа бир мисол. Биров ғизо ейди. Бу ғизо туфайли у палидлик ва турли балоларга хезланади. Яна биров тановул қилган ғизо оқибатида кўнгли Оллоҳ нурига чулғаниб, ён-теграсини мунаввар қилади.

МАСНАВИЙ

Ин хурад, зояд ҳама бухлу ҳасад,
Он хўрад зояд ҳама Ишқи Аҳад.

Таржима

Бул егай туққай ҳама бухлу ҳасад,
Ул егай туққай ҳама ишқи Аҳад.

Шарҳ

Биров ейди, ошқозонини дамлаб, нуқул бахиллик ва ҳасад, фисқ-фужурга куч сарфлайди. Яна биров тановул қилади, унда Оллоҳга нисбатан бир буюк Ишқ ҳувайдо бўлади.

МАСНАВИЙ

Ин замини поку он сў аст бад,
Ин фариштa поку он дев асту бад.

Таржима

Ул замин пок, бул замин шўрдур, тақир,
Ул фариштa поқдир, бул дев, ахир.

Шарҳ

Яна бир мисол. Авлиё ва анбиё бамисли пок заминдирлар. Диёнсизлар шўр ва тақир ер сингари. Бул гуруҳ фариштa каби пок. Ул гуруҳ эса, девлар мисоли.

МАСНАВИЙ

Ҳар ду суврат гар баҳам монанд, равост,
Оби талху оби ширинро сафорост.

Таржима

Икки суврат – зоҳири бирдир, раво.
Сув агар талҳдур ё чучук – сирти сафо.

Шарҳ

Яна бир мисол. Агар икки суврат бир-бирига монанд бўлса, бу ғайриоддий ҳол эмас, балки жоиздир. Сувратларнинг зоҳирда ўхшаш бўлиши табиий. Чунончи, аччиқ ва чучук сув зоҳиран соф бўлиши мумкин. Сувнинг таъми тотиб кўрилсагина ошкор бўлади.

Мутаржим – *Асқар МАҲКАМ*
Шориҳлар – *Обиддин ПОШШО, Карим ЗАМОНИЙ*

(Давоми бор).



Рустам ЭРМАТОВ суратлари.

Маҳкам МАҲМУД

МИРОНШОҲ САРОЙИДА МУСИҚА БАЗМИ

(ҳаваскорлар ижодидан)

Табриз. Шоҳ саройининг дилкушо боғи. Мармар ҳовуз ўртасидан фаввора отилиб, атрофида оққушлар сузади. Супаларда чўғдай гиламлар устида, ноз-неъматга тўла дастурхон атрофида вазирлар, амирлар, вилоят ҳокимлари пайдар-пай ичилаётган шаробдан кўзлари сузилиб, ярим яланғоч, ҳарир либосли гўзал раққосалар ўйинига офарин айтиб, қийқирадилар. Гўзал раққосларга қизларнинг нозик, нафис ва шўх ялласи жўр бўлади:

Бир неча гул барги қабо яли-яли,
Айлагали бизни адо,яли-яли,
Тузмоқ учун савти наво,яли-яли,
Жамъ бўлинг моҳилиқо,яли-яли,
Бўлди қизиқ базми саро яли-яли...

Мармар ҳовуз тўридаги тахтда ўтирган ширакайф Мироншоҳ раққосалар ўйини тугамай туриб, якунидаги супада ўтирган мавлоно Қутбиддин Нойийга, созанда ва хонанда мавлоно Муҳаммад Кўҳистонийга ва ўткир нафасли ҳофиз Абдул Қодир Марағийга ишора қилиб, "Қўшиқ бошланг!" деб фармон қилди.

Фарёд қилувчи ғижжак ноласига най навоси қўшилиб, кўнгилларни сел қилиб оқизади.

Қўшиқ сўзларига маҳлиё бўлиб, Мироншоҳ кўз ёшларини тўхтатолмайди. Дам-бадам оҳ уради. "Эй, золим фалак! Менда не қасдинг бор!" деб қичқиради...

Соҳибқирон Темур Кўрагон замонасида, унинг фарзандлари Мироншоҳ ва Шоҳрух, буларнинг ўғиллари Улуғбек, Бойсунғур мирзо ҳукмронлиги даврларида турли илм ва ҳунарлар, мусиқа ва мусаввирлик, китобат, наққошлик, боғлар, гулзорлар меъморчилиги бенихоя тараққий этган эди. Ўрта асрлар ва ҳозирги тарихчи, санъатшунос уламоларимиз ёзишича, темурийлар даврида тариқат, маърифат ва ҳақиқат манзилларидан огоҳ этувчи тасаввуфий мусиқа асарлари, "Наво", "Рост" мақомлари, "Муножот", "Ушшоқ", "Баёт" куйлари шу даврда равнақ топган.

Темурийлар даври тарихчиси Давлатшоҳ Самарқандий ёзади: "Султон Бойсунғур замонида хожа Юсуф Андижоний етти иқлимда тенги йўқ хонанда ва созанда эди. Унинг "Довудий" (оҳанги) Юсуф (каби ҳусн-жамол аҳлининг) дилини тирнар, "Хусравоний" оҳанги жигарларни поралаб, (кўнгиллар яраси га) туз сепарди". (Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони. Форсчадан Бўрибой Аҳмедов таржимаси).

Ҳокони саъид Шоҳрух ўғли Бойсунғурга доно ва адолатли, халқпарвар бўлгани учун салтанат пойтахти Ҳирот ҳукмдорлигини топширган эди. Унинг укаси султон Иброҳим ибн Шоҳрух Шерозда ҳукмдор эди. У ҳам ўз саройида замонасининг нодир уламо ва фузалолари, бастакор, наққош ва ҳофизларини тўплаб, давлатининг шон-шуҳрати оламга ёйилишини истар эди. Шу маънода султон Иброҳим бастакор, ҳофиз Юсуф Андижонийни Шерозга чақириб, Мирзо Бойсунғурга кўп марта вакиллар орқали мактублар юборди. Мирзо Бойсунғур бу таклифни рад қилаверди. "Султон Иброҳимга аллома Али Яздий кифоя қилади", деди.

Охири Шероз ҳукмдори Иброҳим Мирзо Ҳиротга яна мактуб юборди, унда мусиқий устози Юсуф Андижонийни қизиқтириш учун 100 000 динор нақд тилло ҳам жўнатди.

Аммо, Бойсунғур мирзо овсимли ҳофизни Шерозга юбормади, тиллоларни укасига қайтариб, бундай байт билан жавоб қилди:

Сотмагаймиз биз Юсуфни ҳеч қачон,
Айла сен қора чақангни эҳтиёт...

Бу байтда мирзо Бойсунғур бўлғуси пайғамбар, ёш Юсуфга ўгай акалари душманлик қилиб, уни қудуққа ташлаб, сўнг карвонлар ўтаётганида уни қора чақаларга, қул қилиб сотиб юборганлиги воқеасига ишорат қилади. Мирзо бу билан беназир санъаткор Юсуф Андижонийнинг истеъдодини ғоят қадрлашини амалда кўрсатади.

Бу воқеалардан аввалроқ, соҳибқирон ҳаётининг охирги йилларида ўғилларидан бири Мироншоҳ давлат ишларини парокандаликка учратиб, отасини қаттиқ хафа қилган эди. Мироншоҳ Хуросон ҳукмдори бўлиб турганида базм-ишратларга берилиб, фуқароларни норози қилгани учун соҳибқирон уни Ҳирот тахтидан туширди ва Озарбойжон пойтахти Табризга подшоҳ қилиб юборди.

Давлатшоҳ Самарқандий ёзади: "Соҳибқирон ҳазратлари Хуросонни – Шоҳруҳ султонга, Табриз, Озарбойжон мамлакати ва унга тобеъ ерларни Мироншоҳ мирзога инъом этди. У бир неча йил Озарбойжонни мустақил идора этди (Соҳибқирон подшоҳ ўғилларига мустақил идора қилиш ҳуқуқини бериб, раият, халқ олдидаги масъулиятини оширган эди).

Бир куни (Мироншоҳ мастлик пайтида) отдан йиқилиб, миясига зарба етди. Табиблар қанча уринмасинлар, фойдаси тегмади. У ҳамма вақт масхарабозлар билан бўлар, амирлар, нойибларни шармисор этар, уларни ўз ҳолига қўймас эди. Арбобу акобирни шу қадар бехурмат қилар эдики, ҳатто хожа Рашид (буюк тарихчи, вазир, "Жомеъ ат-таворих" муаллифи)нинг жасадини Табризнинг Рашидия маҳалласидаги мақбарасидан чиқартириб, суякларини яҳудийлар қабристонига элтиб кўмдирди...

Самарқанд. Кўксаройда тахтда ўтирган соҳибқирон ҳузурига Табриздан, Мироншоҳ ҳузуридан қочиб, келини Севинчбека сочлари ёйилган, бахмал кўйлаги ёқалари йиртилган бир алфозда, йиғлаб кириб келди.

У, завжаси Мироншоҳнинг ақлдан озиб қолгани, базми жамшидлардан бўшамай, маст-аластликда уни қалтаклаб, ўлдиришга уринганини айтиб берди. Соҳибқирон ўғлининг бундай аҳволга тушганлигини аввалги хуфяларидан ҳам эшитган ва "Нима қилсам экан?" деб, боши қотиб турган эди. Хушхулқли, оқила келинининг фарёдини эшитиб, кўзи ёшланди, айш-ишратга берилиб, тожу тахтни унутган ўғли Мироншоҳга нисбатан қалбида кучли норозилик уйғонди.

Вазирлар, лашкарбошиларни чақириб, сафарга чиқишга фармон берди: Шу билан уч йиллик уруш бошланди.

Соҳибқирон қўшинлари Табризга кириб келгач, Мироншоҳ ҳали кайфи тарқамаган эса-да, якин надимлари – улфатлари, созанда, хонанда, раққосалар билан номаълум томонга қочиб, яширинди.

Аммо, соҳибқирон фармони билан эртасигаёқ Мироншоҳни ва асхобларини тутиб келтиришди. Амир Темур халқ орасида ўғлига эллик дарра урдириб, уни йўлдан урган суҳбатдошлари мавлоно Кўҳистонийни, Қутбиддин Нойийни ҳамда Абдулмўъмин Гўяндани; яна мақомчи Ҳофиз Абдул Қодир Марағийни ўлимга ҳукм этди. Уч айбдорни Табриз қальасининг Қазвин дарвозасида дорга осдилар. Мақом устози ҳофиз Марағий Ироққа, Бағдодга қочгани ҳақида хабар олинди...

Соҳибқирон қўшинлари Бағдодга кириб келди. Олий фармонга кўра, қочқин ҳофизни изладилар. Аммо у Миср султони ҳузурига қочгани аниқланди.

Темур Кўрагоннинг шавкатли қўшини Қоҳирага юзланди. Миср султони Абўл-Фараж озгина навкарлари билан қочди. Аммо, ҳофиз Абдул-Қодир Марағийни тутиб келтирдилар.

Самарқанд. Кўксарой олдидаги майдонда бир неча дор тикилган. Тумонат халқ орасида ҳофиз Марағий давлат олдидаги гуноҳи учун дорга осилиши эълон қилинди.

Машҳур бастакор, ҳофиз ва созанда, хонанда Абдул Қодир Марағий, ўлими олдидан таҳорат олиб, тўрт ракаат намоз ўқиди. Сўнг соҳибқирон вакиллар орқали мурожаат қилиб, бир пора Қуръон тиловатига рухсат сўради.

Соҳибқирон Қуръони каримни яхши қироат билан ўқийдиганларни севиши барчага маълум эди. Қуръон тиловатига рухсат бермаслик ҳам мумкин эмас эди. Шуни билган ҳофиз Марағий, бошига келган ўлимга ризо ҳолда, астойдил Аллоҳга муножот қилиб, тиловатни бошлади. Отаҳнафас ҳофиз қироати билан сураи Таборак янгради. Ўраклар сел бўлиб оқди.

Тахтда хомуш ўтирган соҳибқирон кўнглида ҳам қаҳр-ғазабдан асар қолмади. Ўлимга маҳкум маҳбус тиловатни тугатиб, фотиҳа ўқиб ўрнидан турди. Соҳибқирон тахтидан тушиб, маҳбус томон юрди. У кўзида ёш билан яқинлашиб, тиз чўкиб турган ҳофизни турғизиб, бағрига босди ва оқ рўмолчасини силкитиб, жаллодларга "Кетинглар!" ишорасини қилди.

Соҳибқирон ва ҳофиз Марағий бир-бирларини чин дилдан дуо қилдилар. Бу мурувват, шафқат сўзларига кўкдаги фаришталар ҳам "Омин!" деб, Ҳақ даргоҳига етказдилар...

АНЖИР

Санъаткорлар даврасида ўтирган Шокиржон улфатларидан сўради:

– Шу... анорни қандай танлайсизлар? Бозорда сотувчи мақтаганини оламан, нуқул алданаман.

– Бу сир. Сотаман! – деди Бахтиёр.

Даврадагилар қизиқиб қолишди.

– Қанчага?

– Баҳоланг.

– Битта ошга, – деди Шокиржон.

– Йўғ-э, паст кетманг!

– Энди шу ҳам сир бўптими? Шуни ҳам сотиб ўтирасизми?

– Ие, бозор иқтисоди, акам.

– Боринг ана, тўйиззи қизитиб бераман.

Бахтиёр вазадаги анорни олди-да, чайнала бошлади:

– Мана шу томони бор-ку, тардиши қанча кенг бўлса, ана шу анор ширин бўлади.

– Тавба, – деди Пўлатжон, – анорни ширин тури бор, нордон-ширин, аччиқ-нордон нави бор-да. Шунисига қарайди-да.

– Ҳеч бўлмаган гап... – Бахтиёр икки оёқни бир этикка тиқиб олди, – гардишида гап кўп.

Даврадагилар баҳсни жанжалга айланиб кетишидан чўчиб, шоирга юзланишди:

– Янгисидан эшитайлик!

Шоир тараддудланди, қизарди, кўзлари ёнди ва оҳиста шеър ўқий кетди. Даврада сокинлик. Шеър юракларга оқиб кира бошлади. Даврадаги йигитлар тирикчилик оламидан илоҳиёт оламига кўчиб ўтгандай бўлди. Қадлар кўтарилди, бургут келбатга келди ва шижоат ила жўшқин бир ҳолатга тушди.

Шеър тугади. "Офарин!" деб юборди йигитлар.

– Шу шеърингизни қанчага сотасиз? – деди Бахтиёр тинчликни бузиб. – Қўшиқ қилардим.

Кимдир "уф!" деб юборди. Йигитлар осмондан ерга қулаб тушгандай яна тирикчилик оламига қайтдилар.

КИМ НИМАГА БОШҚОРОНҒИ

Эҳ, хотинлар-а! Тўрттамиз йигилсак бозор-да. Дунёнинг у четидан кириб, бу четидан чиқамиз.

Бир йигинга борувдим. Уйга келиб нима гаплашганимизни эсласам... кечгача бир гапни сақичдай чайнабмиз-а?! Эсиз ўтган кун! Афсус қилмайман-у, ахир бизнинг танглайимиз гап билан қўтарилган бўлса, нима дейсиз! Гап, гап, гап... Нимадан бошланди ўзи. Ҳм, Озодахоннинг бошқорони бўлганидан.

– Шу десангиз, бир ҳафта ўтиши билан кўнглим гум-гум кетаверади. Ер тишлаб ётиб оламан. Ҳеч нарса ёқмайди. Адаси уни олиб келадилар, емайман, буни олиб келадилар, емайман. Охири машинага ўтказиб, бозорга олиб борадилар. "Нима егинг келяпти, хоҳлаганингни олиб бераман", дедилар. Бозор айланиб, қурт, тоғолча, балиқ, товуқ, писта, хаҳ-ҳаҳ-а, охири қази олиб берадилар. Қани энди ёлсам, оғзимга оламан-у, ташлайман.

– Вой мани бошқоронгилигим, – дея кетди Шоҳиста. – Жинни бўламан! Эрим кўзимга бало бўлиб кўринади. Болаларни чиқиштирмайман. Жуда ингжик бўламан-да. Гоҳ уйга кетиб қоламан, эрим бориб олиб келаверади. "Ҳамма ишни ўзим қиламан, юр," дейди.

– Биласизларми, мен нимага бошқоронги бўламан, хом тарвузга! Пишмаган тарвуз бўлади-ку, шуни ўртасидан ёриб, икки палласига термулиб ўтиравердим...

– Менам юрган эканман бошқоронги бўлдим деб, – дейди Зуҳрахон. –Вуй, кўзимга қовунлар кўринади. Бозордаги уюм-уюм қовунлар. Бир кун эрталаб эримга тайинлаб айтиб юбордим. Энди қовун келади деб бошқача кайфиятдаман. Уй йиғиштирсам ҳам кўзимга фақат думалаб ётган қовунлар кўринаверади. Дунёнинг кирини ювдим. Кўзимга қовун, қовун, фақат қовун кўринади. Кеч бўляпти. Ана ҳозир Саиджон акам икки қўлтиғи орасида қовун кўтариб келадилар, деб ўтирибман. Қани энди келсалар, соат саккиз бўлди, тўққиз, ўн бўлди. Бир пайт югуриб бориб эшикни очсам, гирт маст жувонмарг... Шунақа жоним чиқди, шунақа жоним чиқди...

– Вой, мани кеннойим илонга бошқоронги бўлган. Ойим билиб қолганлар. Энди илонни қаердан оласиз? Ойим бозорга тушиб хасиб олиб чиқиб уни пиширибди, лаганга кулча қилиб солганлар-да, кеннойимнинг тахмони тагига қўйиб қўйганлар. Кейин кеннойимни чақириб "Олтиной, бу ёққа келинг, анави сандигингизнинг тагидан чиққан илонни қаранг", дедилар. Кеннойим ипонди ва югуриб бориб хасипни ушлаб гарчча тишлади. Кейин "Бўлди, бўлди, кўзларим ёришдия," деди.

– Вой, тавба, шунақасиям бўларканми?

Бошқоронгилик – жиннилик-да. Мен қоронгу бўлсам, ҳаммадан паширос, ароқ ҳиди келаётганга ўхшайди. Худога шукур, хўп ана шу жинниликдавридан ўтиб олдик-да, ҳаҳ-ҳаҳ-а...

Ана шунақа, хотинлар. Кун бўйи валақлаб-валақлаб бирортамиздан битта ақлли гап чиқмабди-я. Яна болаларимиздан нима талаб қиламиз?

ДАЗМОЛ

Дилоромхон ювилган кирларни йиғиштираркан, ўйлаганим дазмолланган бўлсин, эртага мажлис туши. "Уф, яна қўшнима-қўшни дазмол сўраб чиқиши" керак. Жонга тегди. Тўртта дазмол бузилиб ётибди. Сотиб олаверади, ҳафта ўтмай бузилиб туради. Эри қанча уринди, бирортасини ҳам тузатолмади. Яна маош тегиб сотиб олгунча ўн кун бор.

Дилоромхон Марҳаматхонникига чиқди.

– Келинг, келинг, – тавозе билан кутиб олди ун юқи қўлари билан қўшниси.

– Вой, хамир қораётганмидингиз? Безовта қилибман.

– Кираверинг, ҳозир...

– Йўқ, дазмолга чиқувдим.

– Вой, Мовжудахон олиб чиқиб кетувди-я.

– Майли, бўлмаса...

Дилоромхон пастки қўшниникига кирди. Заҳрохон эшикни қия очди-да: "Дазмолимиз куйиб қолган" дея совуққина муомала қилди. Дилоромхоннинг ори келди: "Келиб-келиб сенга ишим тушдими?" Биринчи қаватга тушди. Мовжудахон уни кулиб қарши олди:

– Бир ўзим, киринг, "Морена Клара" бўляпти. Бирга кўрамиз.

– Йўқ-қ... шошиб турибман. Дазмолингиз...

– Вой ўлай... дазмол қўйиб қўювдим, эсимдан чиқиб кетибди. Мовжудахон югуриб ичкари хонага кириб кетди. Эссиз дазмол, куйибди!

– Яхши чиқиб қолдингиз-а, уйимга ўт тушай дебди-я! – деди оловранг бўлиб кетган дазмолини айвончага олиб чиқиб қўяр экан Мовжудахон. – Яхшиям таглик қўйган эканман, нақ гиламни ўйиб туширар экан-а.

Дилоромхон индамай ортига қайтди. Ҳозирги кунда дазмолларга қирон келган. Бугун опкелсанг, эртага куйиб турибди-да.

Мен сизга айтсам, ҳеч кимнинг дазмоли куймасин, янгиси келгунича Дилоромхоннинг кунига тушмасин!


Қутби НОСИР қизи.

САНЪАТ ДАРСЛИГИ

Акварель

Акварель – рангтасвирнинг энг нозик шюрона турларидан бири. Қадим замонлардан акварель ўзининг нафислиги ва рангларнинг ёрқинлиги билан қўпгина рассомларни қизиктириб келган. Акварель лотинча сўз бўлиб „сув билан суюлтириб ишлатиладиган бўёқлар" маъносини англатади. Акварель тарқибига бўёк модцаси (ўсимлик ёки маъданларнинг майин қилиб янчилган кукуни) ва бириктирувчи модда сифатида олинган декстрин ва озроқ асал киради. Акварель тарқибига бўёк модцаси сифатида олча елими, глицерин ва юзаси ғадир-будир бўлиши керак. Жуда силлик қоғоз юзасида ок ранг ишлатилмайди. Хўл ёки қуруқ қоғоз рангларни бўяйди. Нарсаларни Акварелда ок ранг ва юзаси ғадир-будир бўлиши керак. Жуда силлик қоғоз юзаларни тақис ётмайди. Хўл ёки қуруқ қоғоз рангларни бўяйди. Нарсаларни етарли даражада қалин ва юзаси ғадир-будир бўлиши керак. Жуда силлик қоғоз юзасида ок ранг ишлатилмайди. Акварель тарқибига бўёк модцаси сифатида олинган декстрин ва озроқ асал киради. Акварель тарқибига бўёк модцаси (ўсимлик ёки маъданларнинг майин қилиб янчилган кукуни) ва бириктирувчи модда сифатида олча елими, глицерин ва юзаси ғадир-будир бўлиши керак. Жуда силлик қоғоз юзасида ок ранг ишлатилмайди. Хўл ёки қуруқ қоғоз рангларни бўяйди. Нарсаларни Акварелда ок ранг






Сиз суратларда республикамизда бўлиб ўтган халқ сайилларидан намуналар кўриб турибсиз.

Қосимжон ҲАСАНОВ суратлари.



Guliston

Индекс: якка обуначилар учун – 820
Ташкилотлар учун – 806
Баҳоси: Чакана савдода келишилган нархда.



Пурвиқор тоғлару яшил майсалар,
Ҳар лаҳза ўзига чорлайди бизни.

Владимир ГРАНКИН фотолари.

